ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

Д.Т.КУРЯЗОВА

# ЎЗБЕКИСТОНДА МУЗЕЙ ИШИ ТАРИХИ

## ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ УЧУН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ-2010

**Тақризчилар:** Ж.Ҳ.Исмоилова (тарих фанлари доктори, Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори).
Қ.Иноятов (тарих фанлари доктори, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти профессори).

Мазкур ўқув-услубий қўлланма Олий ўқув юртлари учун мўлжалланган. Унда Ўзбекистон музейларининг яратилиш тарихи, фаолияти, тараққиёти, Ўзбекистон музейларининг мустақиллик давридаги ривожи, меъёрий-хуқуқий асослари хақидаги маълумотлар ўз аксини топган. Шунингдек, музейшуносликнинг долзарб масалалари, болалар музейлари, музей педагогикаси, маркетинги ва менежменти хақида ҳам маълумот берилган.

# КИРИШ

Мустақиллик шароитида жамиятдаги янги ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида, жамият аъзоларини эркин, демократик тафаккур ва миллий ғоя руҳида тарбиялаш вазифаларини бажаришда музейларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. «Албатта ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди»[1]. Ўзбекистон Республикасидаги музейлар ва тарихий меъморий ёдгорликлар миллатнинг маданий уйғониши, миллий ғояни тарғиб этиш, халқ онгида миллий ғурур ва қадриятларни кучайтиришда, мустақиллик ғояларига содиқлик ҳиссиётини, демократия ва тараққиётга ишончни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Музейлар нафақат табиат ва жамиятнинг ноёб ҳамда хилма-хил ашёлари хазинаси, муҳим илмий, маърифий-тарбиявий, ижтимоий коммуникациянинг муҳим ҳалқаси ва марказлари ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг Темурийлар тарихи давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Термиз археология музейи ва бошқа қатор янги музейлар ташкил этилди. Мавжуд музейларнинг илмий концепцияси миллий ғоя асосида қайта тузилиб, экспозициялари такомиллаштирилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 17 та тарих, 27 та ўлкашунослик, 10 та бадиий, 24 та мемориал, 8 та адабиёт, 4 та аниқ фанлар музейлари фаолият кўрсатмоқда[2]. Уларда ўзбек ва жаҳон халқлари тарихи ва маданиятига доир жами 1602280 дан ортиқ турли экспонатлар сақланади. Республикада мустақиллик йилларида музейларнинг фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил этиш ҳам музей иши ҳамда музейшуносликнинг долзарб ва истиқболли илмий йўналишини ташкил этади.

Музейшунослик фани муаммоларини чуқур англаш унинг тарихи билан яқиндан танишишни тақозо этади. Мазкур фаннинг тарихига муқаддима эса, музей ишининг хусусиятлари ва тараққиёт босқичларини янада мукаммал тушуниш имконини беради. Шунинг учун Ўзбекистон музейларининг тарихи ва ўзига хослиги, мустақиллик даврида Ўзбекистон тарихи давлат музейининг қайта ташкил этилиши, Темурийлар тарихи давлат музейи ва бошқа янги музейларнинг яратилиши, хусусиятлари ҳамда жаҳон музейшунослиги ютуқларидан фойдаланиш масалаларини ўрганиш устувор ва долзарб масаладир.

1991 йилгача Ўзбекистон музейлари фаолияти мустақиллик даври ғояларига зид ҳолда ўрганилган, мавжуд адабиётлар ва услубий қўлланмалардаги маълумотлар эса тарқоқ ҳолда, музейлар ҳақидаги

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 30.

[2] Альмеев Р.В. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. Ташкент: Издательско-полиграфический дом имени Гафура Гуляма, 2007. – С.16.

маълумотлар етарлича эмас ва чекланган микдорда. Шунингдек, музейларнинг фаолияти кенг оммага атрофлича етказиб берилмаган. Фойдаланилаётган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар мазмун жиҳатдан эскирган, кўпчилиги замон талабларига жавоб бермайди ва рус тилида ёзилган. Ушбу масала бугунги кунда фундаментал тадқиқот сифатида ўрганилмагани билан устувор ва долзарбдир.

Мустақил Ўзбекистонда музейшунослик соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар, адабиётлар таҳлили, музейларни қайта қуриш, янгиларини яратиш бўйича олиб борилган бунёдкорлик ишларини умумлаштирувчи, фундаментал тадқиқот ишлари шу даврга қадар амалга оширилмаган. Музейлар тарихига оид адабиётларни икки гуруҳга бўлиб тахлил этиш мақсадга мувофиқдир:

1. Совет ҳукмронлиги давридаги музейлар тарихи ва музей ишига оид нашр этилган илмий адабиётлар, мақола ва рисолалар.

2. Мустақиллик даврида яратилган тадқиқотлар, даврий матбуот материаллари, ўқув қўлланмалар ҳамда дарсликлар.

Биринчи гуруҳга оид советлар даври адабиётлари моҳияти ва мазмунига кўра коммунистик мафкура, синфийлик нуқтаи назаридан ёндашилганлиги билан характерланади.

Бу даврдаги Туркистон маданиятига оид асосий адабиётлар В.В.Бартольд, Б.В.Лунин, А.А.Семёнов ва бошқалар томонидан таҳлил этилган[1].

1917 йилга қадар Туркистонда ташкил этилган турли кўргазмалар ва уларнинг янги музейлар вужудга келишидаги аҳамияти Г.Н.Чабров томонидан тадқиқ қилинган. Унинг асарида ҳар бир кўргазма экспозицияси атрофлича тавсифланиб, мустамлака маъмурлари ва савдо-саноат доираларининг ундан кўзлаган мақсадлари очиб берилган. Ўрта Осиёда коллекциялар тўплаш ва кўргазмалар ташкил этиш тарихини ёритишда Г.Н.Чабровнинг нашр этилмаган асарлари ҳам ўрганилаётган муаммони тавсифлашда муайян аҳамият касб этган[2].

XX асрнинг 20-йилларида музейлар фаолияти ҳақидаги асар ва тадқиқотлар сон жиҳатидан кўп эмас. Улар қаторига 1926–1928 йилларда В.В.Бартольд муҳаррирлигида нашр этилган «Известия Среднеазиатского комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы» номли мажмуасини кўрсатиш мумкин[3]. Ундаги мақолалардан энг

---

[1] Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Сочинение, Т.II. ч. 1. 1963. – С. 167-433.; Семёнов А.А. Некоторые особенности материальной культуры прошлых эпох Средней Азии // Известия Средазкомстарис. 1928. Вып. 1. – С. 11-13.; Лунин Б.В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. – Ташкент: Фан, 1958.; Его же. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность. – Ташкент: Фан, 1962. – 112 с.

[2] Чабров Г.Н. Накопление сокровищ и культурных ценностей в государствах Средней Азии с древнейших времен до падения феодальных деспотий // Рукопись. Научный архив Государственного музея истории Узбекистана. 1957. – 1963. – 126 с.

[3] Известия среднеазиатского Комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы. Вып. 1–3. – Ташкент: 1928.

аҳамиятлиси А.М.Миронов қаламига мансуб бўлиб, Средазкомстариснинг беш йиллик ташкилий, илмий ва амалий фаолиятига бағишланган[1].

Таниқли олим Я.Ғ.Ғуломов томонидан ёзилган асарда Ўзбекистоннинг моддий маданият ёдгорликларини асраш ва муҳофаза қилиш масалалари ўз ифодасини топган[2].

Советлар ҳукмронлиги давридаги Ўзбекистон музейларининг ташкил этилиши ва фаолияти бўйича мавжуд адабиётлар коммунистик мафкура асосида, аксарият ҳолларда маълум юбилей саналарига бағишлаб ёзилгани маълум. Хусусан, М.С.Юсуповнинг рисоласи Самарқанддаги Республика маданият тарихи музейига бағишланган бўлиб, у илмий-оммабоп хусусиятга эга[3]. Асарда музейшуносликка оид масалалар: музей тизими, фондлари, экспедициялар, илмий тадқиқотлар жуда қисқа баён этилган. Муаллифлар гуруҳи: Л.М.Ланда ва Ю.И.Гласснинг ҳамда Х.Содиқова, Ю.Гласс, Е.Цойлар тайёрлаган йўл кўрсаткичлари (путеводитель ва справочниклар) ҳам ўз ҳажми ва мақсадига мувофиқ музейларга келаётганлар учун мўлжалланган бўлиб, уларда Ўзбекистон музейлари экспозициялари қисман таҳлил этилган[4]. Советлар ҳукмронлиги даврида фаолият кўрсатган М.Т.Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи йўл кўрсаткичи ҳам оммабоп мазмундаги асарлар доирасига киради[5].

Республикадаги музейлар ва музейшуносликка оид тадқиқотлар орасида Н.Содиқованинг асарлари алоҳида ажралиб туради[6]. Улардаги давр талабига кўра киритилган мафкуравий жиҳатларни ҳисобга олмаганда, Ўзбекистонда музей ишининг деярли бир аср давомидаги тараққиёти, ютуқлари ва муаммолари атрофлича ўрганилган.

Советлар ҳукмронлиги даврида ёзилган адабиётларнинг муаллифлари асосий эътиборни «социализм ғалабаси» ва унинг тарғибот ишларига қаратганлар. Хулосалар беришда давр нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ҳукмрон компартия манфаатларини ифодалашга уринганлар. Совет даври адабиётларини танқидий ўрганиш, шу даврдаги музей иши соҳасида олиб борилган сиёсатнинг мазмун-моҳиятини тушунишга ёрдам беради.

Иккинчи гуруҳга мустақиллик йилларида бир қатор тарихчи, санъатшунос ва музейшунос олимлар томонидан яратилган

---

[1] Миронов А.М. Художественный музей в Ташкенте // Известия Средазкомстарис. Вып.1.1926 . – С. 295-331.

[2] Ғуломов Я. Ўзбекистонда моддий-маданий ёдгорликларни сақлаш, ўрганиш йўллари. – Тошкент: 1934. – 120 б.

[3] Юсупов М.С. 50-лет Самаркандского музея (1896–1946 гг.). – Самарканд, 1948. – 58 б.

[4] Гласс Ю.И., Ланда Л.М. Музеи Узбекистана. Путеводитель-справочник. – Ташкент: Госизд., 1961. – 182 с.; Садыков Х., Гласс Ю., Цой Е. Музеи Узбекистана. Путеводитель-справочник. – Ташкент: Фан, 1978. – 118 с.

[5] Материалы к путеводителю по Музею истории народов Узбекистана им. М.Т.Айбека АН. – Ташкент: Фан, 1990. – 164 с.

[6] Садыкова Н. Музей истории народов Узбекистана им. М.Т.Айбека / Наука в Узбекистане. Т. II. Общественные науки. – Ташкент: Фан, 1974.; Шу муаллиф. Музейное дело в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1975. – 290 с.; Шу муаллиф. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1981. – 270 б.; Шу муаллиф. Единство научно-исследовательской и идейно-воспитательной работы музеев Узбекистана. Ташкент: Фан, 1987.; Шу муаллиф. Историография и источники по музейному строительству. Ташкент: Фан, 1987.; Шу муаллиф. Мулки торож ўзбегим. Тошкент: Фан–хазина, 1995. – 42 б.; Шу муаллиф. Ўрта Осиёда музейларнинг шаклланиши // Мозийдан садо. Тошкент, 1999. – № 1–2. – Б. 16–23.

музейшуносликка оид тадқиқот, адабиётлар ҳамда даврий матбуот материаллари киради.

Ўзбекистон музейларининг мустақиллик давридаги фаолияти ва тараққиёти бўйича бугунги кунгача умумлаштирувчи асарлар деярли мавжуд эмас.

М.Бекмуродов, М.Рашидова, Р.Альмеев, Л.Маньковская, Д.Курязова, Г.Фузаилова, М.Ҳасанова, И.Илалов[1] ва бошқалар яратган, ўзбек ҳамда рус тилларида нашр этилган мақола, ўқув қўлланма ва асарларда мустақиллик давридаги музейлар фаолияти ҳамда М.Исакованинг номзодлик диссертациясида[2], архив иши ва музей иши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик Ўзбекистон архив фондларини яратиш мисолида баён этилган. Ўзбекистон музейларига бағишланган йирик тадқиқотлар Р.В.Альмеев томонидан яратилган бўлиб, уларда танланган мавзу Бухоро музейлари мисолида маълум даражада ўрганилган[3].

Мустақиллик йилларида нашр этила бошланган «Мозийдан садо» журнали Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган музейларнинг тарихи ва фаолиятини ўрганишда катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидламоқ лозим. Унда нашр этилган қатор илмий мақолалардан Ўзбекистонда мустақиллик давридаги музей ишини, давлат муассасалари тарихини ёритишда кенг фойдаланилди. Бу соҳадаги муаммолар бўйича етакчи музейшунос мутахассислар, архившунос ва тарихчи олимлар томонидан қатор илмий мақолалар ёзилган. Ж.Исмоилова, Н.Ҳабибуллаев, Қ.Иноятов, Р.Альмеев, Э.Ртвеладзе, Р.Фатхуллаев, Ў.Ёрмуҳаммедов, Л.Левтеева, И.М.Жабборов, Д.Раҳимова, Р.Қаюмов, Г.Дресвянская, Ш.Воҳидов, Ж.Ёқубов ва бошқаларнинг илмий мақолалари шулар жумласидандир[4].

---

[1] Бекмуродов М., Рашидова М. Музейшунослик. – Тошкент, 2006. – 102 б.; Илалов И. Музееведение. – Ташкент: Мусиқа, 2006. – 357 с.; Kuryazova D.T. Muzey ishi tarixi va nazariyasi. Kasb-hunar kollejlari uchun o‘quv qo‘llanma. – Toshkent: O‘qituvchi, 2007. – 160 b.; Фузаилова Г., Хасанова М. Музееведение. – Ташкент: Фан ва технологиялар босмахонаси, 2008. – 192 с.; Маньковская Л.Ю. Бухара: Музей под открытым небом. – Ташкент: Издательско-полиграфический дом имени Гафура Гуляма, 1991. – 255 с.

[2] Исакова М.С. История Центрального государственного архива кинофотофонодокументов и его деятельность по созданию фондов истории культуры Узбекистана.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент: УзМУ, 2004. – 30 с.

[3] Альмеев Р. Бухара – город музей. – Ташкент: Фан, 1999. – 205 с.; Его же. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. – Ташкент: Издательско-полиграфический дом имени Гафура Гуляма. 2007. – 268 с.

[4] Альмеев Р. Музей и маркетинг // Мозийдан садо. – Тошкент, 2005. – № 4 (32). – С. 12-13.; Дресвянская Г.Я. Г.Я. Музей и общество // Мозийдан садо. – Ташкент, 2000. – № 1-2 (5–6). – С. 30-33.; Жабборов И., Раҳимова Д. Замонавий музейшуносликнинг долзарб муаммолари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2003. – № 1 (7). – Б. 10-12.; Исмоилова Ж. Музей – тарих кўзгуси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2003. – № 2 (18). – Б. 17-78.; Иноятов Қ. Ватанга муҳаббат шу ерда туғилади // Мозийдан садо. – Тошкент, 1999. – № 3. – Б. 4-7.; Қаюмов Р. Самарқанд давлат музей қўриқхонасининг халқаро алоқалари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2005. – № 4. – Б. 11-12.; Левтеева Л. Юбилейные выставки в музее истории Узбекистана // Мозийдан садо. – Ташкент, 2006. – № 2 (30). – С. 34-37.; Ртвеладзе Э. Из истории Великого Шёлкового пути // Мозийдан садо. – Ташкент, 1999. – № 3. – С. 8-13.; Фатхуллаев Р. Музей ишида замонавий ахборот технологияси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2002. – № 2 (14). – Б. 8-11.; Ҳабибуллаев Н. Темурийлар тарихи давлат музейи // Мозийдан садо. – Тошкент, 1999. – № 4 (32). – Б. 5-8.; Шу муаллиф. Ўзбек музейларининг истиқболи // Мозийдан садо. – Тошкент, 1999. – № 1-2. – Б. 12-13.; Ёрмуҳаммедов Ў. Нажотбахш қарор // Гулистон. – Тошкент, 1995. – № 2. – Б. 28-29. Воҳидов Ш., Ёқубов Ж. Кичик масканларнинг улкан вазифалари // Мозийдан садо, Тошкент, 2000. – № 2. – Б. 18-20.

Ушбу мақолаларнинг ҳар бири музейшуносликка оид муаммоларга бағишланган бўлиб, муайян бир масалани ёритган.

Жумладан, И.М.Жабборов, Д.Раҳимоваларнинг мақоласида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда музейларнинг аҳамияти, музей ишининг бугунги муаммолари, уларни ечиш йўллари ҳақида ҳам қатор муҳим фикр-мулоҳазалар ҳақида сўз боради[1].

Р.Фатхуллаев ўтган асрнинг 90-йилларидан компьютерлардан музей фаолиятида фойдаланиш, соҳа маълумот тизимини шакллантириш, ахборотни тўлақонли етказиш имкониятларини кенгайтирганлигини қайд этган. Шунингдек, Ўзбекистон музейларида ҳам ушбу жараёнлар энди бошлангани таъкидланган[2].

Ш.Воҳидов ва Ж.Ёқубовларнинг мақолаларида Жанубий Ўзбекистондаги мактабларда ташкил этилган музейлар, музей-кабинетлари, хоналарининг фаолияти ва уларнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

Россия империяси даври ва мустабид советлар даврида миллий маданият ҳамда тарихий ёдгорликларга бўлган муносабат «Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари» асарида кенг кўламда таҳлил қилинади[3]. Н.И.Алимова тадқиқотида эса собиқ совет ҳукмронлиги даврида Туркистонда миллий маданият соҳасидаги сиёсат тўғрисида фикр юритилади[4].

Бугунги кунда музей иши ва музейшунослик бўйича республикада мавжуд ягона номзодлик диссертацияси иши Д.А.Қурбоновага тегишли бўлиб, унда муаллиф хориж музейларида ҳамда Ўзбекистоннинг турли музейлари фондларида сақланаётган темурийлар даврига оид тарихий ва маданий ёдгорликларни тадқиқ қилган[5].

Музейшунослик муаммоларининг ўрганилиш даражасини таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатадики, мустақиллик давридаги музейларни қайта қуриш ва янгиларини яратиш борасида республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар тадқиқотларда, илмий адабиётларда ўзининг тўлиқ аксини топгани йўқ. Ўзбекистон тарихи давлат музейининг қайта ташкил этилиши, янги музейларнинг, хусусан, Темурийлар тарихи давлат музейининг барпо этилиши, Ўзбекистондаги тарих ва ўлкашунослик музейларининг фаолияти махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилган эмас.

---

[1] Жабборов И.М. Раҳимова Д. Замонавий музейшуносликнинг долзарб муаммолари // Мозийдан садо, Тошкент, 2003. – № 1.– Б. 10-12.

[2] Фатхуллаев Р. Музей ишида замонавий ахборот технологияси // Мозийдан садо, Тошкент, 2002. – № 2. – Б. 8.

[3] Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари / Масъул муҳаррир Д.А.Алимова. Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 353-401.

[4] Алимова Н.И. Чор Россиясининг Туркистонда миллий маданият соҳасида олиб борган сиёсати: Тарих фан. ном. дис. ... автореферати. – Тошкент: Ўз ФА Тарих институти, 2006. – 29 б.

[5] Қурбонова Д.А. Хориж музейларида сақланаётган темурийлар даврига оид тарихий ва маданий ёдгорликлар. Тарих фан. ном. дис. ... автореферати. – Тошкент: ЎзМУ, 2009. – 30 б.

# I БОБ. МУЗЕЙ ТУШУНЧАСИ, ЎЗБЕКИСТОНДА МУЗЕЙЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

## 1-мавзу: Туркистонда музейларнинг шаклланиш тарихи ва уларнинг музей иши ривожидаги роли

**Режа:**

**1. “Музей” атамаси ва музей хақида тушунча.**

**2.Туркистондаги илк музейларни ташкил этилишида илмий жамиятлар ва коллекционерларнинг роли.**

**3.Туркистонда ташкил этилган илк музейлар фаолияти.**

***1. “Музей” атамаси ва музей хақида тушунча.*** *“Музей”, мусейон сўзи инсон маданиятига икки ярим минг йил илгари, яъни антик даврда кириб келди. Лекин унинг маъноси хозирги музей тушунчасидан анча бошқачароқ эди. Қадимги Юнонистонда “Мусейон”деб маъбудалар шаънига эъзозланадиган масканларни айтганлар. Бу масканлар табиатнинг гўзал жойларида, тоғ этакларида, дарё ва кўл бўйларида, боғу-роғларда жойлашган бўларди. Шунингдек мусейонлар ибодатхона вазифасини хам ўтаган. Юнон пантеонига тўққизта муза кирган. Шулардан иккитаси, яъни Клио-тарих, Урания-астрономия маъбудалари бўлиб, қолганлари инсонларга санъат тақдим этган: Мельпомена-трагедия, Талия- комедия, Терпсихора-рақс, Эрато-мухаббат қўшиқлари, Каллиопа-эпик шеърият, Полигимия-диний қўшиқлар, Эвтерпа- лирик шеърият маъбудалари хисобланган. Қадимги антик Юнонистонда кўпхудолик дини хукм сургани учун хамма нарсани ўз маъбудаси бўлган. Олдинлари маъбудалар худонинг вакиллари хисобланган. Кейинчалик илм-фан ва санъатга хомий худолар деган тушунча пайдо бўлган.*

*Мусейонларда кўпинча шоирлар, файласуфлар, санъат усталари йиғилишар, гўзал маъбуда хайкаллари уларга илҳом бағишлар эди. Бу ерда шеърият кечалари ҳам бўлиб ўтар ва хақиқий адабиёт-шеърият марказига айланган эди.*

*Вақт ўтиши билан мусейонлан йўқ бўлиб кетди. “Мусейон” атамаси “музей”*

*Машҳур француз музеологи Ж.Базенни таъкидлашича, музейлар тарихини ёзиш учун иккита нарсани тушинтира олиш керак: биринчиси - музейлар концепцияси, иккинчиси - замон концепцияси.*

*Музейлар ўзларининг илк пайдо бўлган кунидан бошлаб ўз замонасини акс эттирган, ўз замонасининг талаб эхтиёжларини ифода қилган, қисқа қилиб айтсак замон кўзгуси бўлган.*

*Ўз илдизига қараб интилиш, ўзини ўзи англаш учун қизиқиш уйғониши, инсониятга хос бир фазилатдир. Музейларни пайдо бўлишига инсониятдаги ана шу хусусият энг олий сабаблардан биридир.*

*Олдинлари фақат маълум бир шахслар учун хизмат қилган музейлар, аста-секин, оммавийлашиб борди ва жамият маданиятининг ажралмас бир қисмига айланди.*

*Ҳозирги кунда “Музей” сўзининг бир қатор тушунчалари мавжуд бўлиб, маълум даражада бу феноменнинг мураккаблигини англатади. XX аср инсониятга янги типдаги музейларни тақдим этди. Энди предметларни нафақат сақлаш ва экспозицияга қўйиш, балки уларга хос атроф-муҳитни, турли тарихий-маданий жараёнларнинг лавҳаларини, инсон фаолиятининг турларини кўрсатиш вақти келганлиги англанди. Очиқ осмон остидаги музейлар пайдо бўлди, уларнинг асосини предметларни анъанавий коллекцияси эмас, балки ўзининг табиий атроф муҳитида намойиш этиладиган, халқ турмушини акс эттирувчи меъморий ёдгорликлар ташкил этди. Шунингдек, асл нусхадаги предметларни эмас, уларнинг копияларини намойиш этувчи мезейлар ҳам пайдо бўлди.*

*“Музей” тушунчасининг кўп қирралигига яна бир сабаб, назарий музейшуносликнинг ривожланиши ва мутахассисларнинг турли тадқиқотчилик ёндашуви, ҳамда мақсад вазифаларнинг ҳар хиллигидир. Сўров характерига эга бўлган нашларда мезейлар асосан илмий-тадқиқот ва маданий - маърифий муассаса сифатида изоҳланади ва уларнинг ижтимоий функцияларига мос тарзда комплектлаш, хисобга олиш, сақлов, маданий, тарихий ёдгорликларни тарғиб этиш ва ўрганиш ишларини олиб боради деб ёзилган.*

*Халқаро амалиётда асосан, Музейларнинг Ҳалқаро кенгаши (ИКОМ) томонидан ишлаб чиқилган қонундан фойдаланилади. Бу эса ўз навбатида 1974 йилги Уставга ҳам киритилган. Ўзгаришалар киритилган ушбу Уставнинг охирги вариантида (яъни 1995 йил) қуйидагилар таъкидланади: “Музей - бу доимий, коммерческий бўлмаган муассасадир, у жамият учун хизмат қилади ва одамлар учун очиқдир. Музей экспонатларни тўплайди, сақлайди, ўрганади, тарғиб қилади ва экспозицияга қўяди”. Мазкур тушунча узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтди, лекин кўп масалалар ечилмай қолди. Масалан, ботаника боғлари зоопаркларни ҳам музей деб хисоблаш мумкинми? Ахир улар табиатнинг флора ва фауна дунёсини коллекцияларига эга, уларнинг сақланиб қолишини таъминлайди, ўрганади, намоиш қилади, шу билан бир қаторда омманинг дам олиш борасидаги талабларини қондиради. Лекин бу коллекциялар табиатнинг ўлик эмас, жонли намуналардан ташкил топган.*

*Шунга ўхшаш саволлар туғилганда мутахассисларнинг фикрлари бўлинади. Бирлари “музей” деб фақат анъанавий типдаги илмий, тарихий ёки коллекцияларда ўз фаолиятини асослайдиган муассасаларга айтилади деб хисоблайди. Шунинг учун улар зоология ва ботаника боғлари, кўплаб илмий музейлар, табиий ва тарихий ёдгорликларни музей деб хисоблашмайди. Бошқа музейшунослар эса, маданий меросга нисбатан музей харктери ва ролини кенгроқ изоҳлайдилар. Улар инсон атрофидаги барча*

*табиий, маданий, ижтимоиий муҳит мезейга хос деб биладилар. Мазкур фикрларни инобатга олган ҳолда, барча ботаника боғлари, зоопаркларни, табиий ва тарихий ёдгорликларни ИКОМ ўзига аъзо қилиб олган.*

*Музей жамиятга хизмат қилиши лозим ва уни ривожлантириши керак деган фикрларни ҳам мутахассислар бир овоздан маъқулламайдилар. Жамият қизиқишини нимадан иборатлигини ким қандай мезонлар асосида белгилайди? Ахир жамиятдаги турли гуруҳларнинг қизиқиши ва талаби бир хил эмаску. Музейлар ким учун фаолият кўрсатади? Жамият равнақи ва илмий прогресс унинг ишлаётган олимлари учун ёки кенг омманинг, эстетик ва таълим талабларини қондириш учунми? Мисол келтирилган зиддиятли саволлар турли мамлакатларнинг мутахассислари томонидан (музейшунослар, файласуфлар, социологлар, тарихчилар, санъатшунослар ҳам шулар жумласидандир) музей атрофида юз йиллар мабойнида мухокама қилиниб келинган. Улар шунга гувоҳлик беришадики, музей – бу жуда мураккаб феномен ва унга бахс музокарасиз ва ҳаммага маълум бўладиган аниқлик киритиб бўлмайди.*

*“Музей” тушунчасининг талқинига нисбатан назарий музейшуносликда ҳам турлича ёндошилади, лекин кўпчилик тадқиқотчилар музейнинг бажарадиган функцияларига кўра уни ижтимоиий институт деб ҳисоблайдилар.*

**2.Туркистондаги илк музейларни ташкил этилишида илмий жамиятлар ва коллекционерларнинг роли.** Туркистондаги музейлар ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш мустақиллик давридаги музейлар тараққиёти илдизларини аниқлаш, қиёсий таҳлил қилиш ёрдамида музей иши амалиётидаги ижобий ва салбий томонларни аниқлашга ёрдам беради. Совет давридаги мутахассислар Туркистон музейлари ва уларнинг фаолиятини собиқ тузум мафкураси доирасида ёритган бўлса, бугунги кунда аввалги тарихий жараёнга холис баҳо бериш имконига эга бўлинди. Бу эса совет даври музейшунослари тажрибаларининг ижобий томонлари рад этилмаган ҳолда давр ва собиқ мафкура таъсиридан холи, жаҳон андозаларидан келиб чиққан тарзда танқидий ёндашув асосида тадқиқот олиб боришни белгилайди.

1876 йил 16 мартдаги «Туркестанские ведомости» газетаси таҳририятининг Генерал-губернатор идорасига расмий мактубида газета муҳаррири Н.А.Маевнинг Тошкентда музей очиш ҳақидаги баённомаси юборилаётгани хабар қилинади[1]. Демак, Россия истилосининг дастлабки ўн йили ўтганидан сўнг Туркистонда музей ташкил этилиши лозимлиги олимлар томонидан қайд этилган.

Россия империясининг 1853 йили Оқмачитни босиб олишидан то 1876 йили Қўқон хонлиги тугатилишига қадар уларнинг барча юришларида олимлар иштирок этиб, турли ҳужжат, қўлёзма, китоб ва бошқа осори-атиқаларни тўплашган. Генерал-губернатор К.П.Фон Кауфман фармонига

[1] ЎзР МДА, И–1-фонд, 16-рўйхат, 965-иш, 4-варақ.

асосан Самарқанд истилосидан сўнг қўлга киритилган халифа Усмон Қуръони шарқшунос А.Л.Кун ташаббуси билан Петербург оммавий кутубхонасига жўнатилади. Бухоро амирлигида Музаффарнинг тўнғич ўғли Абдумалик Тўра бошчилигидаги қўзғалонни бостириш давомида рус ҳарбий экспедицияси Шаҳрисабз ва Китоб бекларидан 97 та қадимий қўлёзмани олиб қайтгани маълум[1].

Хивага 1873 йилги юриш давомида қўшин таркибида қатнашган шарқшунос олим А.Л.Кунга (1840–1888) Петербург кутубхонаси ва музейлари учун илмий аҳамиятга молик ҳамма нарсаларни синчиклаб текшириш ҳамда тўплаш топширилган эди. Натижада хон кутубхонасидан 300 га яқин қўлёзма-китоблар мусодара қилинган. Хива хонларининг танга пул зарб қиладиган 200 нусха қолипи, бир қанча мухр, хоннинг тахти, 172 нусха мўғуллар даври тангалари, қўнғиротлар сулолаларига оид тангалардан 3 нусхадан, кўплаб этнографик буюмларни тўплаб империя пойтахтига жўнатилган[2]. Хива усталарининг кандакорлик санъати намунаси бўлган тахт 1874 йил нодир ашёлар тўплами қурол-аслаҳалар палатасига юборилган. Хивадан олиб кетилган аёллар ва болалар кийимлари, олтин ва кумуш заргарлик буюмлари, Царское село қўриқхонаси, Петербург бадиий рағбатлантириш жамияти музейи, Москва политехника музейларига тақсимлаб берилган. Хива хонлигидан таланган қимматбаҳо буюмларнинг катта қисми Россия Давлат Эрмитажи, Этнография музейларига ҳам олиб кетилган[3].

Қўқон хонлигини тугатиш пайтида (1875–1876) тарих, тиббиёт, ҳуқуқшунослик ва диний илмларга оид 130 га яқин қўлёзма мусодара қилинади. Бу қўлёзмалар дастлаб Туркистон халқ кутубхонаси, сўнг Россияга олиб кетилиб, император Халқ кутубхонасига топширилган[4].

Республика Марказий Давлат архивидаги ҳужжатлар ичида Туркистон Генерал-губернатори Кауфманга 1878 йил 27 октябрда юборилган ташаккурнома сақланиб, унда Кавказ ноиби бошқармаси Тошкентдан юборилган етти яшик этнографик буюмлар олиниб, Тифлис музейига жойлаштирилгани ҳақида хабар берилади[5].

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўрта Осиёнинг истило қилиниши давомида тартибли ва уюшган ҳолда коллекциялар тўплашга асос солинган. Бу жараён расмий тарзда амалга оширилган. Бундан ташқари Ўрта Осиё халқлари маданиятига оид осори-атиқаларни арзон-гаровга сотиб олиб, хусусий бойлик орттириш пайида бўлган кишилар ҳам

---

[1] Содиқова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 33.; Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари / Масъул муҳаррир Д.А.Алимова. Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 353-401.

[2] Лунин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Ташкент: Фан, 1966. – С. 114-120.

[3] Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари / Масъул муҳаррир Д.А.Алимова. Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 353-401.

[4] Чабров Г.Н. Накопление сокровищ и культурных ценностей в государствах Средней Азии с древнейших времен до падения феодальных деспотий // Рукопись. Научный архив Государственного музея истории Узбекистана. 1957. – 1963. – 126 с.

[5] ЎзР МДА, И–1-фонд, 19-рўйхат, 428-иш, 23-варақ.

кам эмасди. Улар қаторида Зарафшон округи бошлиғи генерал А.Абрамов, Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори генерал Н.Головачев, Амударё бўлими бошлиғи А.Галкин ва бошқалар бўлиб, улар тўплаган коллекциялар ҳам ушбу даврга оид[1].

Рус олимларининг турли коллекциялар тўплаш фаолияти бир томондан Петербург, Москва музейлари, кутубхоналари, кўргазма заллар захираларини Ўрта Осиё буюмлари ва қўлёзмалари билан тўлдиришга йўналтирилган бўлса-да, иккинчи томондан маълум вақт ўтиб, маҳаллий музейлар ташкил этиш ҳамда илмий жамиятларни ривожлантириш ишига ёрдам берди. Ўз ишларининг фидойилари бўлган олим, ўлкашунос, шифокор маҳаллий аҳоли вакиллари билан биргаликда Туркистонда европача тамойилдаги музейлар тўпламлари, қўлёзмалар коллекцияларини йиғиш, оммавий кутубхоналарни ташкил этиш ишларини бошладилар.

Тошкентда 1870 йили Туркистон халқ кутубхонасининг ташкил этилиши, хусусий коллекция тўпловчилари хизмати туфайли қатор қимматбаҳо буюмлар фан учун асраб қолинди. Халқ кутубхонасида сақланаётган араб, форс ва туркий қўлёзмалар тавсифи Е.Ф.Каль томонидан 1883 йилда нашр этилиб, илмий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Кутубхонанинг қўлёзмалар бўлими 1898 йили Андижон қўзғалонидан сўнг Дукчи Эшон Муҳаммад Алидан мусодара қилинган асарлар билан бойитилди[2]. Профессор В.А.Жуковскийнинг маълумотига кўра, кутубхонада ислом тарихи, тасаввуф илмига оид 194 та қўлёзма бўлган. Шулардан кутубхона каталогига 1912 йили 311 таси киритилганлиги шарқшунос А.А.Семёнов томонидан қайд этилган[3].

Қилинган саъй-ҳаракатлар, илмий тадқиқотларнинг аксарият қисми фидойи олимлар, кичик амалдорларнинг шахсий ташаббуси бўлган. Генерал-губернаторлик маъмурлари томонидан соҳага жуда кам маблағ ажратилган. Шарқшунос В.В.Бартольднинг ёзишича, «Ўрта Осиё халқлари қадимги маданиятини ўрганиш, ёдгорликларни асрашни фойдасизгина эмас, балки зарарли ҳамдир» деб ҳисобланган[4]. Зеро, бундай муносабат хориждан келган сайёҳлар ва маҳаллий антиквар буюмлар тўпловчиларни, ёдгорликлар, мақбараларни талон-торож қилишларига олиб келади. Жумладан, Шарль Уйфальфи бошчилигидаги француз илмий экспедицияси Самарқанд тарихий обидаларининг қоплама кошин намуналаридан етти яшигини олиб кетган. Мустамлака маъмурларининг эътиборсизлиги туфайли, Г.Вамбери,

---

[1] Содиқова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, - 1981. – Б. 34-35.
[2] Зиёдов Ш., Муминов А. Библиотека Дукчи Ишана. В «Манокиб-и Дукчи Ишан» (Аноним жития Дукчи Ишана – предводителя Андижанского восстания 1898 г.) Перевод с турки, введение и комментарии Б. М. Бабаджанова. Ташкент–Берн–Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – С. 344-385.
[3] Семенов А.А. Государственная публичная библиотека и фонды восточных рукописей Узбекистана // Альманах «Литературный Ташкент». 1945. – С.112-115.; Его же. Среднеазиатские рукописные фонды и важность их изучения // Материалы первой Всесоюзной Научной конференции Востоковедов в г. Ташкенте. – Ташкент, 1958. – С. 915.
[4] Унинг Шарқ маданий ёдгорликларига бўлган муносабати ҳақида муфассал қаранг: Бартольд В.В. Задачи русского востоковедения в Туркестане. Сочинения. Т. IX. 1976. – С. 522-533.

В.Франк, Г.Мозер ва бошқалар томонидан кўплаб қимматбаҳо буюм, нодир қўлёзмалар Европа мамлакатларига олиб кетилди.

Лекин айрим ҳолатларда Ўрта Осиёга мутахассислар келишининг ижобий жиҳатлари ҳам бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Самарқанд меъморий обидалари билан танишиб қайтган швециялик меъмор Мартин Россия молия вазири С.Виттега ёзган хатида шаҳардаги меъморчилик ансамблининг жаҳон маданияти учун улкан аҳамиятини таъкидлаш билан бирга, бу улуғвор ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва ўрганишни ташкил этишни сўрайди. Натижада 1895 йили бу тадбир учун маълум маблағ ажратилиб, ўлчаш, чизмалар чизиш, тадқиқот ишлари бошлаб юборилади[1]. «Гўри Амир» фотоальбоми ҳам шу даврда нашр этилади[2].

Россия истилосидан сўнг илмий тадқиқот ишларининг аксарияти Туркистоннинг моддий бойликларини ўрганиш, улардан рационал фойдаланишга йўналтирилади. А.П.Федченко, В.В.Докучаев, И.В.Мушкетов ва бошқаларнинг тупроқшуносликка оид тадқиқотлари Ўрта Осиёда замонавий илмий фанларга асос солди[3].

Музейлар ташкил этиш ташаббускорлари: А.П.Федченко, И.В.Мушкетов, В.Ф.Ошанин, В.В.Бартольд ва бошқалар Туркистонни атрофлича ўрганган илғор рус зиёлилари эди. Уларнинг асарларидан геология, география, ботаника, зоология, минералогия соҳалари қаторида нумизматика, тарих, этнографияга оид маълумотлар, қадимий ёдгорликларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар ҳам мавжуд эди. Илмий жамиятлар, муассасалар ва айрим маҳаллий шахслар ўз тўпламларини Туркистон ўлкаси минералогияси, зоологияси, нумизматикаси, этнографиясига оид ажойиб ашё ва буюмлар билан тўлдириб бордилар. Мазкур табиий коллекцияларни бирлаштириш ва улар асосида музей ташкил этиш масаласи илмий жамоатчилик томонидан кун тартибига қўйилди. А.П.Федченконинг Туркистон генерал губернаторига ёзган ахборотида: «Туркистонни муваффақиятли ривожлантириш учун у билан асосли равишда танишиб чиқиш лозим, музей эса бунинг учун энг яхши воситадир», – деб ёзади[4]. Бу масала 1871 йили табиатшунослик, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамиятининг Туркистон бўлими мажлисида яна кўтарилди. Ўрта Осиё олимлари илмий жамияти уни бир неча йиллар мобайнида ҳал қилишни қайта-қайта сўрайди. Ниҳоят, Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори генерал Н.Головачёв 1876 йилнинг 9 январида музейни комплектлаш бўйича йиғилишга Н.А.Маев, В.Ф.Ошанин, А.И.Вилькинс, Д.Ю.Южаков ва И.И.Краузеларни таклиф этади ҳамда музей очишга қарор қилинади.

## 2.Туркистонда ташкил этилган илк музейлар фаолияти.

---

[1] Содиқова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 36.
[2] ЎзР МДА, Р–394-фонд, 1-рўйхат, 143-иш, 19-варақ.
[3] Лунин Б. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Ташкент: Фан, 1965.; Его же. Средняя Азия в научном наследии отечественных востоковедов: Историографический очерк. – Ташкент, 1979.
[4] ЎзР МДА, И–1-фонд, 16-рўйхат, 259-иш, 10-варақ.

*Туркистонда музейлар қурилишининг бошланиши, дастлабки музейлар ташаббускорлари ва яратувчилари А.П.Федченко, В.Ф. Ошанин, В.В. Бартольд, И.В. Мушкетов каби тадқиқотчи олимларнинг номи билан боғлик. Юқорида қайд этилганидек муассасалар, илмий жамиятлар, олимлар, маҳаллий аҳоли кўп йиллар мобайнида Туркистон ўлкаси зоологияси, нумизматикаси, минерологияси, этнографиясига оид коллекциялар билан ўз фондларини тўлдириб борганлар. Вақт ўтиши билан ушбу коллекцияларни бирлаштириш ва музей ташкил этиш масаласи кўтарилди.*

Шу тариқа, 1876 йил Ўрта Осиёда биринчи музей ташкил топди[1]. Лекин давлат томонидан бино берилмагани учун, Н.А.Маев ўзининг ипакчилик мактабидан музей учун икки хона ажратди. Кўп ўтмай, музей Статистика бўлими ихтиёрига ўтказилади. Музей таъминоти учун йилига 300 сўм ажратилганидан ташқари, баъзи шахсларнинг моддий ёрдамлари ҳам келиб тушган. Н.А.Маевнинг ёзишича, музей фаолияти учун йилига 1600 сўмлик маблағ талаб этилган[2].

1877 йилнинг январига келиб, музей этнография, ишлаб чиқариш технологияси, қишлоқ хўжалиги, табиат тарихи ва археология бўйича 1500 дан ортиқ ашёларга, 800 га яқин қадимий тангаларга эга бўлди[3]. Музей тез ривожланди. Мазкур экспонатлар асосида этнография-техника, табиат, тарихий-археология, нумизматика, қишлоқ хўжалиги бўлимлари мавжуд эди. Экспозиция ўлкамизнинг анъанавий амалий санъати сурат намуналаридан бошланган бўлиб, Или воҳасида яшаган уйғурларнинг Ғулжадан юборилган анъанавий кийим-кечаклари ҳам намойиш этилган. Шунингдек, кўргазмага қурол-яроғлар, мусиқа асбоблари коллекцияси, ҳунарманд тўқимачиларнинг ипак, жун, пахта толасидан тўқилган газламалари намуналари, Ҳисор олачаси, Шаҳрисабз баҳромбегиси, Қошғар бозорларида сотиладиган инглиз газламалари намуналари ҳам қўйилган бўлиб, ундан китобат ва ёзиш қуролларидан бошлаб, чинни, тунж, лойдан ишланган ҳайкалчалар, маҳаллий қоғоз ва ипак намуналари, заргарлик буюмлари, тумор каби диний тасаввурлар билан боғлиқ ашёлар ҳам ўрин олган эди. Табиатшунослик бўлимида йўлбарс, қўтос тулумлари билан бир қаторда турли-туман ҳашарот, қушларнинг коллекцияси, ўсимликлар гербарийси мавжуд бўлган. Маъданлар бўлимида Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларидан келтирилган тошкўмир, олтингугурт, туз, нефть, турли тоғ жинслари ва маъданлар, темир, мис рудалари намуналарини кўриш мумкин эди. Нумизматика бўлимида милоддан аввалги III асрдан милоднинг IV асрига қадар Юнон-Бақтрия, Кушонлар, Сосонийлар, ҳинд ҳамда мусулмон тангаларининг энг ноёб намуналари бўлган. Археология бўлимида Тўйтепа, Шоҳруҳия, Иссиққўл районларидан келтирилган меъморий обидаларнинг сирли кошинлари жойлаштирилган. Қишлоқ хўжалик бўлими турли ўсимликлар уруғлари,

[1] Туркестанские ведомости, 1876. № 48.
[2] Содиқова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 39.
[3] Туркестанские ведомости, 1877. № 18.

асаларичиликка оид ашёлар, ипакчиликка оид коллекциялар, дендрология намуналаридан иборат эди[1].

Музей предметлари махсус тўпланмаган бўлса-да, унда қимматбаҳо, нодир ва ноёб буюмларнинг асл нусхалари мавжуд эди. Мазкур муассасанинг ташкил этилиши фаннинг турли тармоқларида фойдаланиш мумкин бўлган хилма-хил коллекцияларни тўплашни давом эттиришга туртки берди. Натижада экспозицияларни кенгайтириш ва бўлимларни маълум даражада тартибга солиш учун дастур ишлаб чиқилиб, география, антропология бўлимлари ажратилди, техника, саноат ва этнография бўлимларига бўлинди.

Музей Низоми ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Унда музей ихтисоси вазифаси, иш кўлами белгилаб берилди[2]. Дастлаб музейни беш кишидан иборат назорат комитети бошқарди. Низомга мувофиқ музейга геология, ботаника, зоология, этнография, археология, нумизматика, саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича экспонатлар тўплаш ва сақлаш ҳуқуқи берилди. Мазкур Низомда: «Музей омманинг Ўрта Осиё ўлкаси билан танишуви ва тўпланган материалларни олимлар ўз соҳалари бўйича ўрганишлари учун очилди», – дейилган эди[3]. Лекин музей бу талабга тўлиқ жавоб бера олмас эди, чунки экспонатларнинг бир-бирига алоқаси йўк, алоҳида коллекциялардан иборат эди. Низомнинг бу бандидан музей ташкилотчилари, унинг вазифасини илмий-маънавий муассаса сифатида белгилаганлари кўриниб турибди. Албатта, ўз даври учун Туркистонда ташкил этилган биринчи музейнинг аҳамияти катта эди. Ундаги коллекция тўпламлари ва экспозициянинг сифати ҳамда кўлами йиллар ўтиб ўсиб борди.

Олимларнинг фикрича, 1876–1880 йиллар Тошкент музейи фаолиятининг муҳим босқичи бўлди. Шу йилларда нумизматика, этнография бўлимлари бой коллекциялар билан тўлдирилди.

Россия империяси тарихида 1881–1889 йиллари «либерал ислоҳотлар» давридан «реакцион ҳарбий полиция тизимига» ўтиши билан изоҳланади. Бу народник инқилобчиларининг террористик фаолияти оқибатида император Александр II нинг ҳалок бўлиши билан боғлиқ эди. Маъмурларнинг қаттиққўллик сиёсати маданий муассасаларга нисбатан ҳам қўлланилиб, Туркистон генерал-губернатори М.Г.Черняев (1882–1884) Фармонига биноан 1883 йили музей халқ кутубхонасига қўшиб юборилди. Асосий маблағ кутубхонага ажратилади. Генерал-губернаторлик маҳкамаси ихтиёрига ўтган музейга янги тайинланган раҳбарларнинг аксарияти етарли малакага эга бўлмаслиги, музей ишининг нозик жиҳатларини тушунмаслиги унга инъом этилган осори-атиқаларнинг йўқолиб кетишига олиб келади. Музей биносининг экспонатларни сақлаш ва таъмирлаш учун мўлжалланмаганлиги, майдонининг торлиги буюмларни туркумлаш, уларни тартибли жойлаштириш имконини бермай қўйди[4]. Яроқсиз ҳолга келиб қолган

---

[1] Содиқова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 40.
[2] Туркестанские ведомости. 1888. – № 5.
[3] ЎзР МДА, И–1-фонд, 16-рўйхат, 359-иш, 32-варақ.
[4] ЎзР МДА, Р–367-фонд, 1-рўйхат, 28-иш, 12-варақ.

музейнинг биноси доимий таъмирлашни талаб этар, бунинг учун эса маблағ етишмас эди. Натижада музей кўпинча ёпиқ бўлар ва қизиқувчиларни доим қабул қила олмасди.

Зарур маблағ ва шароитнинг етишмаслиги музей фонди материалларини таъмирлаш, паспортлаштириш имконини бермади. Зоология бўлимидаги қимматбаҳо коллекциялар барбод этилди. Турли ҳайвонларнинг ҳўл препаратларини сақлаб қолиш учун зарур бўлган спиртнинг йўқлиги туфайли бу коллекциядан 1883 йили воз кечишга тўғри келди.

Албатта, мозийга назар солинса, илк музейнинг аҳамияти катта эди. Тошкент музейи халқнинг Ўрта Осиёдаги янги муассаса сифатида ўзини англашга, ўтмиш, тарихга ҳурмат туйғуси билан шакллантиришга хизмат қилди. Илғор фикрли маҳаллий зиёлилар жамоатчиликни қадимий ёдгорликларни асраб-авайлашга, уларни келажак авлодлар учун сақлаб қолиш ҳамда муҳофаза қилишга маблағ тўплашга даъват этдилар. Вақтли матбуотда тарихий ёдгорликларнинг ҳолати ҳақида мунтазам мақолалар чоп этила бошланиб, тарихий топилмалар, хазина изловчилар, музейдаги қизиқарли экспонатлар билан ўқувчиларни ҳам таништириш бошланди. Маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишда музейларнинг аҳамияти батафсил таҳлил этилди.

Музей коллекцияларининг тез-тез кўчирилиши ҳамда ўғирланиши натижасида у жиддий зарар кўрса ҳам фидойилар саъй-ҳаракатлари туфайли фондлар доимий равишда бойитиб борилди. Тошкент музейи 1884 йилга келиб гербарий, нумизматика тўплами Самарқанд коллекцияларидан ташқари 3000 та турли буюм-ашёларга эга эди[1]. Орадан яна икки йил ўтиб, экспонатлар сони 4000 дан ошиб кетди[2].

Россия империясининг «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низоми» 1886 йили 16 июлда эълон қилинди. Унга биноан таъсис этилган махсус қўмитага музей ҳам бўйсунар эди[3]. Аммо махсус комитет фаолияти 1904 йилнинг октябрида тўхтатилгач, музей бошқаруви бевосита маҳкама ҳукмдори ихтиёрига ўтди[4].

Музей қошида 1906 йили Назорат комитети қайтадан тузилди, кутубхона ва музей ишларининг янги қонун-қоидалари тасдиқланди, бюджети бирмунча оширилди. Шу пайтдан эътиборан музей ва кутубхона учун бино қуриш масаласи кўтарилди. Янги келтирилган қўлёзма, китоб, коллекция, экспонатларнинг кўплиги бу ишни кечиктириб бўлмас заруриятлигини кўрсатарди. Мазкур масала юзасидан тайёрланган ахборотда генерал-губернатор ва маҳкама бошқарувчисининг дала ҳовлиларини сотиш музей ва кутубхона учун бино қуришнинг ягона имкониятидир деган фикр билдирилади. Сабаби, ушбу бинолардан кам фойдаланилган, қолаверса

[1] Туркестанские ведомости. 1894. – № 1.
[2] Сирдарё вилояти обзори. – Тошкент. 1887. – Б. 329-330.
[3] Туркестанские ведомости. 1889. – № 54.
[4] Туркестанские ведомости. 1904. – № 156.

уларнинг сақланиши учун маълум маблағ сарфланиши рўкач қилинади[1]. Туркистон генерал-губернатори кенгаши ушбу тадбирни маъқуллаб, музей биноси лойиҳаси тузилди. Лойиҳа ва сарф-харажатлар сметаси 1911 йили бош штаб инженерлик комитети томонидан кўриб чиқилса-да, уларнинг барчаси қоғозда қолиб кетади.

Тошкент музейи бўлимларининг кенгайиши нотекис, жамғармаларнинг тўлатилиши илмий асоссиз давом этди. Шунга қарамасдан, музей тарихий бўлимининг кейинги тараққиётида 1885 йили тузилган археология ҳавасмандлари тўгарагининг фаолияти муҳим аҳамият касб этди. Тўгарак ташкил этган археологик экспедицияларнинг дастлабки археология ва нумизматика материаллари 1899 йилдан музейга топширила бошланади[2].

Музейга император археология комиссияси Ўрта Осиё тарихига оид қатор қизиқарли ашёларни топширади. Хусусий коллекциялар орасида шарқшунос Е.Ф.Кальга тегишли сопол, металл буюм, танга-чақалар коллекцияси ҳам муҳим ўрин тутади. Алоҳида шахслар ҳам турли идиш, танга, безаклар билан музей фондларининг тўлиб боришига кўмаклашади. 1897 йили музейнинг археология ва нумизматика бўлимлари қазилмалардан топилган 1345 буюм ва 2017 дона тангага эга эди[3]. Маҳаллий усталар томонидан топширилган асбоб-ускуна, чарм маҳсулотлари намуналари этнография соҳасида алоҳида эътиборга молик эди. Лекин бинонинг торлиги музейни қимматбаҳо экспонатлардан маҳрум этарди. Жумладан, 1900 йилги Сан-Луи кўргазмаси учун тайёрланган этнография коллекциясини Тошкент музейи қабул қила олмади[4]. Музей жамғармаларининг мавзу жиҳатдан хилма-хиллиги, маълум маънода тартибсизлиги, кўпчилик топилмаларнинг аниқ жойи, вақти кўрсатилмагани кўзга ташланар эди.

Вазиятни яхшилаш учун 1880 йилларнинг бошида ашё (тартиб) рўйхатини тузиш ишлари бошланди. Е.Ф.Каль 1886 йили этнографик, нумизматика ва археологиянинг айрим ашёлари каталогини, Н.А.Маев 1889 йили зоология коллекцияси каталогини тайёрладилар. Археологик материалларни рўйхатга олиш 1901 йили якунланди.

Музей моддий ҳолатининг оғирлиги коллекцияларнинг йўқолиши, бўлимларнинг қисқаришига олиб келди. 1900 йилга келганда фақат этнография, археология ва нумизматика бўлимларигина фаолият кўрсатар эди. Ўша йили рўйхатга олинган коллекциялар ҳолатига қараб экспозициялар ҳақида фикр юритиш қийин эмас. Рўйхат беш қисмдан: гравюра ва фотосуратлар; дафн этиш ва қабртошлар билан боғлиқ ашёлар; уй-рўзғор буюмлари; кичик археологик ашёлар; нумизматика коллекцияларидан иборат бўлган.

Археолог Л.И.Зимин 1914 йили археология-нумизматика бўлимининг хронологик жадвалини яратиш, унда қўйилган предметларнинг илмий

---

[1] Туркестанские ведомости. 1907. – № 166.
[2] ЎзР МДА, Р–72-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 9-варақ.
[3] ЎзР МДА, Р–72-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 33-варақ.
[4] Уварова П.С. Губернские и областные музеи. - М., 1888. – С.8.

паспортини ишлаб чиқишга уриниб кўрган[1].

Музейга келадиган томошабинлар сони йилдан-йилга ортиб борган. Хусусан 1900 йили томошабинлар сони 5400 киши бўлса, 1908 йилга келиб – 10000, 1913 йили эса 37000 кишига етди[2]. Бу борада энг муҳими музейга келувчиларнинг аксарият қисми маҳаллий аҳоли вакиллари эканлигидир. «Ўрта Осиё ҳаёти» газетасидаги хабарида «гарчи музей экспонатлари маҳаллий тилда изоҳга муҳтож бўлса ҳам, уларни зўр қизиқиш билан томоша қилаётган маҳаллий аҳоли орасида руслар умуман кам кўринарди»[3].

Тошкент музейининг муваффақиятли фаолияти Туркистон ўлкасидаги бошқа шаҳарларда ҳам музей ташкил этиш учун йўл очди. Бу борада иккинчи музейнинг Самарқанд шаҳрида очилиши тўла асосга эга эди, албатта. Сабаби, бу қадимги шаҳар ўз ёдгорликлари билан нафақат олим ва саёҳатчиларни, балки жамоатчиликнинг кенг қатламларини ўзига жалб этарди. Самарқандда ҳаваскор ўлкашунослар, ёдгорлик буюмларини тўпловчилар, коллекционерлар ҳам талайгина эди.

Зарафшон округи бошлиғи маҳкамаси (кейинчалик Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори идорасида) археологик қазишмаларда топилган ашё, қўлёзмалар, инъом этилган буюмлар тўплана борган. Бу борада Зарафшон округи бошлиғининг археология, нумизматика ва қўлёзмаларни тўплаш, аниқлаш ва экспозициялаш ҳамда сақлаш бўйича махсус топшириқлар амалдори М.Н.Ростиславовнинг саъй-ҳаракатлари эътиборга сазовор[4]. Унинг таклифи билан 1874 йили махсус ажратилган маблағга қадимги қўлёзма, танга-чақалар сотиб олинади. Тўпланган ашё буюмлар ижарага олинган биноларда сақланган.

Самарқандлик уста Мирза Қосимов шаҳардаги меъморий ёдгорликларнинг сирли қопламлари лавҳаларини тўпловчи коллекциячи сифатида танилган эди. Жиззах яқинидаги «Темур дарвоза» қоятош лавҳалари ҳам шу ажойиб рассом ва хаттот томонидан қоғозга кўчирилган. М.Қосимов Улуғбек мадрасасининг қўлёзма чизмасини ҳам тайёрлаган. Унинг расмлари тўплами 1886 йили Тошкентдаги Туркистон ҳунармандчилик саноати кўргазмасида намойиш этилиб, муносиб тақдирланади[5].

Маҳаллий коллекция тўпловчилар орасида самарқандлик Мирза Абдулла Бухорий ҳам бўлиб, у савдогар ва маҳаллий ипак, жун, ип газлама буюмлари фабрикасининг хўжайини ҳам эди. Мирза Абдулла 1878 йили

---

[1] ЎзР МДА. И–1-фонд, 13-рўйхат, 1193-иш, 31-варақ.

[2] Среднеазиатская жизнь. 1907. – № 185.

[3] Среднеазиатская жизнь. 1907. № 187

[4] Упфал Г.Я., Забродин Е.Б. К вопросу о дате возникновения Самаркандского музея / Очерки истории музейного дела в СССР, вып. У. 11, - М: 1971.

[5] Маев Н.А. «Туркестанская выставка» – Ташкент. 1886. – 7.; Альмеев Р.В. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. Ташкент: Издательско-полиграфический дом имени Гафура Гуляма, 2007. – С. 11.

Тошкентда кўргазма ташкил этиб, унда хонатлас, аёллар бош кийимлари кабилардан иборат коллекциясини намойиш этган[1].

Абу Саид Маҳсум – Шайбонийхон мадрасаси мударриси, маҳаллий ўлкашунос, қадимги буюмлар ҳавасманди ва тўпловчиси бўлган. У моҳир хаттот бўлиб, Гўри Амир, Шоҳи Зинда даҳмалари ва бошқа меъморий иншоотлардаги ўқилиши қийин бўлган ёзувлардан нусха кўчирган. Тўпланган қадимги буюм, танга-чақаларни сақлайдиган махсус стол ва витриналарни таъмирлаш, зарур жиҳозлар тайёрлаш учун вилоят маъмурияти маълум миқдорда маблағ ажратади. Тўпланган тангалар 1875 йилнинг июлида 700 дона бўлса, кутубхонадаги қўлёзма ва китоблар эса 30 тага етади[2]. Зарафшон округи маҳкамасида сақланаётган коллекциянинг бир қисми 1883 йили Тошкент музейига топширилса-да, Самарқанддаги осори-атиқалар кўпаяверди. Музей очиш ишида вилоят статистика комитети ходимларининг хизматлари катта бўлиб, улар асосий базани вужудга келтирдилар.

Самарқанддаги ёдгорликлар мажмуаси Ўрта Осиёдаги барча шарқшунос олим, коллекционер, ўлкашунослар эътиборини тортди. Хусусан, И.В.Мушкетов Самарқанддаги қабртошлар ҳақида гапирар экан, маҳаллий бошқарма ҳузуридаги Самарқанд ва унинг атрофидаги ёдгорликлар мажмуининг ниҳоятда қимматли эканлигини таъкидлайди[3].

Юқорида келтирилган маълумотларда Самарқандда музей ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар вужудга келганини кўрамиз. Музей 1896 йил 21 июлда очилади ва унга Георгиев черков биносидан хоналар ажратилади. Кўргазмада дастлаб қишлоқ хўжалиги меҳнат қуроллари асосий ўринни эгаллайди. Шунингдек, кенг кўламда бўлмаса-да музейда археология, этнография ва нумизматика коллекциялари ҳам намойиш этилган. Деворларда маҳаллий аҳоли маиший турмуши, урф-одатларини ифодаловчи юздан ортиқ фотосурат осиб қўйилган[4].

Кўп ўтмай музейнинг археология коллекцияси археолог В.Л.Вяткин, В.В.Бартольд томонидан топилган ашё ва буюмлар ҳисобига бойиди. Топилмалар орасида Сомонийлар саройининг деворларига мансуб қоплама бўлаклар ўз моҳияти билан алоҳида аҳамият касб этган. Вилоят маъмурияти музей учун ҳар йили 300-400 сўм ажратар эди. Аммо музейнинг торлиги иш ва намойиш кўламларини кенгайтириш имкониятини бермасди. Шу муносабат билан Самарқанд музейи учун бино қуриш масаласи 1901 йили кўтарилса-да, масала ҳал этилмай қоғозда қолиб кетди[5].

---

[1] Лунин Б.В. Самаркандский любитель старины Мирза Бухары // Общественные науки в Узбекистане. 1963. – № 6. – С. 39.
[2] Туркестанские ведомости. 1875 г. – № 8.
[3] Мушкентов И.В. Туркестан. Том 1. Санкт-Петербург. 1908. – С. 306.
[4] Туркестанские ведомости, 1896. – № 57.
[5] Махмудов Н. Самаркандский музей в новой культурной среде // Мозийдан садо. – Ташкент, 2007. – № 3 (37). – С. 24.

Фарғона вилоятида 1894 йили Россия қишлоқ хўжалиги ва давлат мулки вазири ташриф этиши муносабати билан биринчи марта саноат ва қишлоқ хўжалиги кўргазмаси ташкил этилади[1].

Кўргазма асосида музей ташкил этиш масаласи кўтарилиб, у ижобий ҳал этилади. Музей кўргазманинг қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик бўлимларидаги ускуна, асбоблардан ташқари, этнография, минералогия, зоология, маҳаллий қурилиш ашёларига оид хусусий коллекциялардан ташкил топди. У 1899 йилдан расмий Фарғона халқ музейи номини олиб, 5 кишидан иборат комитет тузилди.

Аста-секин музейлар бошқа шаҳарларда ҳам очила бошлайди. Нижний Новгородда 1896 йилдаги кўргазмага юборилган коллекциялар қайтарилгандан сўнг 1899 йили унинг асосида Ашхобод музейи ташкил этилади. 1902–1904 йиллари унинг учун янги бино ҳам қурилади[2].

Музейларни ташкил этиш, уларнинг фондини тўлдириб боришда турли йўналишларда уюштирилган кўргазмалар катта аҳамият касб этади. Албатта, мустамлака маъмурияти музейлар орқали ҳукмрон ғояни тарғиб қилишга уринар эди. Аммо илғор маданият вакиллари музей экспонатлари орқали аҳолига Туркистон ўлкаси табиати, хўжалиги, тарихи ва маданиятига оид маълумотларни намойиш этишга интилган.

Туркистон музейлари ўлка, умумроссия ва халқаро кўргазмаларда иштирок этдилар. Шарқшуносларнинг 1876 йил 20–30 августдаги халқаро съездида ташкил этилган кўргазмада Самарқанддан қадимги буюм, қўлёзмалар Ғулжа, Тошкент, Самарқанддаги турли элатларнинг 100 га яқин типлари тасвирланган ажойиб альбом, Ҳисор ва Кўлоб расмлари, Қўқон танга ва қўлёзмалари намойиш этилди[3].

Тошкент музейи экспонатлари 1889 йилги Тошкент фотосуратлар кўргазмасида, 1890 йили Туркистон қишлоқ хўжалиги кўргазмасида намойиш қилинди[4]. Музей 1900 йили Париж халқаро кўргазмасига маҳаллий аҳолининг анъанавий кийимлари, уй-рўзғор буюмлари, миллий чолғу асбоблари, чарм, шиша, металл буюмларни, археология ва табиат тарихи бўлими экспонатларини юборди. Этнография коллекциясининг катта қисми 1906 йили Милан кўргазмасига ҳам жўнатилди[5].

Туркистон музейларини бойитиш, ўтмиш обидаларини сақлашда ўлка ёдгорликлари ҳавасмандларининг хизмати каттадир. Рус олимлари Туркистон ўлкасини ўрганиш, Ўрта Осиё халқлари ҳаёти билан танишиш давомида маҳаллий зиёлилар, турли халқлар вакиллари билан бевосита мулоқотда бўлдилар Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд, Е.Ф.Каль, А.Н.Самойловичлар ўз илмий тадқиқотларида маҳаллий маданият-тарих

[1] Туркестанские ведомости. 1895. – № 83.
[2] Туркестанские ведомости. 1912. – № 94.
[3] Чабров Г.Н. Выставочная работа в Туркестанском крае (1865-1916 г.г.) // Труды Музея истории Узбекистана, вып. III. – С. 118-135.
[4] Исторический вестник. 1915. – № 10, - С. 145.
[5] ЎзР МДА, И–1-фонд, 1-рўйхат, 3-иш. 11–13-варақлар; 9-иш, 1–10-варақлар.

ҳавасмандларига таяндилар. Уларнинг илмий ахборотлари, хабар ва мактубларида маҳаллий ўлкашунослар фаолияти кенг тасвирланган. Айни пайтда рус мутахассислари билан ҳамкорлик маҳаллий зиёлилар, коллекционерлар фаолияти самарасини юксалтирди.

Туркистонда Н.И.Веселовский раҳбарлигида ўтказилган илмий тадқиқотларда қатнашган тошкентлик савдогар Акром Асқаров йирик коллекционерга айланди[1]. Рус императори археология жамияти 1887 йили Акрам Асқаровни «Археологияда эришилган ютуқларга ёрдам қилганлиги учун» кичик кумуш медали билан тақдирлайди[2]. Уни Париждаги илмий археология жамияти ҳам аъзоликка сайлаган. А.Асқаров араб, рус тилларини билган ўз замонасининг етук зиёлиси бўлган[3].

А.Асқаров ўз васиятномасида тўплаган коллекцияларининг ҳукуматга топширилишини илтимос қилган. Аммо унинг ўлимидан кейин йиққан осори-атиқалари алоҳида-алоҳида сотилиб, турли одамлар қўлига ўтиб кетади[4]. А.Асқаров коллекциясининг катта қисми – 14 мингта танга ва 200 та буюм Туркистон генерал-губернатори А.Б.Вревский фармойиши билан Петербургга, Император археология комиссияси ихтиёрига жўнатилади[5].

Тошкентдаги 1878 йилги қишлоқ хўжалик кўргазмасида қатнашган савдогар Мирза Абдулла ва Муҳаммад Шокирлар «Ипак буюмлари ишлаб чиқаришни анча такомиллаштиргани ва кенгайтиргани учун» олтин медалига сазовор бўлади[6].

Мирза Абдулла Н.И.Веселовский билан ҳам алоқада бўлган. Н.И.Веселовский унинг коллекциясини кўриб чиқиб, ундан 1202 буюм, шу жумладан 11 та тилла, 77 та кумуш танга, 951 дона чақа, 18 мухр, одамлар, ҳайвонлар ва бошқа нарсалар тасвири туширилган 6 та тош сотиб олган[7].

М.Абдулланинг Петербург сафари унинг рус олимлари билан мулоқотда бўлиши, кейинги фаолиятида ўз аксини топди. Энди у оддий коллекционер эмас, ўлкашунос-тўпловчи сифатида, у ёки бу қадимги ёдгорлик қандай вазиятда топилгани билан қизиқди. Янги топилмалар ҳақидаги М.Абдулланинг маҳаллий матбуотда чиқишлари император археология комиссияси аъзоларида қизиқиш уйғотди. Улар Туркистон генерал-губернатори Н.О.Розенбах орқали унга мурожаат этиб, коллекциялари билан таништиришни сўрайдилар. Мирза Бухорий розилиги билан 1888 йилнинг 21 октябрида Петербургга 6 яшик қадимги осори-атиқалар, тангалар ва бошқа нарсалар юборилади[8].

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

---

[1] Туркестанские ведомости. 1891. – № 45.
[2] Веселовский Н.И. История императорского археологического общества за первое пятидесятилетие его существования. 1846-1896., 1900. – С. 201-206.
[3] Содиқова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 51-52.
[4] ЎзР МДА, И–1-фонд, 11-рўйхат, 722-иш, 32-варақ.
[5] Туркестанские ведомости. 1912. № 46.
[6] Туркестанские ведомости. 1892. – № 31.
[7] ЎзР МДА, И–1-фонд, 575-рўйхат, 4-иш, 53–58-варақлар.
[8] Содиқова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 54.

И.М.Мўминов қуйидаги воқеага диққатни жалб этади. Машҳур шоир ва мутафаккир Фурқат 1891 йилнинг ёзида Самарқандда бўлганида Мирза Абдулла хонадонида турган. Хонадон соҳиби минг йил ва ундан ҳам аввалги Ўрта Осиё маданиятини юксак даражада билгани, ашё-буюмларни зўр қизиқиш билан томоша қилганлиги ҳақида «Туркистон вилояти газети» таҳририятига ёзган мактубида алоҳида тўхталиб ўтади[1].

Яна бир ўлкашунос, қадимги буюмлар мухлиси, этнограф Шоҳимардон Иброҳимов эса юксак маърифатли ва маданиятли киши сифатида ажралиб турган. У Ўрта Осиё этнографиясига оид кўпгина асарлар муаллифи. Ш.Иброҳимов халқимизнинг тарихи, турмуш тарзини яхши билган. Қозоғистонлик элшунос Э.Масанов унинг асарларини «рус бўлмаган халқларга ватанпарварлик муносабатини қарор топтиришга ёрдам беради, у рус илғор ғоялари таъсирида бўлган оз сонли саводхон этнографлардан бири эди» деб баҳолайди[2]. Ўрта Осиёда ўзбек тилида нашр этилган китоб – «1871 йил календари»нинг тузувчиси Ш.Иброҳимов эди[3].

Шайбонийхон мадрасаси мударриси Абу Саид Маҳсум моҳир хаттот бўлиб, араб ёзувини мукаммал билган. Бу хаттотдан шарқшунос олим В.В.Бартольд Осиё музейи учун Султон Шоҳруҳ давридан тортиб то Шайбонийхон сулоласининг сўнгги давригача бўлган турли ёрлиқ ва ҳужжатларни сотиб олган[4]. Унинг номи Улуғбек расадхонаси харобаларининг топилиши билан ҳам алоқадор. 1908–1909 йиллари Обираҳмат ариғи яқинидаги Пойирасат тепалигида қазув ишларини олиб борган В.Л.Вяткинга қазилма жойини аниқлаш ва Улуғбек расадхонаси қолдиқларини топишда маҳаллий кексаларнинг кўрсатмалари ёрдам беради.

Еттисув вилояти археологияси билан Турди Мирғиёсов шуғулланиб, археологик ашёларни 16 йил давомида тўплаган. У А.А.Диваевга ёзган мактубида Тўқмоқ шаҳри яқинида олиб борган тадқиқотларида қадимги шаҳар вайроналарини топганини хабар қилади. Археологик тадқиқотлар ажойиб буюм ва ашёлар топилиши билан якунланади. Маҳаллий аҳолининг қадимги шаҳар ғиштларини талон-торож қилиши Т.Мирғиёсовни ташвишлантирмай қолмайди. «Биз Вернийга учта телеграмма юбордик», – деб давом этади у, – аммо ҳеч қандай жавоб олмадик. Орадан уч йил ўтиб бу нодир минорадан ҳеч нарса қолмайди. Қисқача қилиб айтганда, туркистонлик археологлар бу ердаги қадимги ёдгорликларни ўз ҳимоясига олмасалар, фан ва тарих учун қимматли ҳамма нарса адо бўлади ва биз авлодлар қарғишига учраймиз»[5].

---

[1] Мўминов И.М. Ўзбекистонда XIX аср охири – XX асрнинг бошларида ижтимоий-сиёсий фанлар тараққиётининг тарихидан. – Тошкент: Фан. 1967. – Б. 116.
[2] Масанов Э.А. Ш.М.Ибрагимов – друг Ч.Валиханова // Вестник АН КазССР. 1964. – № 2. – С. 55.
[3] Лунин В.Б. Среднеазиатский этнограф Шахимардан Ибрагимов // Общественные науки в Узбекистане, 1966. – № 7. – С. 8.
[4] Содиқова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 55.
[5] ЎзР МДА, Р–394-фонд, 1-рўйхат, 27-иш, 7-варақ.

*Асосий музейлар қаторида* ***Тошкентда 1914 йили С.П.Заверининг Туркистон моллари намуналарининг савдо музейи*** *Тошкент савдо-саноат корхонаси очилди. Унинг дастурига қуйидагилар киритилди:*

1. *Туркистон ўлкаси Хива, Бухоро, Афғонистон, Хитой ва Монголиянинг савдо анъаналарини ўрганиш;*
2. *Импорт ва экспорт савдо муаммоларининг статистик материалларини йиғиш;*
3. *Туркистон билан савдо-сотиқ алоқаларини олиб борувчи мамлакатларнинг турли хилдаги молларни қадоқлаш, намуналарини йиғиш;*
4. *Молларнинг сифатини текшириш ва солиштириш:*
5. *Юкларни суғурта қилиш бўйича маълумотнома бериш;*
6. *Ўзларининг намуналари, каталоглари, рўйхатлари, материаллари, шунингдек молларни сотиш шартлари ва уларнинг кўтара нархлари билан таништириш;*
7. *Молларнинг доимий кўргазмаси ва шунга ўхшаш хизматларни ўз зиммасига олган.*

*Мазкур музей баъзи бир сабабларга кўра тез орада ёпилади.*

*Туркистонда оммавий кутубхона ва оммавий музейларни очилиши аслида рус мустамлакачиларини Туркистон маънавий бойликларини илмий асосда ўрганиш, уларни Империя манфаатлари йўлида ўзлаштиришни марказлаштирадиган муассасалар хизматини ўтиши керак эди. Уларда Туркистон халқларини моддий ва маънавий бойликлари тўпланиб, қиймати аниқланар ва энг ноёблари ва жаҳон аҳамиятига моликлари марказга, Санкт-Петербург ва Москвага олиб кетилар эди. Шу тариқа йиллар давомида олиб борилган илмий қидирув ва археологик қазилмалар натижасида топилган кўплаб ёдгорликлар Россия ва бошқа чет элларга олиб кетилди.*

Шуни таъкидламоқ лозимки, Туркистонда илк музейларнинг ташкил топиши ўлкадаги бошқа кўплаб музейларнинг ташкил этилишига туртки берди.

Хулоса сифатида ушбу даврдаги музей ишининг қуйидаги салбий ҳамда ижобий томонларини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Бу даврда коллекцияларни бирлаштириш ва музей ташкил этиш масаласи жуда мураккаб кечди. Чунки чор ҳокимияти Туркистон халқи орасида тарих ва маданиятга оид билимларни кенг ташвиқот қилиш ҳамда улар эътиборини қадимги ёдгорликларга жалб этишни, Россия империясининг буюк давлатчилик мустамлака сиёсатига путур етказишидан хавфсирар эди. Қадимги ёдгорликларни муҳофаза қилиш, сақлашга яхши эътибор берилмаганлиги сабабли айрим чет эллик саёҳатчилар ва маҳаллий ноёб буюмлар билан савдо қилувчилар маданий бойликларимизни талон-торож қилдилар. Шу тариқа Ўрта Осиёнинг моддий ва маданий ёдгорликлари,

қимматбаҳо буюмлари, нодир қўлёзмалари Россия ва бошқа чет мамлакатларга олиб кетилган[1].

Мазкур бўлим бўйича асосий хулоса шундан иборатки, Россия империяси ўлканинг моддий ва маданий бойликларини талон-торож этиш сиёсатини олиб борган. Иккинчидан, бу ерда очилган ва таъсис этилган маданий ва маърифий муассасалар, шу жумладан музейлар россиялик ва европалик аҳоли учун мўлжалланган эди. Бу йўл билан рус чор ҳукумати жаҳон аҳолиси халқлари кўзи олдида маҳаллий халқларга нисбатан маданиятлилиги ва маданият тарқатувчи миллат эканини намойиш этишдан иборат бўлган.

Музей фаолиятининг ижобий томонларини ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин. Музейлар нафақат олимларга, балки кенг жамоатчилик оммасига ҳам экспонатларни ҳар томонлама ўрганишга имконият яратди. Музейдаги экспонатлар стихияли тарзда ва режасиз йиғилган бўлса-да, фаннинг маълум бир соҳаси бўйича фойдаланиш мумкин бўлган ҳар хил коллекциялар тўплашни давом эттириш учун туртки берди. 1888 йил Тошкентдаги музей устави ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Унда музей ихтисоси, вазифаси, иш услуби белгилаб берилди. Музей бўлимлари кенгайди, уларнинг фондлари турлича характердаги экспонатлар билан бойитилган. Музей экспонатлари тартибга солиниб, рўйхати тузила бошланди. Этнография, зоология, нумизматика ва археологияга оид экспонатларнинг каталоги тайёрланганини ижобий баҳолаш мумкин.

**Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1.Туркистондаги кўргазма ва илмий жамиятларнинг аҳамияти нимада?

2.Туркистонда илк ташкил этилган музейларнинг хусусиятлари.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Альмеев Р.В. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. Ташкент: Издательско-полиграфический дом имени Гафура Гуляма, 2007. – С. 11.

2.Веселовский Н.И. История императорского археологического общества за первое пятидесятилетие его существования. 1846-1896., 1900. – С. 201-206.

3.Зиёдов Ш., Муминов А. Библиотека Дукчи Ишана. В «Манокиб-и Дукчи Ишан» (Аноним жития Дукчи Ишана – предводителя Андижанского восстания 1898 г.) Перевод с турки, введение и комментарии Б. М. Бабаджанова. Ташкент–Берн–Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – С. 344-385.

4.Исторический вестник. 1915. – № 10, - С. 145.

5.Лунин Б.В. Самаркандский любитель старины Мирза Бухары // Общественные науки в Узбекистане. 1963. – № 6. – С. 39.

[1]Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари / Масъул муҳаррир Д.А.Алимова. Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 366.; Матяқубова М. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Хива хонлигида китобат ва кутубхона тарихи. Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент: ЎзМУ. 2008. – Б. 56.

6.Лунин В.Б. Среднеазиатский этнограф Шахимардан Ибрагимов // Общественные науки в Узбекистане, 1966. – № 7. – С. 8.
7.Лунин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Ташкент: Фан, 1966. – С. 114-120.
8.Маев Н.А. «Туркестанская выставка» – Ташкент. 1886. – 7.
9.Масанов Э.А. Ш.М.Ибрагимов – друг Ч.Валиханова // Вестник АН КазССР. 1964. – № 2. – С. 55.
10.Матяқубова М. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Хива хонлигида китобат ва кутубхона тарихи. Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент: ЎзМУ. 2008. – Б. 56.
11.Махмудов Н. Самаркандский музей в новой культурной среде // Мозийдан садо. – Ташкент, 2007. – № 3 (37). – С. 24.
12.Мушкентов И.В. Туркестан. Том 1. Санкт-Петербург. 1908. – С. 306.
13.Мўминов И.М. Ўзбекистонда XIX аср охири – XX асрнинг бошларида ижтимоий-сиёсий фанлар тараққиётининг тарихидан. – Тошкент: Фан. 1967. – Б. 116.
14.Содиқова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 33.
15.Семенов А.А. Государственная публичная библиотека и фонды восточных рукописей Узбекистана // Альманах «Литературный Ташкент». 1945. – С.112-115.; Его же. Среднеазиатские рукописные фонды и важность их изучения // Материалы первой Всесоюзной Научной конференции Востоковедов в г. Ташкенте. – Ташкент, 1958. – С. 915.
16.Сирдарё вилояти обзори. – Тошкент. 1887. – Б. 329-330.
Среднеазиатская жизнь. 1907. – № 185., 1907. № 187
17.Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари / Масъул муҳаррир Д.А.Алимова. Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 353-401.
18.Туркестанские ведомости, 1876. № 48., 1877. № 18., 1888. – № 5., 1894. – № 1., 1889. – № 54., 1904. – № 156., 1907. – № 166., 1875 г. – № 8., 1896. – № 57., 1895. – № 83., 1912. – № 94., 1891. – № 45., 1912. № 46., 1892. – № 31.
19.Уварова П.С. Губернские и областные музеи. - М., 1888. – С.8.
20.Упфал Г.Я., Забродин Е.Б. К вопросу о дате возникновения Самаркандского музея / Очерки истории музейного дела в СССР, вып. У. 11, - М: 1971.
21.Чабров Г.Н. Накопление сокровищ и культурных ценностей в государствах Средней Азии с древнейших времен до падения феодальных деспотий // Рукопись. Научный архив Государственного музея истории Узбекистана. 1957. – 1963. – 126 с.
22.Чабров Г.Н. Выставочная работа в Туркестанском крае (1865-1916 г.г.) // Труды Музея истории Узбекистана, вып. III. – С. 118-135.
23.ЎзР МДА, И–1-фонд, Р–367-фонд, Р–72-фонд, Р–394-фонд.

## 2-мавзу: Ўзбекистонда совет даври музейларининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни

**Режа:**

1. **Ўзбекистонда музейлар бўйича совет даврида олиб борилган сиёсат ва музей иши.**
2. **Ўзбекистонда 1917-90 йилларда ташкил этилган музейлар фаолияти.**

***1.Ўзбекистонда музейлар бўйича совет даврида олиб борилган сиёсат ва музей иши.*** *XX аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди таркибига уч давлат бирлашмаси: Россия Ўрта Осиёни забт этганидан кейин тузилган ва унинг таркибига мустамлака сифатида қўшиб олинган Туркистон генерал-губернаторлиги, шунингдек, юзаки равишда мустақил бўлган, аммо Россияга қарам ҳисобланган Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги кирар эди. Ўша вақтда худуднинг катталиги ва аҳолисининг кўплиги жиҳатидан Туркистон ўлкаси, яъни Туркистон генерал-губернаторлиги энг йирик саналарди. Унинг таркибига Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Каспий орти ва Еттисув вилоятлари кирар эди.*

*Мустамлакачилик Туркистон хўжалигининг анъанавий таркибига путур етказиш билан бир қаторда миллий асосда буржуа йўналишида ўз ахволини мустақил равишда ўзгартириш имкониятидан уни маҳрум этди, турғунликка, инқирозга, қолоқликка маҳкум қилди.*

*1917 йилларга келиб, мамлакатда кескин бурилиш юз берди. Шу йилнинг октябр ойида большевиклар зўрлик билан амалга оширган тўнтариш собиқ Иттифоқ халқлари, жумладан, Ўзбекистон халқлари тарихида салкам 75 йил давом этган янги мустамлакачилик саҳифасини бошлаб берди. Натижада чор мустамлакачилик империяси ўрнини «қизил империя» эгаллади.*

Музейларда, жумладан сарой музейларида сақланаётган санъат асарлари ва қадимги даврга оид осори-атиқалар халқнинг қадриятлари эканлиги, уларни асраш ва муҳофаза этиш билан ҳукумат даражасида шуғулланиш лозимлиги англанади. Ўзбекистонда давлатнинг ўзи музейларига ҳомийлик сиёсатини олиб бориш билан биргаликда, уларнинг энг асосий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган тадбирлар ўтказди. Хусусан, ушбу даврдан ҳунармандчилик, педагогика соҳаларида музейлар ташкил этиш бошланди. Янги ҳокимият ҳам музейларни молиявий таъминлаш ўрнига асосий эътиборни музейга кирувчиларга ҳукмрон коммунистик ғояни тарғиб этишга йўналтирди[1]. Шуни таъкидламоқ лозимки, Россия империясида октябрь давлат тўнтаришига қадар музейларни бошқариш учун алоҳида бошқарма ёки бирор бир махсус музейлар учун қонунлар мажмуаси яратилмаган эди. Натижада музейларнинг кўпайиши, энг

---

[1] Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А.. – Москва: Издательство «ВК», 2003. – С. 127.

илғор музейлар эришган ютуқлар билан бир қаторда умумий тарқоқлик, ишни ташкил этишнинг паст савияси, музейлар фаолиятининг илмий асосланган ягона тизими йўқлиги кўзга ташланар эди.

1917 йилги большевикларнинг давлат тўнтаришидан сўнг хонларнинг сарой коллекцияси ва музейлар миллийлаштирилди ҳамда давлат мулки деб эълон қилинди. Бадиий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган ашё-буюмларни аниқлаш, уларни рўйхатга олиш, муҳофаза қилиш учун бадиий-тарихий комиссиялар тузилиб, мутахассисларнинг фикрича, бу ташкилот маданий меросни сақлаб қолишда муҳим роль ўйнади.

Музей иши ва ёдгорликларни муҳофаза қилиш давлат бошқаруви тизими 1918–1920 йилларда яратилди[1]. Музейларни бошқариш ягона ташкилотининг тузилиши музейшунос арбобларнинг истак ва фикрларининг амалга ошиши бўлди. Бу ташкилот РСФСР Маориф халқ комиссарлиги қошида тузилиб, унинг ишида маданият арбоблари, музей ходимлари, санъатшунослар, рассомлар (И.Э.Грабарь, П.П.Муратов, Н.Г.Машковцев ва бошқалар) фаол иштирок этади. 1918–1927 йиллари музей иши, санъат ва қадимги ёдгорликларни муҳофаза қилиш бўлимини Н.И.Троцкая бошқаради. Маориф халқ комиссарлиги раҳбарлигида маҳаллий советлар халқ маорифи бўлимлари қошида музей ишини бошқариш ташкилотлари тузилади. Музейларни бошқаришнинг бу тизими унинг марказлашувини таъминлади.

Совет ҳукумати музей иши ва ёдгорликларини муҳофаза қилиш бўйича қонун яратилиб, у осори-атиқаларни миллийлаштириш асосларини, маданий бойликларни асраш, давлат учун маълум ёдгорлик ёки коллекциянинг муҳим аҳамият касб этганлигини тасдиқлади. «Виждон эркинлиги, черков ва диний жамиятлар ҳақида»ги 1918 йил 20 январь декрети эса черков мулкини миллий қадрият деб эълон қилди. Янги ҳукумат шу билан диний қадриятлар орқали ҳам катта маблағ ва воситаларга эга бўлди. Тарихий ва бадиий аҳамиятга эга бўлган ашё-буюмларни чет элга сотиш 1918 йилнинг сентябрь–декабрь ойларида эълон қилинган декретлар билан тақиқланди[2].

Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йили 19 апрелдаги декрети билан князь Николай Романовнинг Тошкентдаги ҳовлиларини давлат мулки деб эълон қилинди. Уйи эса халқ музейига айланди[3]. Унда тасвирий санъат, графика, ҳайкаллар, бадиий санъат ашёлари, мебель, чинни, тунж ва амалий санъатнинг бошқа буюмлари қўйилган эди. Музей фондларини тўлатиш учун Москва давлат музейи фондидан бадиий музей қийматига эга бўлган 120 га яқин экспонат шу музейга берилди.

Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг 1920 йил 31 июлдаги «Туркистон Республикасидаги айрим шахслар ва жамиятлар ихтиёрида бўлган санъат асарлари, қадимги ёдгорликларни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга

---

[1] Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А.. – Москва: Издательство «ВК», 2003. – С. 130.
[2] Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А.. – Москва: Издательство «ВК», 2003. – С. 132.
[3] Культурное строительство в Туркестанской АССР (1917–1924) .Том 1. – Ташкент, 1979. – С. 417.

олиш ҳамда қўриқлаш ҳақида»ги махсус Қарори музей жамоалари зиммасига масъулиятли вазифа юклади[1]. Турккомстариснинг махсус йўриқномаси билан музей ашёларини расмийлаштириш ва рўйхатга олиш жорий этилди. Қарорда айрим шахслар ихтиёридаги ёдгорликларни рўйхатга олишга катта эътибор берилган. Бундай шахсларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиб, махсус муҳофаза ёрлиқлари берилар эди[2].

Турккомстарисга қимматбаҳо ашёлар билан савдо қилишда махсус эксперт комиссияси белгилаган баҳо бўйича сотиб олиш ҳуқуқи берилди. Ушбу мақсадда махсус маблағ фонди тузилиб, княгиня Искандерга тегишли қадимий қуроллар коллекцияси 200 минг рублга сотиб олинди. Унда Шарқ халқлари Россия ва Англияда ишланган нодир ва қимматбаҳо қуроллар бор эди[3].

Бундан ташқари, Турккомстарисга кўргазма ва нашрлар учун хусусий коллекциялардан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам берилди. Музей учун қадрли нарсаларни аниқлаш учун илмий-бадиий эксперт комиссияси тузилди. Унинг раиси этиб Турккомстарис музей секциясининг мудири А.М.Миронов тайинланди. Комиссиянинг фаол ҳаракатлари билан Турккомтстарис музей фонди қисқа давр ичида бадиий тарихий қийматга эга кўплаб ашёлар билан бойиди.

Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг 1923 йил 3 ноябрь қарорига биноан Туркистон ўлкасининг турли вилоятларида жойлашган 20 та қадимги ёдгорлик Турккомстарис ихтиёрига ўтказилди. Тарихий-археологик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган 52 та ёдгорлик ҳисобга олинди. Туркистон АССРнинг еттита музейида (Бухоро ва Хивани қўшганда) осори-атиқалар сони 114075 тага етади[4]. Музей ишларини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш учун ягона марказий аппарат – Турккомстариснинг тузилганлиги Ўрта Осиё халқлари тарихий ўтмишини ўрганишга шароит яратди.

XX асрнинг 20-йиллари халқли равишда «ўлкашуносликнинг олтин ўн йиллиги» дейилади. Маҳаллий музейлар тараққиёти ўлкашунослик ҳаракати билан бевосита боғлиқ ҳолда борган. «Ўлкашунослик музейлари» атамаси ҳам ўтган асрнинг 20-йиллари ўрталаридан кенг тарқалади. Уларнинг фаолияти, мазмун моҳияти ўлкашуносликка оид нашрларда муҳокама этилди[5]. Ўлкашунослик ҳаракатини таниқли олимлар ва маданият арбоблари академик В.В.Бартольд, профессор А.А.Семёнов, А.А.Диваев, В.Л.Вяткин, М.Е.Массон, Л.В.Ошанин ва бошқалар бошқариб, мунтазам равишда ўлкашунослик конференцияларини ўтказиб турганлар. Россияда 1918–1923 йиллари 150 дан ортиқ музей яратилган бўлса[6], Туркистонда 4та, жумладан Тошкентдаги санъат, Намангандаги шаҳар ўлкашунослик, Хоразм тарихий-

---

[1] ЎзР МДА, Р–394-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 7-варақ.
[2] ЎзР МДА, Р–394-фонд, 1-рўйхат, 13-иш, 18-варақ.
[3] ЎзР МДА, Р–396-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 7-варақ.
[4] ЎзР МДА, Р–394-фонд, 1-рўйхат, 103-иш, 85–86-варақлар.
[5] Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А.. – Москва: Издательство «ВК», 2003. – С. 141.
[6] Содиқова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 76.

инқилобий ва Бухоро музейлари ташкил қилинди[1].

Ўлкашунослик ишларининг бу хилда ташкил этилиши музейларнинг вилоятлар ҳаётидаги аҳамиятини ошириб, уларни ўзига хос маданий ва илмий марказларга айлантирди, жамиятда уларга «вилоят фанлар академияси», «ўлканинг жонли энциклопедияси» сифатидаги муносабати шаклланди. Дастлаб большевиклар ҳукумати маҳаллий зиёлиларидан катта қисмининг музейларда ишлаши жиддий илмий тадқиқотларни давом эттиришлари имконини беради. Ўтган асрнинг 20-йилларида музейга совет даврида таълим олган, аммо аввалги анъана ва тажрибаларни ўзлаштирган ёш авлод ҳам келиб қўшилди. Ўлкашунослик музейларининг ушбу йиллардаги фаолияти натижасида фондлар тўлатилиб, турли мавзудаги коллекциялар вилоятлар табиати ва хом ашё захираларига оид экспонатлар тўпланди. Музейлар фаолиятига оид масалалар кўп сонли анжуманларда ва ўша давр матбуоти саҳифаларида кенг муҳокама этилди[2].

Бу даврда нафақат собиқ Иттифоқ, балки Ўзбекистон маҳаллий музейлари ҳам (бу атама ХХ асрнинг 30 йилларининг ўрталаригача муомалада бўлган) кучли ғоявий тазйиққа учради. Ўлкашунослик музейларидан йигирманчи йилларнинг охириданоқ фақат утилитар хўжалик, сиёсий-маърифий мақсадларда фойдаланишга ҳаракат бошланади. Натижада ўлкашунослик музейлари ўлкани комплекс ва кенг қамровли ўрганиши лозимлиги ҳақидаги жуда ҳам муҳим вазифа амалда схематизм ва бир томонлама ёндашувга олиб келди. Оқибатда маҳаллий музейларнинг кўпчилиги ХХ асрнинг ўттизинчи йилларига келиб, маданият соҳасининг иккинчи даражали тармоғига айланиб қолди. Зеро, бу кўринишда ҳам музейлар илмий билимларни оммалаштирувчи, ўз ўлкасига қизиқиш уйғотувчи, саводсизликни тугатишдаги муҳим омил бўлиб қолади.

Музей ишида ХХ асрнинг 20-йиллари ўрталаридаёқ большевикларнинг инқилобий руҳлари ва марказлашишнинг таъсирида хавфли йўналишлар кўрина бошлади. Халқ маорифи комиссарлиги қошида 1920 йили тузилган Бош сиёсий-маърифий комитет музей бўлими устидан сиёсий назоратни кучайтира бошлади. Давлат томонидан маъмурий-буйруқбозлик тизими шакллана бошлаб, РКП (б)нинг 1919 йилги конференцияси қарорларида кўрсатилган музей ходимларининг жамоатчилик ва касбий бирлашмаларини тузиш таклифи амалга оширилмай қолди. Кейинроқ 1927 йили октябрь инқилобининг ўн йиллигини нишонлаш давомида «юқоридан» кўрсатма берилиб, унда музей кўргазмаларида инқилобий воқеаларни акс эттириш талабидан ташқари бўлим ва кўргазма материаллари номлари ҳам белгилаб қўйилган эди.

1923 йили барча музейларнинг фонди давлат мулки деб эълон қилинди. Махсус қарорларга биноан 1922–1926 йиллари музейларга тарихий-бадиий

---

[1] ЎзР МДА, Р–394-фонд, 1-рўйхат, 49-иш, 3-варақ.

[2] Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А.. – Москва: Издательство «ВК», 2003. – С. 142-144.

қийматга эга бўлмаган буюм ва ашёларни, эскирган нарса, такрорланадиган фондларни сотишга рухсат берилди. Ушбу янги иқтисодий сиёсат даврининг мажбурий чораси ҳамда 1929 йили давлат музей фондлари омборхоналарининг тугатилиши ҳақидаги қарор антиквариат бозорини шакллантирибгина қолмасдан, музей коллекцияларининг сотилишига ва тиклаб бўлмас йўқотишларга олиб келди.

Ушбу даврда Ўзбекистонда қатор тарихий ўлкашунослик музейлари барпо этилди. Фарғона вилояти ўлкашунослик музейи 1925 йили Қўқон шаҳрида Қўқон хони Худоёрхоннинг 1870 йили қурилган саройида ташкил қилинди. Музей табиат, маиший-турмуш, тарих ва халқ хўжалигини акс эттирувчи ўлкашунослик соҳасида иш олиб боради.

Ўзбекистон ҳукумати Бухоро вилоятида ўлкашунослик музейи ташкил этиш учун 1925–1927 йиллари тайёргарлик ишларини олиб боради[1]. Экспозиция дастлаб Кўкалдош мадрасасининг 6 та кичик хонасига қўйилади. Унда археология, этнография ва зоология бўлимларида мингдан зиёд буюм бор эди. Археологик ашёлар сони 335 та, этнография бўлимида 618 буюм бўлган. Зоология бўлими экспонатлари 90 га яқин эди[2].

Ситораи Моҳи Хоса Бухоро амирининг ёзги саройида «Амирлар сўнгги сулоласининг турмуши» деб аталган уч бўлимдан иборат очиқ музей экспозицияси ташкил этилди. Бухоро амирлигининг инқилобдан олдинги ҳолати ҳақида республикамизнинг дастлабки раҳбарларидан бири Файзулла Хўжаев шундай деган: «Улкан мамлакат уй хўжалигидек бошқарилар эди. Амирлар Бухорога ота мерос мулк, оилавий мулк деб қарар эдилар[3]». Маълум камчиликларга эга бўлишига қарамай, Бухоро музейининг очилиши оммавий-маънавий муассаса сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлди[4].

1926 йилнинг 1 январида Тошкентда (эски шаҳарда) яна бир музей очилди. У қишлоқ хўжалиги йўналишидаги республикадаги илк тармоқ музейи ҳисобланар эди[5]. Унда учта: қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик саноати, табиат тарихи бўлимлари фаолият кўрсатган. Музейдаги 2 мингга яқин экспонатнинг аксарияти ноёб буюмлардан иборат эди. Кейинчалик у Тошкент табиат музейи номини олди.

I Бутунроссия музейлари қурултойи 1930 йил декабрь ойида Москвада бўлиб, у 20-йиллар охирида музей ишида кўзга ташланган янги омилларни, музейларнинг жамият ва маданий ҳаётдаги ўрнининг мустаҳкамланишига олиб келди. Ушбу даврдан музейлар тарихида 1980 йилларгача давом этган янги босқич бошланганлигини таъкидлаш мумкин[6].

Қурултойда қабул қилинган қарорлар ўз даври ва ғоявий муҳитига

---

[1] ЎзР МДА, Р–94-фонд, 5-рўйхат, 735-иш, 19-варақ.
[2] ЎзР МДА, Р–94-фонд, 5-рўйхат, 735-иш, 19–21-варақлар.
[3] Хўжаев Ф. Танланган асарлар. 1 том. – Тошкент, 1970. – Б. 79.
[4] Жумаев К. Музей народно-прикладного искусства Ситораи Мохи хоса // Мозийдан садо. – Ташкент, 2003. – № 1 (17). – С. 12.; ЎзР МДА, Р–394-фонд, 1-рўйхат, 300-иш, 57-варақнинг олди ва орқаси.
[5] ЎзР МДА, Р–394-фонд, 1-рўйхат, 226-иш, 29–48-варақлар.
[6] Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А.. – Москва: Издательство «ВК», 2003. – С. 145.

монанд эди. Музейларни социалистик қурилиш хизматига жалб этиб, «маданий инқилоб» қуролига айлантириш вазифаси истиқбол режага қўйилди. Қурултой қарорларининг 30-йилларда музейлар учун мажбурий эканлигини алоҳида таъкидламоқ лозим. Музейларда тез орада реэкспозиция (кўргазмаларни қайта тузиш) социалистик қурилиш бўлимлари очиш тавсия этилди. Ҳар бир туманда ўлкашунослик бўлимларини тузиш, омма орасида ғоявий тарбияни кучайтириш вазифаси қўйилди. Музейлар тизимини қайта ташкил этиш ва такомиллаштириш 1930 йилларда давом эттирилди. Оммани инқилоб анъаналари руҳида тарбияловчи тарихий-инқилобий ва хотира музейларини ташкил этишга эътибор қаратилди.

Ўлкашунослик музейлари энг чекка вилоятларда ҳам очилиб, илгари музейлар умуман бўлмаган шаҳарларни ҳам қамраб олди. Бу музейлар вилоятларни ҳар томонлама, энг аввало халқ хўжалиги манфаатлари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, илмий муассасаларга мамлакат захираларини аниқлашда кўмаклашишга йўналтирилган. Музейлар маданият, маориф ва омманинг, айниқса узоқ ҳудудларда фаоллигини оширишга хизмат қилишда давом этади. 1930 йилларнинг ўрталарида ўлкашунослик музейларининг умумий тизими яратилиб, учта экспозиция бўлими – табиат, тарих ва социалистик қурилиш бўлими белгиланди. Шу вақтнинг ўзида аввалги сарой, зодагонлар қўрғонларида жойлашган тарихий-маиший ва тарихий бадиий музейлар сони камайиб боради. Музей ишида 30-йиллардаги ўзгаришлар динга қарши, атеистик музейларни ташкил этишда ҳам ўзининг ифодасини топди. Бу даврда сиёсий-маърифий ишларга, хусусан, музейдан ташқари иш услублари – маърузалар, кўчма кўргазмаларга эътибор кучайди. Музейларга кирувчиларнинг сони кўпайишига кўргазмаларга мактаб ўқувчиларининг тартибли жалб қилиниши орқали эришилган. Экспозиция ишининг кўп йиллар давом этган услуби сиёсий мазмундаги мавзули кўргазмалар бўлиб қолди. Музейларга социалистик қурилиш ва ҳаёт тарзидаги устунликларни намойиш этиш тавсия қилинди.

Шунга қарамасдан, музей иши кўникмалари авлоддан-авлодга ўтган маданий фаолиятининг маълум анъаналарини сақлашга эришилди. Средазкомстарис 1938 йил 7 апрелда тугатилиб, унинг муассасалари – Ўрта Осиё бош музейи, Марказий бадиий музей, Ҳайвонот боғи ва инқилоб музейи, Ўзбекистон маориф халқ комиссарлиги фан бўлими ихтиёрига ўтказилди. Натижада музейларнинг илмий-йиғув ва илмий-экспозицион фаолияти майдони торайиб, Ўзбекистон ҳудуди билан чекланиб қолди.

XX асрнинг 30-йилларида давом этаётган сиёсий қатағонлар кампанияси ҳам Ўзбекистон музей ишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Ўшанда собиқ Иттифоқда қатор йирик музейларнинг ғоявий позицияси нотўғри деб топилди. Натижада бир неча музейларнинг фаолияти тўхтатилди[1].

---

[1] Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А.. – Москва: Издательство «ВК», 2003. – С.158.

Уруш йилларида илмий тадқиқот муассасалари, шу жумладан, музейларнинг фаолияти ҳам тубдан ўзгарди. Кўпгина музейлар ўз биноларини эвакуация қилинган муассасалар учун бўшатиб берди. Республикада музейлар тармоғи қисқарди. Биргина Ўзбекистон тарихи, маданият ва санъат музейи номи остида Санъат, Адабиёт ва Ўзбекистон тарихи; табиат музейи билан бирга Политехника музейи бирлаштирилди. Республиканинг кўпгина музейлари экспозициялари йиғиштирилиб, илмий тадқиқот фаолияти ҳамда штатлар қисқартирилди[1].

Урушдан кейинги йилларда музейлар олдида турган асосий вазифалар: тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, тиклаш ва сақлашга қаратилди. «Ўлкашунослик музейларининг намунавий мавзулари тизими» 1946 йили яратилиб, бу ҳужжат бир томондан музейлар фаолиятини қаттиқ регламентга солиш орқали музей ходимларининг фаоллигини чеклаб қўйгани бўлса, иккинчи томондан малакасиз мутахассисларга янги кўргазмалар ташкил этишда қўл келди. Ўлкашунослик музейларининг намунавий тизимини ишлаб чиқишда йирик тарихчи олимларнинг иштироки бу ҳужжатларнинг ўша давр тарих фани даражасига мос бўлишини қисман таъминлади.

Уруш натижасида етказилган зарар, кейинги даврнинг иқтисодий қийинчиликларини тўлдириш қийин кечди. Шу йилларда музей ходимлари сони, уларнинг маоши кескин қисқартирилди. Музей осори-атиқаларини сақлаш хоналарининг оғир ҳолати, етарлича назорат ва ҳисобнинг бўлмаслиги қимматли буюмларнинг йуқолишига олиб келди. Бу ҳолатга фақатгина уруш эмас, 1930 йилларда музей ишида илмий тадқиқот ва муҳофаза ишларига эътибор бермаслик, музейлар фаолиятининг фақат маданий-маърифий тарбияга йўналтирилгани ҳам таъсир этмай қолмади.

Музейларга умумий талаблар марказ тизимлари томонидан 1930 йилларда шаклланиб, урушдан кейин ҳам деярли ўзгармай қолди. Давлат музей ишини қатъий талаблар асосида олиб боришдан ҳам воз кечмади. Бу эса уларнинг ижодий ишлашига, изланишларига йўл бермади. Устига-устак 1945 йили музейлар Ўзбекистонда ҳам маориф тизимидан маданий-маърифий муассасалар қўмитасига ўтказилди. Шу тариқа музейларнинг маданий-маърифий муассасалар тизимига ўтиши узил-кесил ҳал этилди. 1953 йил Маданият вазирлиги тузилса-да, унинг музейларни бошқаришнинг илмий асосланган дастурга эга эмаслиги, бошқарувнинг барча поғоналаридаги кадрлар савиясининг пастлиги кузатилар эди[2]. Музейларни бошқаришдаги бу вазият Ўзбекистонда 1950 йилларнинг охиридан 80-йилларнинг охирига қадар давом этди.

Партия Марказий Қўмитасининг 1964 йил 12 майдаги «Меҳнаткашларнинг коммунистик тарбиясида музейларнинг ролини ошириш тўғрисида»ги ва 1982 йил августдаги «Музейларнинг ғоявий-тарбиявий

---

[1] Содиқова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 180.

[2] Златоустава В.И. Государственная политика в области музейного дела. (1945–1965гг.) // Музей и власть. Ч. I. Москва, 1991. – С. 226-298.

ролини ошириш тўғрисида»ги икки Қарори Ўзбекистон музейларини ҳам «ғоявий тарғиботчи муассасалар» тизимига узил-кесил бириктириб қўйди. Бу эса музейлар ривожига салбий таъсир кўрсатди.

Музейлар бошқармаси 1947 йили ишлаб чиққан «Музей фондларини ҳисобга олиш бўйича кўрсатмалар», 1968 йили янги «Асосий фондлар таркиби ҳақида» ҳужжат чиққунга қадар Ўзбекистонда амал қилди. Музейларга ягона намунадаги инвентарь китоблари ишлаб чиқилиб тарқатилди[1].

Давлатнинг асосан музей муассасаларидан ғоявий тарғиботчи имкониятларидан фойдаланишга интилиши совет даврининг деярли бошқа босқичларида музейларнинг илмий салоҳиятли мутахассисларнинг қаршилигига дуч келди. Ўлкашунослик ва музей иши илмий тадқиқот институтларининг 1948 йил ноябрдаги кенгайтирилган сессияси ушбу муассасанинг фаолияти якунлари ва истиқболларига бағишланди. Институт «Республика, ўлка, вилоят ва йирик районлар ўлкашунослик музейлари ҳақида»ги ҳамда «Республика, ўлка, вилоят ва йирик районлар ўлкашунослик музейлари кўргазмаларини ташкил этишнинг асосий тамойиллари» каби ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишида катта ўрин тутди. Ҳужжатларда музей экспонатларини унификациялашга йўл тутилгани ўз тасдиғини топди. Ўлкашунослик музейларининг давлат томонидан илмий тадқиқот ва маданий-маърифий муассаса деб тан олиниши музей ишига ижобий таъсир қилди. Унинг тизимида фонд бўлими, кутубхона, илмий архив, ёрдамчи кабинетлар бўлиши кўзда тутилган эди. Музейлар мустақил равишда адабиёт ёки бадиий кўргазмалар ташкил этишга рухсат олди. Катта анжуман ташкил этилиб, унда музей тизимини илмий режалаштириш масаласи муҳокама этилди.

1950 йилларнинг иккинчи ярми – 1960 йилларнинг бошигача бўлган қисқа давр собиқ Иттифоқ ва республикалар маданияти тарихида «илиқлик» даври деб номланади. Унда ижтимоий ҳаёт ва маданий жараёнлар устидан қаттиқ назорат бир мунча сусайди. Ҳозир маълум бўлишича, мамлакат сиёсий раҳбариятининг маданий жараёнлар тараққиётида қисман эркинликлар бериши, социализмни мустаҳкамлашга кўмаклашишни ижодий кучларни фаоллаштириш мақсадини кўзлагани маълум бўлди. Ушбу қисқа имконият, эркин нафас олиш маданий ҳаётни сезиларли жонлантирди. Жумладан, музей ишида табиат ва маданий меросни асраш муаммоларига эътибор кучайди. Ушбу йилларда жамоа музейларининг умумий сони ўсиб, дастлабки музей қўриқхоналар яратилди. Бадиий музейлар тизимини яратишга фаол киришилди. «Илиқлик» таъсирини қатағон қилинган сиёсий ва маданий арбоблар ҳақидаги кўргазмалар, маълумотларда ҳамда қамоқларда, сургунларда омон қолган ходимларнинг музей ишига қайтишида кўриш мумкин.

[1] Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А.. – Москва: Издательство «ВК», 2003. – С. 159-160.

Ушбу даврнинг яна бир муҳим жиҳати халқаро ҳамкорликнинг тикланиши бўлди. Совет музейлари ташкилоти 1957 йили Музейлар халқаро кенгашига аъзо бўлди. Музейлар халқаро кенгаши бу даврда совет музейлари учун дунёга очилган «дарча» бўлиб, хорижий музейлар билан алоқа боғлаш жаҳон музей амалиётидаги янги жараёнлар билан танишиш имконини берди. Бутуниттифоқ музейларнинг I кўриги 1957 йили ўтказилиб, у урушдан кейинги ўн йилликда соҳа фаолиятини сарҳисоб қилишга имконият яратади.

Айни шу йилларда Ўзбекистонда ҳам ўлкашунослик ҳаракати жонланди. Янги босқичда оммавий тарихий ўлкашунослик ҳаракатининг ўзига хос жиҳати қатор музейлар тизимининг яратилиши бўлди. Янги музейлар жамоатчилик ташаббуси билан ташкил этилиб, уларнинг маблағлари ҳисобига фаолият кўрсатган.

Дастлабки жамоат музейлари XX асрнинг 20–30-йилларида ташкил қилинган бўлса, 1970 йилда Ўзбекистонда 60 та бу турдаги музейлар бўлиб, уларнинг фаолияти давомида 4 мингта экскурсия ўтказилиб, 200 минг киши кўргазмаларни томоша қилган. Жамоатчилик музейлари давлат, бошқарма, муассаса, ташкилот, олий таълим, мактаб музейлари вазифасини ўтаб, музей тизимининг ажралмас қисми, давлат музей фондини тўлдириш воситаси бўлиб қолди. Ўз фаолиятида ташкилий, ғоявий-сиёсий, илмий-маънавий, тарғибий, маданий-тарбиявий даражага эришган музейларга «Халқ музейи» унвони берилди. Жамоатчилик музейларининг кескин кўпайиши мамлакатда аҳолининг табиий-маданий меросга оммавий қизиқишининг натижаси эди. Улар профессионал маҳорати жиҳатидан давлат музейларидан паст бўлса-да, омманинг жонли ижоди фаоллиги намунаси сифатида давлат музейларининг ғоявий чекланганлиги, формализмига қарши «намойиши» десак муболаға бўлмайди. Жамоа музейлари маҳаллий маданий ва ижтимоий маданиятдаги ўрни, аҳолини музейлар ташкил этишга бевосита жалб қилиши ўз қишлоғи, шаҳри, корхонасининг тарихини ўрганиш, маданий ёдгорликларни асрашда қўл келди.

Жамоа музейлари ичида сон жиҳатидан энг кўпчилигини мактаб музейлари ташкил этади. Ўзбекистонда улар XX асрнинг 60-йилларидан ташкил қилина бошланди.

Умуман олганда 1960–1980 йилларнинг бошида музейларга кирувчилар сонининг кескин ўсиши кузатилади. Музей иши жамоачилик диққат марказида турди. Музейлар, улар фаолияти, маданий ёдгорликларни асраш муаммолари ҳақидаги мунозаралар нафақат махсус, балки матбуот, газета ва журналларда кенг муҳокама этилди. Жамиятда музейларга қизиқишнинг ошиши музей фаолиятига давлат томонидан эътиборнинг кучайишига олиб келди.

1966 йилда Ўзбекистон Республикаси тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти тузилиб, унга алоҳида шахс, айрим жамоалар аъзо бўла бошладилар. Натижада йирик завод, корхоналар жамиятга аъзолик бадали тарзида насбатан салмоқли маблағларни ўтказиш имконига эга

бўлдилар. Бу вазият жамиятга дарҳол юқори статус бериб, у энг аввало давлат манфаатларининг ҳимояси, айниқса собиқ ҳукмрон ғояга зид бўлмаган тарихий-маданий меросни муҳофаза қилишда қўл келди. Аммо масжид, мадраса, хонақоҳларни бузиш, уларни таҳқирлаб омборхоналарга айлантириш сиёсати давом этди. Улар муҳофазадаги бинолар рўйхатидан чиқарилганлиги туфайли саноат корхоналари, вақтихушлик муассасаларига айлантириш ҳоллари ҳам учраб турарди. Бу салбий ҳолатга 1960–1970 йилларда кенг ёйилган ёшлар, зиёлиларнинг тарихий ва маданий обидаларни асраш ватанпарварлик ҳаракати қарши турди.

ЮНЕСКО маълумотларига қараганда, дунё музейларининг 80 фоизи дастлаб қалъа, сарой, ибодатхона, монастир, хусусий уйларда фаолият кўрсатган. Ўзбекистонда ҳам ушбу манзара кузатилади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, музей биноларининг кўпгина қисми анча пайтдан буён таъмирланмаган, авария ҳолатидагилар ҳам бўлган. Ҳолбуки, ХХ асрнинг 60–70-йилларида ҳарбий-тарихий, инқилобий, бадиий музейлар учун махсус музей бинолари[1], хусусан Тошкентда ҳам кўплаб қурилди.

Юқорида таъкидланганидек, жамиятда тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишга ҳамда улардан фойдаланишга муносабатнинг ижобий томонга ўзгариши янги музей муассасалари, музей-қўриқхоналарнинг вужудга келишига кўмаклашди. Уларнинг ўзига хослиги маълум кўчмас ёдгорлик асосида яратилиши, унинг атрофидаги тарихий-маданий ва табиий муҳитни муҳофаза қилиш ёки тикланиши билан боғлиқлиги эди. Муҳим тарихий-маданий ва табиий-маданий қадриятга эга бўлган бу хилдаги музейларнинг дастлабки кунданоқ юқори мавқени олиши уларнинг тарихий-маданий осори-атиқалар йирик мажмуаси тарзида муҳофаза қилинишига имконият яратар эди.

**2.Ўзбекистонда 1917-90 йилларда ташкил этилган музейлар фаолияти.** Бу даврда музей тизимидаги етакчи ўрин Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги доирасидаги давлат музейлари бўлиб қолган эди. Турли бошқармалар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги музейлар сони кўпайди.

Ушбу даврда республикада йигирмадан ортиқ тарих ва ўлкашунослик музейлари фаолият кўрсатган. Уларнинг музейлар тизимидаги ўрни муҳимдир. ХХ асрнинг 60–80-йилларида ўлкашунослик музейлари марказий музейлар фондларидан олинган ашё, буюм ва ҳужжатлар ҳисобига ҳам бойиб борди.

Ўлкашунослик музейлари 1970 йиллардан табиий-илмий кўргазмалардан, ландшафтли кўргазмаларга ўтиш жараёнини якунлади. Тез суръатлар билан ўсаётган музейлар гуруҳига музей-қўриқхоналар, жонли экспонатли музейларни киритиш мумкин.

[1] Миронов А.М. Художественный музей в Ташкенте / Музей и школа. Пособие для учителей. М., 1985. – С. 27-43.

Ўзбекистон музейлари тизимидаги турли ўзгаришлар умумжаҳон миқёсида музейларга қизиқишнинг ўсиши ва уларнинг маданий имкониятлари чексиз эканлигини намойиш этган.

Совет ҳокимияти даврида музейлар тизимини ташкиллаштириш усулларидан бири, марказлашган музейлар системасини яратиш бўлди. Бундай бирлашмаларнинг асосий мақсади назорат ҳамда музей тўпламларидан ғоявий ва тарғибот мақсадлари учун кенгроқ ва унумлироқ фойдаланиш, вилоят, шаҳар ва туман музейлари савиясини ошириш, айрим музейларнинг тематик қайта ташкил қилиниши вазифаларини ҳал этишга қаратилгани эди.

Янги музей, кўргазмаларнинг ташкил этилиши жараёнининг тезлашуви музейларни лойиҳалаштиришда ҳам ўзгаришларга олиб келди. Кўргазма дизайни бадиий ижодиётнинг мустақил ва истиқболли тури бўлиб, музей ходимлари ва рассомларнинг ҳамкорлигидаги ижоди эди. Музей кўргазмаларини санъатнинг алоҳида соҳаси эканлигининг назарий асосини Е.А.Рюзенблюм таҳлил этишга ҳаракат қилган[1]. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, советлар даврида музей кўргазмалари ранг-баранг ва юқори даражадаги санъат асарларига айлана олмасди. Зеро, кўргазмалар ҳам тоталитар тузумнинг моҳиятини ўзида мужассам этиши лозим бўлган. Барча санъат турлари ғолиб пролетариат ва деҳқонларнинг муваффақиятларини тараннум этиши лозим бўлган. Шунинг учун махсус комиссиялар назорати ва муҳокамасидан ўтган асарлар ҳаётга татбиқ этилиб, минглаб нусхаларда кўпайтирилиб, собиқ Иттифоқ ҳудудларида тарқатилар эди. Жумладан, Тошкентдаги Ленин музейининг филиали ўлкамизда бўлмаган «бутун жаҳон пролетариатининг доҳийси» ҳаёти ва фаолиятини кенг омма орасида тарғибот қилиши керак эди. Шундай миллий қадриятлар ва анъаналарга қарши бўлган ғоя ҳамда мавзулар бошқа музейлар орқали ҳам халқ онгига сингдирилиши керак эди.

Янги музей бинолари қурилиши, коммунистик ғояларига мос келадиган экспозицион ечимлар, баъзан оригинал кўргазма лойиҳалари кенг кўламли реставрация, меъморчилик ёдгорликларининг музейга айлантирилиши натижасида музейлар ўзгача тус олди. Музей фақат маърифий таъсир воситаси эмас, дам олиш жойи, бўш вақтни унумли ўтказиш маскани, совет халқи ва чет эл туризмининг оммавий масканига айлантирилиши лозим эди[2]. Шунда маданий-маърифий фаолиятнинг бундай кенг кўлами жараённи англаб, махсус ижодий таҳлил этишни тақозо этар эди. Музейшуносликда 1980 йилларнинг бошларидан «музей педагогикаси» атамаси пайдо бўлди. Музейшунослар келувчиларга «Музей маданиятини» ошириш, яъни махсус музей тилини қабул қила олиши, предметли ахборот,

[1] Розенблюм Е.А. Художник в дизайне. – Москва: Наука, 1974. – С. 51.
[2] Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А. – Москва: Издательство «ВК», 2003. – С. 171.

асл нусханинг қийматини тушуниш ва бошқа кўникмаларни юксалтириш дастурини ишлаб чиқдилар.

Музейга келувчиларнинг «ички дунёсини», талабларини ўрганиш учун психолог ва социологлар таклиф қилина бошланди. Бу хилдаги дастлабки тадқиқотлар 1920 йилларда (ижтимоий-демографик таҳлил, ахборотни қабул қилиш хусусиятларини ўрганиш ва бошқалар) ўтказилган эди. Собиқ тоталитар тузум томонидан 30-йилларда тўхтатилган тадқиқотлар 1960 йиллардан қайтадан бошланди. Кенг кўламли тадқиқотлар 1970–1980 йилларда маданият илмий тадқиқот институти ходимлари томонидан ўлкашунослик ва музей-қўриқхоналарда ўтказилган «Музей ва унга кирувчилар» деб номланган тадқиқотлар натижалари ушбу институт олимлари асарларида, музей журналларида чоп этилди.

Совет давридаги музей фаолияти назарий таҳлили музейшунослик илмининг янги соҳаси сифатида шаклланишида ўз аксини топади. А.М.Разгон таҳрири остида чоп этилган «Музейшунослик» ҳамда тарихий соҳа музейларига бағишланган ишлари музейларнинг советлар давридаги фаолияти якуни сифатида тан олинган[1].

Собиқ Иттифоқ ҳамда Ўзбекистонда музей ишининг ҳолати, кўп сонли илмий мунозаралар ҳамда йирик комплекс тадқиқотлар, уларнинг натижалари музей нашрларида эълон қилиниши асосида бўлди. Музейлар тарихидаги 50 йилдан ортиқ давом этган сон ва сифат жиҳатидан ривожланиш даври якунланди. Музейлар мамлакат тарихи билан узвий боғлиқ бўлса-да, музей иши ўзининг ички мантиқий тараққиётига эга эди. Музейлар сони ва тури ўсиб борди, уларнинг ўрни ва аҳамияти тарғибот ва ташвиқот маркази сифатида мамлакатнинг ижтимоий ҳаёти, маданиятидаги роли эса кундан-кунга сезила боргани кузатилади.

Ўзбекистонда совет даври тарих ва ўлкашунослик музейларининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини тадқиқ этиш қуйидаги хулосаларни беришга асос бўлади:

Россия империяси давридаги Туркистондаги музейлар ўлканинг моддий ва маънавий, ер ости ва устки бойликларини чуқур ўрганиб, Россия манфаати йўлида фойдаланиш учун ташкил этилган бўлса, собиқ совет мустамлакачилиги даврида бу ишлар ўзгача тусга эга бўлди. Улар энди янги тузумни тарғиб этишлари, янги ғояларни халққа сингдиришлари зарур эди. Музейлар ташвиқот ва тарғибот манбаи сифатида партиянинг барча ғоялари, қабул қилинаётган қарорлари ҳаётга татбиқ бўлишини (узоқ келажакда бўлса ҳам) кўрсатиб бериши лозим эди. Музейлар совет давридаги ижтимоий ёлғонни тарғиб қиладиган бир органга айланди десак хато бўлмайди.

Музейлар реэкспозиция қилинди ва алоҳида социалистик қурилиш бўлимлари яратилди. Ҳар бир вилоят, шаҳар, туман марказларида ўлкашунослик музейлари ташкил этилди. Оммавий-ғоявий ишлар кучайтирилди. Сунъий равишда музей фаолияти доираси оммавий ғоявий иш

[1] Музееведение. Музеи исторического профиля. – Москва: Высшая школа, 1988. – С. 5-8.

билан қисқартирилди, музейда иш олиб бориш услуби ва шакллари примитив (содда)лаштирилди. Ғояга мос келмайдиган маданий ёдгорликларнинг аҳамияти пасайди. Музей муассасаларининг ўзига хос, индивидуаллик томонлари тенглаштирилди. Музей экспозицияларида ёдгорликлардан фойдаланиш масаласи нотўғри ҳал қилинди ва бу собиқ совет давридаги музейлар ривожида салбий таъсир кўрсатгани аниқланди.

Музей тармоқларини қайта ташкил этиш ва кенгайтириш давом этди ва маълум структуравий ўзгаришлар содир бўлди. Асосий ўринни тарихий-инқилобий ва мемориал музейлар эгаллади. Мавжуд тарихий ва ўлкашунослик музейларининг барчасида янги тузум ютуқларини намойиш этиб, унинг ғояларини кенг оммага сингдирувчи экспозициялар пайдо бўлди. Ўлкашунослик музейларининг типологик тизими ишлаб чиқилди. Асосий эътибор томошабинлар билан сиёсий-маърифий иш олиб боришга қаратилди. Бунда маъруза ва кўчма кўргазмалардан кенгроқ фойдаланилди. Томошабинлар сони уларни уюшган ҳолда кўргазмаларга жалб этиш, мактаблар билан оммавий ишлар олиб бориш ҳисобига оширилди. Экспозиция ишининг етакчи услублари тематик (мавзулар бўйича) экспозиция бўлди. Экспозицион фаолиятни баҳолашнинг асосий мезони унинг сиёсий мазмуни бўлди. Музейларга социалистик қурилиш ютуқлари ва социалистик ҳаёт тарзининг афзалликларини экспозицияларда акс эттириш зиммаси юклатилди. Лекин уларда совет тарихи бўйича тўлақонли коллекциялар йўқ бўлганлиги сабабли музей предмети ўрнини матн, схема, шиорлар эгаллади.

**Наманган вилояти ўлкашунослик музейи.** Кейинги музей Наманганда 1920 йили ташкил этилади. Бу ишни амалга оширишда Наманган шаҳридаги 1-рус ўрта мактабининг физика ўқитувчиси Владимир Иванов катта ташаббус кўрсатди. У 1919 йилда Халқ таълими нозирлигига ёзган хатида ўқувчиларга пухта билим бериш мақсадида Наманган шаҳар мактабларидаги барча физика ўқув асбобларини бир жойга йиғишни ва ягона физика кабинети ташкил қилишни таклиф этди. Бу таклиф халқ таълими нозирлиги томонидан қабул қилинди.

*1920 йил 20 август куни музейга асос солинди ва 1-сон 7 йиллик рус мактабининг иккита хонасида экспозиция жойлаштирилди. Мазкур музей тўлиқ хўжалик ҳисобида иш олиб борди ва ўзини ўзи таъминлади. Илк ташкил этилган даврда Наманган шаҳар ўлкашунослик музейи, 1934 йилдан кейин туманлараро, 1938 йилдан бошлаб эса Наманган вилоят ўлкашунослик музейи деб атала бошланди. М.И.Бен-Герарий номидаги Наманган вилоят ўлкашунослик музейи 1920 йилдан 1930 йилгача бўлган даврда экспозицион залларини мунтазам равишда тўлдириб борди. ҳар 5 йилга режа тузилиб иш олиб борилди. Масалан 1930 йилда тузилган 5 йиллик режа қуйидагилардан иборат: Музей 1930 йилдан бошлаб иш режасида музей фондларини кўргазмали қуроллар, моделлар, маникенлар, турли ҳайвонлар тулумлари коллекцияси, ўлкадаги ўсимликлардан намуналар, турли хилдаги*

*препаратлар, диарамалар, картиналар, чизматасвирлар, турмушда ишлатиладиган буюмлар билан бойитишни мақсад қилиб қўйди. Бу коллекция тўпламлари мазкур ўлка одамларининг турмуш тарзини, маданиятини, билим даражасини, илм-фан ютуқларини, санъатни, ишлаб чиқаришни, савдо-сотиқ фаолиятини, алоқа йўллари кабиларни ўзида акс эттириши лозим. Музейга ўлкадаги барча муассасалар ёрдам бериши керак. Музей аҳоли талабларини акс эттириши, мазкур ўлка табиатининг ва ижтимоий ҳаётининг ойнаси бўлиши керак. Музейда тўққизта: Зоология бўлими, Қишлоқ хўжалиги бўлими, Пахтачилик, ипакчилик бўлимлари, Агрономия ва зараркунандаларга қарши кураш бўлими, Инқилоб бўлими, Суратлар галереяси, ҳайкалтарошлик ва гравюра намуналари, Тарихий археологик бўлим,Ҳунармандчилик бўлими, Худосизлик бўлимлари мавжуд эди.*

*Шунингдек архив фонди ҳужжатларидаги ўн олти йил давомида музейга келаётган томошабинлар сонини кўрсатиш, ушбу музей ҳақидаги тасаввурларни кенгайтиради: хар икки уч йилдан томошабинлар сони орта борган. 1920 йиллари томошабинлар сони 3205 киши бўлса, 1934 йилга келиб бу кўрсаткич 36770 тага етди. Демак, музей иши фаолияти яхши йўлга қўйилган. 1935 йили томашабинлар сони кескин 16075 тагача тушиб кетади, бунга сабаб, юқори ташкилотлар буйруғига асосан, тирик ҳайвонлар намойиш этиладиган бўлими ёпилиб, Тошкентга жўнатилган.*

*Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Наманган музейи кўчма агит-музейи ҳам ташкил этиб, пахта йиғим-терим компаниясига чиқиб, жамоат хўжаликларида юриб, қуйидаги ишларни амалга оширган.*

*Кўчма агит-музейнинг мақсади, экспозициялар орқали иқтисодиёт ва маданий фронтдаги асосий эришилган ютуқларни кўрсатиш ва жамоа хўжаликлари билан музейлар ўртасида алоқа ўрнатишдан иборат эди.*

*Наманган ўлкашунослик музейи фондлари экспонат сотиб олиш ҳисобига бойиган, шунингдек Москвадаги Третьяков галерияси ва Санкт-Петрбургдаги Эрмитаждан бир неча асарлар юборилган.*

*Шунингдек фондларни бойитиш учун музей ходимлари Фарғона водийсини қамраб олувчи тематик экспедициялар уюштирадилар . Шу зайлда музей фондлари этнографик, табиатшунослик, археологик экспонатлар билан бойиди.*

*Уруш йилларида Ўзбекистонда музей тармоқлари вақтинча қисқариши Наманган Ўлкашунослик музейига хам таьсир қилди. Экспонатлар вақтинчалик вилоят ўрта мактабларига тақсимланади. Натижада кўпгина музей экспонатлари йўқолади.*

*1947 йили музей қайта тикланиб,экспонатлар жойига қайтарилади.*

*1950-60 йилларда Чуст, Қувасой, Ахсикент даралари ва ғорларидан қадимги даврларга мансуб манзилгохлар топилиб, ўрганилади. Бу ишда музей ходимлари хам фаол қатнашадилар.*

*1961 йили Ўзбекистон рассомлари уюшмаси қошидаги Ўзбекистон Бадиий кўргазмалар дирекцияси Наманган вилоят Ўлкашунослик музейига 50та тасвирий саньат асарларини совға қилган.*

*1988 йлда музей махсус қурилган бинога кўчирилди. Бино 3 қаватли бўлиб, умумий майдони 53201 квадрат метрдан иборат, 1700 квадрат метри экспозицион майдон, 520 квадрат метри фонд хоналар майдонини ташкил этади. Экспонатлар сони 56мингдан ортиқ. Бугунги кунда экспозиция Табиат бўлими, Оммавий оқартув бўлими, Илмий услубият бўлими, Замонавий давр, Тарих, Жанговор шон-шухат бўлимларидан иборат. Музей экспонатлари сони 2000-йилларга келиб 61мингдан ошди.*

***Ўзбекистон Давлат Санъат музейи.*** *Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 19 апрелдаги декрети билан князь Н.Романовнинг Тошкентдаги мажмуалари давлат мулки деб эълон қилинди. Уйи эса музейга айлантирилди. Шу тариқа республикада музей ишлари қурилиши бошланди. Князь йиғган тасвирий ва амалий санъат намуналари асосида Марказий бадий музей ташкил этилди. Бироқ бу коллекциялар музей учун камлик қилар ва ҳар хил эди. Бу ерда турли вақтда, турли йўллар билан тўпланган тасвирий санъат, графика, ҳайкалтарошлик асарлари, бадиий ишланган мебль, чинни, тунж ва амалий санъатга доир буюмлар ҳам экспозициядан жой олган эди. Бу коллекцияларнинг чекланган хусусияти янги тузум музейларига қўйилган талабларга жавоб бера олмаслиги сабабли бошқа йирик музей фондларидан экспонатлар йғилди. Музей илк ташкил этилган даврда 500 га яқин экспонат бўлса, 1923 йилга келиб уларнинг сони 2-3 баравар кўпайди. 1924 йили миллий чегараланиш ўтказилиб, Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши ўз навбатида, музей олдига миллий санъат бўлими очиш вазифасини қўйди. 1935-1939 йилларда халқ санъати намуналарини йиғиш учун Республика бўйлаб бир неча экспедициялар уюштирилди. Натижада Ўзбекистон халқ санъатининг барча томонларини кўрсатувчи ғоят нодир ва хилма-хил коллекция тўпланди, шу билан бирга жуда бой илмий материаллар йиғилди. Ўттизинчи йилларнинг охирига келиб, музейда уч мустақил бўлим - Ғарбий Европа санъати, рус санъати, Ўзбекистон тасвирий ва халқ амалий санъати бўлимлари ташкил топди. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу музей-Марказий бадиий музей сифатида 1929 йилга қадар фаолият кўрсатди. Чунки 1929 йили экспонатларга жой етишмаганлиги сабабли музей ёпилди. 1935 йили Ўзбекистон санъат музейи номи билан бошқатдан очилиб, фабрика биносидан музей учун жой ажратилди. 1941 йилдан бу музей Ўзбекистон халқлари тарихи музейига қўшиб юборилди. 1945 йили алоҳидаги музей сифатида Ўзбекистон Давлат санъат музейи номи билан аталиб, фаолият кўрсата бошлайди. Мазкур музей жуда бой экспонатлар тўпламига эга бўлди. Ибтидоий жамоа тузуми давридан то замонавий давргача бўлган тасвирий ва амалий санъатнинг ноёб намуналари, музей экспозициясидан жой олди.*

***Бухоро вилояти ўлкашунослик музейи.*** *Бухоро музейи илк бор 1922 йил ташкил этилиб, баъзи сабабларга кўра ёпилади. Бухорода қайта музей очиш таклифи Зарафшон вилояти президиуми ва эски Бухоро шаҳар қўмитаси йиғилишида илгари сурилади. Мазкур йиғилиш мазмуни 1926 йил 7 декабрда 37-сонли протаколда ўз аксини топган ва архив фонди ҳужжатларида сақланиб қолган. Йиғилишда қуйидаги мақсад вазифалар олдинга қўйилади:*

*Мукамилов Бухорода музей ташкил этиш кераклиги ва бунинг учун собиқ амир саройи Ситораи Мохи-Хоса биносини бериш кераклигини таъкидлайди:*

*а) Зарафшон вилояти марказида музей очиш зарур ва бунинг учун Ситораи Мохи-Хоса саройини бериш керак.*

*б) Мазкур саройнинг тарихий аҳамиятини ҳисобга олиб, унда*

*Бухорода меҳнаткаш халқни эзган жоҳил амирнинг кундалик ҳаётини акс эттирувчи экспозиция ташкил этиш лозим.*

*в) Музей ташкил этиш бўйича амалий иш вилоят мудири Холмурадовга топшириб, 1 ой муддат берилди.*

*г) Ситораи-Мохи-Хоса саройидан ташиб кетилган муассасалардаги, алоҳидаги шахслардаги буюмларни йиғиб олиш вазифаси Зарафшон вилояти ижроя қўмитаси ва Холмуродов зиммсига юклатилди.*

*1925-27 йилларда музейни очиш учун шу тариқа тайёргарлик ишлари олиб борилди. Бухоро комстарисининг раиси Муса Саиджанов ва илмий котиб Б.И.Дудкеевилар Бухоро музейининг ташкилотчилари эди.*

*Юқорида қайд этилган йиғилишида музей учун 2 та бино таклиф этилади, бири Ситораи-Мохи-Хоса, иккинчиси Кўкалдош мадрасаси. XVI асрга мансуб Кўкалдош мадрасаси жуда ноқулай бўлсада, музей учун айнан шу бино ажратилади. Экспозиция мадраса ҳовлисидаги олтита кичик хонага жойлаштирилади. Бинолар зарур талабларга жавоб бермас, хона шифтлари, паст, сатҳи кичик эди. Музейнинг дастлабки экспозицияси археология, этнография ва зоология бўлимларидан иборат бўлиб, уларда мингдан зиёд буюмлар бўлган. Халқ маорифи томонидан берилган материаллар ва шунингдек, қисман музей томонидан йиғилган, ҳамда сотиб олинган буюмлар бўрилажак экспозиция учун асос бўлиб хизмат қилди.*

*Экспозициянинг биринчи бўлимида, Бухоро округи қадимий обидаларнинг фотосуратлари, Сайфуддин Бохарзий (XIV аср) қабрига қўйилган ёғоч сағана, Баҳовиддиндаги амирлар сағанасидан олиб келиниб, бадиий ишлов берилган иккита қабиртоши, Бухоро ва Самарқанд меъморий обидаларининг сирли кошинларидан лавҳалар, Афросиёбдан топилган оссуарий бўлаклари ва сирли идиш парчалари намойиш этилган эди.*

*Этнография бўлимида қадимий шарқ қуроллари, чолғу асбоблари, ёзув анжомлари, от-улов аслаҳалари, кийим- бошлар, Китоб, Хисор, Қарши, Бухоро, Нурота чопонлари, заргарлик ва каштачилик буюмлари ва ҳакозалар*

*йиғилган. Шунингдек нумизматика бўлимида қадимий тангалардан то совет давригача бўлган қоғоз пуллар намойиш қилинган.*

*Зоология бўлими экспонатларининг сони камроқ бўлиб, тўқсонга яқин маҳаллий фауна вакилларининг нусхалари бўлган.*

*Бухоро Давлат музейининг 1935 йил 1 январдан 1 июлгача бўлган ҳисоботларидан бирида шундай дейилган: «Иш жараёни жуда ноқулай шароитда олиб борилмоқда. Бунга сабаб музей XVI асрда қурилган эски Кўкалдош мадрасасига жойлашган бўлиб, бу бино музей учун умуман яроқсиз».*

*Музей ходимлари шундай оғир шароитда ишлаган бўлсаларда илмий сафарлар ташкил этишган, илмий муассасалар билан алоқа боғлаб, музей учун экспонат йиғилган. Масалан: 1934 йилнинг биринчи ярмида музейнинг илмий ходими Гончарова Москва ва Ленинградга икки ойга юборилган. Музей ходими у ерда марказий музейлар фаолияти билан танишган, фондларни ҳисобга олиш, сақлаш, экспозиция тузиш ишларини ўрганган. Шу йилнинг иккинчи ярмида эса Тошкент ва Самарқанд музейлари билан танишиб, экспонат йиғиш учун яна учта бўлим бошлиқлари юборилган.*

*Музейга бир йил мабойнида 29722 томошабин келган, шулардан 19253 таси маҳаллий аҳоли эди.*

*Бухоро амирининг собиқ ёзги резиденцияси Ситораи-Мохи-Хосада алоҳида музей очиш хам кўзда тутилади. Мазкур масаланинг муҳимлигини назарда тутиб, Ўзбекистон ҳукумати Ситораи-Мохи-Хоса саройини Бухарстарис ихтиёрига топширади. Саройда «Амирлар сўнгги сулоласининг турмуши» деб аталган 3 бўлимдан иборат экспозиция ташкил этилди. Бундан оммага ғоявий таъсир ўтказишда фойдаланиш мумкин эди. Аммо музей ихтисоси ўз мазмунига муносиб эмас эди. Зарафшон вилоят ўлкашунослик музейи ва ундаги «Амирлар сўнгги сулоласининг турмуши» филиалининг дастлабки экспозицияси кўплаб жиддий нуқсонларга эга бўлиб, тарихий-тематик принципда ёндашилмаган эди.*

*Музейда ўлкашунослик ихтисослиги 1945 йили шаҳарнинг қадимий меморий обидаси-Аркка кўчирилганидан сўнг тўла шакилланади. Бу бино 300 йил давомида Бухоро ҳукумдорларининг резиденцияси вазифасини ўтаган. 1948 йили Ситораи-Мохи-Хоса филиалида тарихий-маиший бўлими амалий санъат бўлимига айлантирилади.*

*1955 йили Бухоро Амирининг собиқ зиндонида –музей бурчаги очилади. 1969 йили музей Ўлкашунослик ихтисослигидаги музейга айлантирилади ва табиат, тарих ва тасвирий саньат бўлимларига ажратилади. 1980 йилларгача музей суст ривожланади. (20-23-илл).*

*Мустақиллик даврида мазкур музей ўз фаолиятини, экспозицион концепциясини ўзгартириб, замон талабларига мос экспозициялар яратилади.*

***Тошкент Табиат музейи.** Тошкент Табиат музейи Тошкентнинг эски шаҳрида 1926 йилнинг 1 январида очилди. Мазкур музей 1921 йилнинг 1*

*майидан бошлаб Тошкентнинг эски шаҳар қисмида иш олиб борган Эски шаҳар музейи асосида ташкил этилади. У қишлоқ хўжалиги йўналишида бўлиб, республикада биринчи тармоқ музей ҳисобланар эди. Биринчи ўзбек музей тўғрисидаги низом, 1925 йилнинг 20 февралида Ўрта Осиё комстарис томонидан тасдиқланди. Қишлоқ хўжалигини ва ўлка қишлоқ хўжалик кооперацияларини, шунингдек бевосита ана шу масалаларга оид қолган барча масалаларни қамраш мақсадида музей гербарийлар, уруғлар, қайта ишланган озуқалар, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий тажрибалар натижасида ҳосил бўлган материалларни тўплаш, сотиб олишни кўзда тутган эди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги меҳнат қуроллари, машиналарининг моделлари ҳам тўпланган эди.*

*Музей қуйидаги бўлимлардан иборат бўлган:Қишлоқ хўжалигига карашли барча соҳалар; Ҳунармандчилик саноати бўлими; Умумий таълим характеридаги табиат тарихи бўлими.*

*Музей коллекцияларини қишлоқ хўжалик кўргазмаларидан олинган бир қисм экспонатлар, муассаса ва ташкилотлардан олинган, ўлка қишлоқ хўжалиги ҳамда илмий саноатига оид материаллардан ташкил этар эди. 1926 йилга келиб музейда икки мингга яқин экспонат мавжуд бўлиб, уларнинг асосий қисмини ноёб буюмлар ташкил этар эди. 1930 йили Ўрта Осиё бош музейининг зообоғи, геология, география, ботаника, зоология, антропология бўлимлари ва Биринчи ўзбек қишлоқ хўжалиги музейи Ўрта Осиё табиати ва ишлаб чиқариш кучлари музейига айлантирилади. 1935 йилдан эса умумий табиат ихтисослигидаги Ўзбекистон Давлат табиат музейи сифатида қайта ташкил этилади.*

*1945 йили музей Ўзбекистон Фанлар академияси муассасалари системасига ўтказилади ва “Ўзбекистон Фанлар академиясининг табиат музейи” деб аталади. 1963 йили Маданият Вазирлиги тасарруфига ўтади.*

*Экспозиция Ер сайёрасининг пайдо бўлиш жараёнларини ва бошқа Қуёш системасидаги сайёраларнинг вужудга келишини, ривожланиш эволюциасини акс эттирувчи экспозициадан бошланади. Шунингдек Ер сайёрасида хаётнинг бошланиши хақидаги экспозициалар хам мавжуд.*

*Кейинги бўлимлардаЎзбекистоннинг хайвонот ва ўсимлик дунёси намуналари , республиканинг минерал ва фойдали қазилмаларини акс эттирувчи материаллар намоиш этилган. Асосий ўринни турли хилдаги диарамалар эгаллайди ва улар жуда қизиқарли бўлиб, томошабинларни ўзига жалб қилади.*

*Мустақиллик йилларида музей янги бинога кўчирилиб, экспозицион концепциаси тубдан ўзгартирилиб, янада кўркам экспозиция яратилди.*

***Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейи.** Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейи 1924 йили қишлоқ хўжалиги кўргазмаси асосида ташкил этилади(35-илл.). Музей биноси учун собиқ Қўқон хони Худоёрхоннинг саройи ажратилади. Мазкур бино 1871 йили қўрилган бўлиб, ҳам ноёб тарихий меъморий обида, ҳам музей вазифасини ўтайди. Сарой қурилишида иштирок*

*этган усталарнинг номлари ҳам сақланиб қолган. Усто Абдулло, Исавой Могум, Мулло Ахмат Домулло, Мир-Убайдулла, Фозил-Хўжалар шулар жумласидандир.*

*Музей экспозицияси йил сайин илмий ходимлар ташаббуси билан тўлдириб борилди. Экспонатлар миқдори 1937 йилгача 1040 та бўлса, 1940 йилга келиб уларнинг сони 5487 то гача етказилди. Экспозицияга қўйилган экспонатлар сони 1939 йили 1401 та бўлса, 1940 йили 2337 та экспонатдан иборат эди.*

*Барча ўлкашунослик ихтисослигидаги музейлар сингари, Қўқон ўлкашунослик музейи экспозицияси ҳам қадимги Қўқон тарихини ёритиб берувчи экспозицион материаллардан иборат эди. Шунингдек чор Россияси босиб олгандан кейинги ўзгаришлар, яъни янги биноларнинг, темир йўлларнинг қурилиши, 1906 йили биринчи поезднинг келиши ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд бўлган. Инқилобдан кейинги давр сиёсатига оид экспонатлар, қишлоқ хўжалиги фаолиятини, саноатдаги ривожланиш ва ўлка тарихини, флора фаунасининг турли жабҳаларини ўзида акс эттирувчи экспонатлар ҳам музей экспозициясидан жой олган эди. Тасвирий санъат асарлари учун ҳам бир бўлим ажратилган. Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейини «музей ичидаги музей» деб бежиз айтишмаган. Чунки юқорида айтиб ўтилганидек, музей биноси собиқ хон саройи бўлган. Марказий бинонинг деворлари жуда гўзал сирли кошинлар, ганч ўймакорлиги паннолари билан безатилган ва мана шу тахт турадиган залда амалий санъат намуналари ҳам экспозицияга қўйилган.*

*Макзур бино музей учун мослаштирилган бўлганлиги боис экспозицион майдон етарли эмас. Авваллари табиат, тарих, халқ амалий саньати, тасвирий саньат бўлимларидан иборат бўлган. 2001 йили март ойида музей илмий кенгашининг қарорига асосан вақтинчалик музей ёпилиб, экспозиция қайта тузилди. Давр талабига мос экспозиция яратилди.*

***Қорақалпоғистон Республикаси ўлкашунослик музейи.*** *Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бошқа қўшни вилоятлардаги каби рус олимлари ва маҳаллий аҳоли ўлка тарихини ҳар томонлама ўрганишган. Мана шу тадқиқотлар негизида 1927 йили Тўрткўл шаҳрида биринчи ўлкашунослик музейи ташкил этилади. Аммо баъзи бир сабабларга кўра унинг иши тўхтатилади ва 1929 йили музей ўз фаолиятини давом эттиради. 1938 йилгача бўлган даврда экспонатлар сони 318 та бўлиб, шулардан 300 таси экспозицияга қўйилган эди. 1940 йилга келиб эса экспонатлар миқдори 7689 тага етади ва шулардан 1000 таси экспозицияга қўйилади. Томашабинлар сони ҳам 1938 йили 7572 та бўлса, 1940 йилларда 31650 тага етди. Демак, музей илк ташкил этилгандан сўнг иш фаолияти яхши йўлга қўйилмаган, яъни 9 йилда 318 та буюм йиғилган халос. Юқоридаги рақамлар музей илмий ходимлари 1938 йилдан кейин музей фондларини бойитиш учун яхши иш олиб боришганини билиш мумкин. Музей илк ташкил этилганидан*

*унинг экспозицияси табиат, инқилобгача бўлган ўтмиш ва замонавий давр бўлимлари, шунингдек суратлар галериясидан иборат эди.*

*Кейинчалик экспозиция кенгайтирилиб, учта бўлимга ажратилади. Бринчиси ўлканинг умумий физик-географик характеристикасини очиб беради. Иккинчи бўлим ўлканинг қадимги ва инқилобдан олдинги даврини ўзида акс эттиради. Учинчи бўлимда қизил империянинг ташкил этилишига оид экзпозиция намойиш этилган эди.*

*Мустақиллик йилларида мазкур музей экспозициясининг концепцияси тубдан ўзгартирилади. Замон талабларига мослаштирилиб, янги экспозиция тузилади.*

***Андижон вилояти ўлкашунослик музейи.*** *Андижон шаҳрида 1934 йили қишлоқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси уюштирилди. Ушбу кўргазма асосида вилоят ўлкашунослик музейи ташкил этилди. 1937 йилга келиб экспонатлар сони 760 тага етади ва ҳаммаси экспозицияга қўйилди. 1940 йилга келиб эса, экспонатлар миқдори 1753 тагача етиб, шулардан 450 таси экспозицияга қўйилади. Экспонатлар орасида ибтидоий жамоа тузуми даврининг меҳнат қуроллари, рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик асарлари, фотохужжатлар ва ҳоказолар мавжуд эди. Андижон вилоят ўлкашунослик музейи 1935-41 йиллардан вилоят худудида ўтказилган илмий сафар ва экспедициялар жараёнида археология, этнография ҳамда ўлка табиий бойликлари бўйича коллекцияларни комплектлаштиради.*

*Музейнинг илмий фонди 24000 га яқин экспонатни ўз ичига олади. Уларнинг орасида рангтасвир ва графика асарлари, хайкалтарошлик намуналари, амалий санъат асарлари, 16000 га яқин фотосурат ва бошқа хужжатлар мавжуд.*

*Музей экспонатлари Андижон вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, Фаргона водийси халқларининг этнографик ўзига хосликларини, деҳқончилик, чорвачиликнинг ривожланишини, ўлканинг ресурсларини ҳар томонлама ўрганишга имконият яратади.*

***Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи.*** *Сурхондарёдаги музей ҳам қишлоқ хўжалиги кўргазмаси асосида 1933 йили ташкил этилган. Аввалига у Сурхондарё туманлараро давлат музейи деб аталган. 1935 йили вилоят музейи, 1945 йили вилоят тарих ўлкашунослик, 1964 йилдан бошлаб эса ўлкашунослик музейи деб атала бошланган.*

*1933 йили республика вилоятлари музейларини йириклаштириш мақсадида уларни қайта қуриш ишлари бошланган. Хусусан, Сурхондарё округ ижроя комитети қарори билан Термиздаги Сурхондарё туманлараро давлат музейи округи ва шаҳар аҳамиятига эга бўлган музейга айлантирилди. Шеробод тумани ўлкашунослик музейи эса унинг филиали бўлиб қолди. Шу йили музейда жонли табиат бурчаги ташкил этилиб, кейинчалик у Термиз ҳайвонот боғи сифатида музейдан ажралиб чиқди. Сурхондарё округ музейи экзпозицияси табиат, инқилобгача бўлган ўтмиши ва замонвий давр тарихи бўлимларига эга эди. Биринчи бўлимдан вилоятнинг*

*ҳайвонот ва наботот дунёси ўрин олди. Маданий воҳа зонасида ингичка толали пахтанинг турли навлари ҳамда шакар қамиш намойиш қилинди. Иккинчи бўлимда Тешиктош ва Мачай ғорларидаги археологик топилмалар, Заровутсой ва Битик Чашма девор нақшлари, рўзғор буюмлари, ҳайкалчалар, сарой деворларидаги нақш парчалари, Хонақатепа ва Хайрободтепа ҳайкалтарошлиги ва қадимги Айритом фризи фотонусхаси жойлашган эди. Учунчи бўлимда хужжатлар, суратлар орқали замонавий давр тарихи намойиш қилинган эди. Мазкур музейда 1937 йили экспонатлар сони 9816 тага етди, 1611 таси экспозицияга қўйилди. 1940 йилга келиб эса экспонатлар сони 72840 тадан иборат бўлиб, шулардан 2050 таси экспозициядан жой олди.*

***Ўзбекистон Халқ амалий санъати музейи.*** *Ўзбекистон Халқ Амалий санъат музейи 1937 йили ҳунармандлар ишлаган буюмлар кўргазмаси асосида вужудга келди(17,18,19-илл). 1938 йили музей учун подшо амалдори Половцевнинг XIX аср охирида қурилган собиқ қароргоҳи биноси ажратилди. Бу бино жуда кўркам бўлиб, меъморий ёдгорлик сифатида ҳам қараш мумкин. Бинони безашда машҳур ўзбек усталаридан Олимжон Қосимжонов, Усто Кал, Тошпўлат Арслонқулов ва бошқалар иштирок этганлар.*

*Музей экспозицияси амалий санъатнинг турларига қараб тузилган. У ерда асосан XIX-XX асрларда яратилган санъат асарлари намойиш этилади. Экспозиция билан танишув XIX асрнинг ажойиб меъморий-декаратив санъати намунаси бўлган марказий залдан бошланади. Залнн безашда ўзбек халқ усталарининг ижоди ўз аксини топган: ганч ва ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, мозайка ва ҳоказолар шулар жумласидандир.*

*Музейда кулолчилик, майда пластика, каштачилик санъати намуналари сақланади. Шунингдек Республикада ишлаб чиқарилган миллий матолардан хонатлас, беқасам, олачи, адрас кабилар ҳам экспозициядан жой олган. Музей экспонатлари кўп маротаба Польша, Ҳиндистон, АҚШ, Франция, Дания, Щвеция, Бельгия ва бошқа давлатларда бўлиб ўтган кўргазмаларда намойиш этилган. 1937 йили Парижда ўтказилган халқаро кўргазмаларда хонатлас ва беқасам яратувчи усталари олтин медалга сазовор бўлганлар ва олтин медаль билан тақдирлангани ҳақидаги Диплом ҳозирги кунда музейда сақланилмоқда. Яна шу йили Парижда ўтказилган Бутун дунё кўргазмасида каштачилик намуналари катта олтин медалга сазовор бўлган. 1939 йили Нью-Йоркдаги кўргазмада музей экспонатлари олий мукофот Диплови савриндори бўлиб, қайтган.*

*Мустақиллик йиллари музей биносининг икки томонига қўшимча бинолар қурилиб, экспозицион майдон кенгайтирилди. Музей фонди йилдан йилга ортиб, томошабинлар сони хам кўпайиб бормоқда.*

*Мазкур музей фондида амалий санъат намуналарининг жуда бой тўплами йиғилган.*

***Ўзбекистон Геология музейи.*** *Ўзбекистон Республикасининг Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг Геология музейи Республиканинг геология сохаси тизимида 1988 йили ташкил этилган.*

*Ўзбекистон Геология музейининг қурилиши 1976 йили бошланган бўлиб, қурилиш давомида илғор геолог ва мутахассисларнинг фикрлари эътиборга олиниб, лойихага қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Натижада, ўзига хос меъморий шакл ва дизайнга эга музей биноси барпо этилди. Музейнинг бешта кўргазма залида Ўзбекистондаги геология фани амалиётининг барча йўналишлари экспозициядан жой олган. Музейда ернинг планета сифатида шаклланиши ва ривожланишининг умумий фазовий ва геологик жараёнлари акс эттирилган. Мазкур музейда Ўрта Осиё ва Ўзбекистон худудининг геологик ривожланиш тарихи зали, регионал геология зали ва монографик палеонтологик коллекциялардан ташкил топган заллари мавжуд. Фойдали қазилмалар, минералогия, геокимё, қадим тоғ саноати тарихи ҳамда Дунё геологик мероси зали катта экспозицион майдонни эгаллаган ва хар томонлама мукаммал композицион ечимга эга экспозиция тузилган. Музей вестибюлида, унинг биринчи ва иккинчи қаватларида Республика геология хизматининг шаклланиш тарихи, геология фанининг ривожланиши, Ўзбекистоннинг илк геологлари, фойдали қазилма конларини очган дастлабки геологлар, устоз олимлар ҳақидаги маълумотлар берилган. Экспозицияларда намойиш этилаётган экспонатларнинг умумий сони музей омборларида сақланаётган дубликат ва алмашув жамғармасини ҳисобга олмаган холда, 32 мингдан ортиқни ташкил этади. Турфа хил тоғ жинслари, рангли, кам учрайдиган металл рудалари, номаъдан фойдали қазилмалар кўргазма қилинади. Музей витриналарида киноварь минерали, молибденит, висмут, вольфрамит кристалларини ўзида сақлаб қолган ноёб намуналар намойиш этилган. Махсус петрографик коллекция ўз ичига 300 та намунани (вулқон тоғ жинслари - 228 та, метоморфик тоғ жинслари – 46, чўкинди тоғ жинслар - 26 ) қамраб олади; минералогик коллекция эса 858 та намунадан иборат бўлиб, улар жуда нодир экспонатлар қаторига киради.*

*Геология музейининг ташкил топганига унча кўп вақт бўлмаганига қарамай , тадқиқот ишлари хамда республиканинг турли худудларида изланишлар олиб борадиган илмий ва ўқув марказига айланди.Мазкур музей, геологик ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган турли ташкилот ва муассасаларнинг музейлари устидан услубий бошқарувни амалга ошириб келмоқда.*

*Музей қошида Ўзбекистоннинг минерал хом ашё бойликларини акс эттирувчи турли хил кўргазмалар, тақдимотлар, чет эллик хамкорлар билан бирга қўшма геологик тадқиқотларни ўтказиш ва излаб топилган фойдали қазилмаларни ўзлаштириш масаласига оид учрашувлар ўтказилиб турилади.*

*Геология музейи томонидан конлар ва геологик объектларга ҳар йили ташкил этиладиган геологик маршрутлар, тадқиқот объектлари бўйича*

*кенг қамровли ахборот ва жамғармавий тош материаллари йиғишга кенг имконият яратиб беради. Музейда жамғармавий тош материлларнинг мақсадли йўналтирилган менералогик, петрографик, гиокимёвий ва бошқа хил тадқиқотлари, ноёб объектлар янги конлар бўйича текшириш, қимматбахо металлар ва ярқираматошлар хом ашёси жумладан, заргарлик буюмларига эксперт хулосаларини бериш каби ишлар амалга оширилади.*

***Алишер Навоий номли Адабиёт музейи.*** *Алишер Навоий туғилган кунининг 500 йиллиги муносабати билан 1941 йили Тошкентда Адабиёт музейи ташкил этилди.*

*“Ўзбекистон Фанлар Академиясининг адабиёт музейи хақида “ ги 1967 йилнинг 18 январидаги қарори билан Алишер Навоий номли Давлат Адабиёт музейи ташкил этилди. Бу музей учун мувофиқлаштирилган бино ҳисобланади. Музей олдида шеърият хиёбони қурилган. Хиёбон ўртасида ўзбек миллий адабиётига асос солган улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилган. Мазкур ҳиёбон композицияси меъморлар томонидан музей биноси билан уйғунлаштирилган.*

*Мухташам бинонинг уччала қаватини тўла эгаллаган янги адабий эскпозиция 1968 йили Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги байрам қилинаётган кунларда очилди. Музей биноси 4 қаватдан иборат бўлиб 1 чи қаватда маъмурий хоналар, қолган хоналарда экспозицион заллар жойлашган.*

*Иккинчи қаватдаги дастлабки залларда ХУ аср тарихий мухит хамда Соҳибқирон Амир Темур давлати ҳақида маълумот берувчи харита жойлашган.*

*Темур ва Темурийлар даври санъатини кенг миқёсда ўрганиш, хозирги замон санъат тараққиёти унинг бой анъаналаридан фойдаланиш йўлларини излаш мустақил давлатимиз ёшларини ватанпарварлик рухида тарбиялашда мухим ахамият касб этади.*

*Музей витриналарида Амир Темур хаёти ва фаолияти, унинг умр мобай ни да қилган ишлари ҳақида маълумот берувчи тарихий ва бадиий асарлар қўйилган.*

*Кейинги залларда ўзбек классик адабиёти намоёндаларининг асарлари жойлашган. Мазкур заллар ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг даври, ҳаёти ва ижоди, замондошлари фаолиятини ёритишга бағишланган. Ана шу залларда фақат Навоий ва унинг замондошлари хақидаги кўргазмаларгина намойиш этилиб қолмай, балки ХУ асрда Ўрта Осиё маданияти ва санъатининг бадиий намуналари - китобот, тасвирий санъат, хаттотлик, накқошлик, мусиқа ва меъморчилик асарлари хам кўрсатилган.*

*Зал марказига шоир ҳайкали ўрнатилган. Стендга Навоий яшаб ижод этган асосий шаҳарлар туширилган харита қўйилган. Шоир дунёга келиб,*

*вафот этган Ҳирот манзараси акс этган рангтасвир асари экспозицияга жойлаштирилган.*

*Ғоят ёрқин илмий тафаккур намоёндаларидан бири - Мирзо Улуғбекка буюк олимнинг хайкалтарошлик портрети, меъморий ёдгорликларнинг манзаралари, астрономияга доир асарлар, тарихий рисолаларнинг қўлёзма сахифалари буюк олим, мутафаккир ва шоир образини ёрқин гавдалантирилган. Уларга экспозициядан катта жой ажратилган.*

*Экспозицияда ўзининг нозик санъати, ажойиб махорати, бетакрор ижоди билан бутун жахон халқлари маданиятида унутилмас из қолдирган, улкан истеъдод эгаси, миниатюрачи рассом Камолиддин Беҳзод ҳақида ҳам экспозиция тузилган. Унда рассом Темур Саъдуллаевнинг "Бехзод устахонада", "Бехзод ва Навоий" деб номланган асарлари ҳам мавжуд. Шунингдек Беҳзод миниатюралари ҳам намойиш этилган.*

*1991 йилда мусаввир Темур Саъдуллаев қаламига мансуб бўлган деворий панно томошабин диққатини ўзига жалб этади. Бу деворий паннода шоир Алишер Навоийнинг 5 достонига бағишланган лавҳалари акс этган.*

*Музейнинг III қаватидаги залларидан бирида атоқли давлат арбоби, адиб, тарихчи Захриддин Муҳммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди кенг ёритилган.*

*Ўзбек халқ амалий санъати усталари томонидан моҳирона безатилган мазкур залнинг марказида Бобурнинг хайкали ўрнатилган. Унинг икки томонига ўймакорлик санъатига оид 8 қиррали курси қўйилган. Бобурни жаҳонга танитган "Бобурнома" асари қўлёзмасининг фотонусхаси ва ҳозирги давримиздаги нақшлари, "Аруз рисоласи ", "Мубаййин" каби асарлари ҳақида ноёб кўргазмалар ташкил қилинган.*

*1991 йили Корейс адабиётининг йирик вакили, қатағон йилларининг қурбони Чо Мин Хи мемориал хонаси очилди. Бу хонада адибнинг шахсий буюмлари, асарларидан намуналар, оилавий ҳаёти акс этган лавҳалар намойиш қилинган. Экспозиция "Ўзбек ёзувчиларининг халқаро алоқалари" мавзуи билан якунланади. Бинонинг 1У қаватида Истиқлол даври адабиёти вакиллари Абдулла Қодирий, Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Чўлпон, Фитрат, Х.Олимжон, Ойбек, Ғ.Ғулом, М.Шайхзода, Уйғун ва А. Қаҳҳорнинг ижодий фаолиятлари акс эттирилган. Ўзбек ёзувчи аёлларига махсус зал ажратилган бўлиб, экспозицияда С.Зуннунова, Зулфия, О.Хожиева, Х.Худойбердиева, Э.Охунова каби ижодкор аёлларнинг асарларидан намуналар қўйилган. 1991 йили 13 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов музей учун тарихий ахамиятга молик фармонга имзо чекди. Эндиликда музей, энг аввало ўзининг хуқуқий жихатидан мустақил илмий маърифий муассаса мақомига эга бўлди. Музейнинг ижодий жамоаси бой ўзбек адабиётимизнинг қадимги давридан шу кунгача бўлган тарихини ёритувчи экспозициялар устида қизғин иш олиб бормоқдалар.*

Бу даврдаги музейлар музей тармоқлари кенгайди, фондлари комплектлаштирилиб, экспонатлар тартибга келтирилди. «Бадиий ва тарихий ноёб буюмларни чет давлатларга олиб кетишни тақиқлаш», «Хусусий шахсларда, муассаса ва жамиятлардаги санъат асарлари ҳамда қадимий буюмларни сақлаш, рўйхатга олиш», «Санъат ва қадимий ёдгорликларни ҳисобга олиш ҳамда қайд этиш» бўйича қонунлар қабул қилинди. Музей ходимларининг малакаси оширилди. Маданий, тарихий ёдгорликлар, музей фондларидаги коллекция, тўпламлар олимлар ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб, илмий мақолалар тўпламлари, монографиялар чоп этилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда музей илмий ходимлари томонидан қатор экспедициялар ташкил этилиб, археологик объектлар ўрганилди, музей фондларини кенгайтириш мақсадида экспонатлар тўплангани қайд этилди.

Музейларга оид барча материалларни ўрганиш, уларни атрофлича умумлаштирган ҳолда таҳлил этиш республикадаги маданий қурилишнинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистонда музей ишининг шаклланиши ва тараққиёти тарихининг асосий босқичларини ёритиш имконини яратган.

Юқорида мустақиллик давридаги музейлар фаолиятини, музей ишини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини аниқлаш мақсадида совет давридаги музейларнинг ижобий ва салбий томонлари ёритилди.

Шу бўлимнинг хулосаси сифатида қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

Советлар даврида музейлар марказлашган тизим асосида бошқарилиб (уларнинг барчаси собиқ СССР бўйича Маданият вазирлиги тамонидан бошқарилган), моддий таъминоти захиралар таъминоти усулига ўтказилди.

Чор ҳукумати томонидан бошланган халқнинг моддий ва маданий бойликларини талон-торож қилиш сиёсати давом эттирилди.

Меъморий ёдгорликлар (масжид ва мадрасалар) омбор, ётоқхоналар ва бошқа нарсаларга айлантирилди, музейларнинг моддий-техникавий базаси заиф, захира ва қолдиқлар принципи асосида таъминланган.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб музейлар сиёсий-идеологик ва ғоявий-тарбиявий вазифаларни кўпроқ бажарадиган бўлишди.

XX асрнинг 30-йилларидан музейлар партия «буйруқларига биноан», кўп ҳолларда минтақавий ва миллий анъаналарга зид ҳолда партия ҳамда давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини «ҳаётга татбиқ этишини» кўрсатувчи жойларга айланди (музейларда партия сиёсатининг ҳаётга татбиқ этилгани ҳақидаги намойиш, плакатлар ва фотокўргазмалар, партия съездлари, пленумлари, турли кампаниялар, коллективлаштириш, саноатлаштириш, маданий инқилоб, коммунистик хато ғояларидан келиб чиққан турли ижтимоий муаммоларга бағишланган ва ҳ.к.).

Бу даврнинг яна бир хусусияти шундан иборат бўлдики, ўлкашунослик характеридаги музейлар сон жиҳатдан кўп бўлган. 1940 йилга келиб 12 давлат музейидан Ўзбекистонда 9 таси ўлкашунослик, 1 таси тарих, 1 та бадиий, 1 та табиат музейи бўлган.

Иккинчи Жаҳон уруши йилларида барча музейлар ва музей иши ҳам ғалабага эришиш мақсадларига йўналтирилди. Бироқ баъзи музейларнинг нодир фонди, заргарлик маҳсулотлари, нумизматик коллекциялари Мудофаа фондига олинган эди.

XX асрнинг 60–70-йилларидан бошлаб Ўзбекистонда шу тузум учун хизмат қилган шахсларга атаб ёдгорлик музейларининг очилиши ривожланиб кетади.

Советлар даврида музейларнинг ривожланишида музей ходимларининг ижобий эмас, балки давлат органларининг салбий ҳиссаси катта бўлган.

Ва ниҳоят, бундай қарама-қаршилик ва носоғлом рақобатда миллий қадриятлар, анъанавий маданият мағлуб бўлмай, барча қийинчиликларга бардош берди. Мустақиллик даврида у умуминсоний қадриятлар қаторидан жой олди.

**Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. Ўзбекистонда музейлар бўйича совет даврида олиб борилган сиёсат музей ишига қандай салбий таъсир кўрсатди?
2. Ўзбекистонда 1917-90 йилларда ташкил этилган музейлар фаолиятига таъриф беринг.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Златоустава В.И. Государственная политика в области музейного дела. (1945–1965гг.) // Музей и власть. Ч. I. Москва, 1991.
2. Культурное строительство в Туркестанской АССР (1917–1924) .Том 1. – Ташкент, 1979.
3. Миронов А.М. Художественный музей в Ташкенте / Музей и школа. Пособие для учителей. М., 1985.
4. Музееведение. Музеи исторического профиля. – Москва: Высшая школа, 1988.
5. Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А.. – Москва: Издательство «ВК», 2003.
6. Розенблюм Е.А. Художник в дизайне. – Москва: Наука, 1974.
7. Содиқова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1981.
8. ЎзР МДА, Р–394-фонд, Р–396-фонд,

# II БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ ҲАМДА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

## 1-мавзу: Мустақиллик даврида музей иши ва унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари

**Режа: 1. Мустақиллик даврида музей ишининг такомиллашуви.**
**2. «Музейлар тўғрисида»ги Қонуннинг аҳамияти.**

**1. Мустақиллик даврида музей ишининг такомиллашуви.** Ўзбекистон истиқлоли республикамиз маънавий ҳаётида янги истиқболларни очди. Хусусан, жамият ва инсон ҳаётида муҳим ўрин тутувчи музей ва музейшуносликка давлат сиёсати даражасида эътибор берилди. Ушбу қисмда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорлари, «Ўзбекмузей» ташкилотининг таъсис этилиши, «Музейлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳамда уларнинг маънавий ҳаётда, музейлар фаолияти, музейшуносликка таъсири, уларнинг илмий аҳамияти очиб берилади.

Бу масала хусусида Н.Ҳабибуллаев, Ў.Ёрмуҳаммедов, Қ.Иноятов, Д.Раҳимова ва И.Жабборов[1] кабилар вақтли матбуотда ҳамда Р.Альмеев, И.Илалов, Г.Фузаилова ва М.Хасанова, М.Бекмуродов ва М.Рашидова, Д.Курязова[2] ва бошқа мутахассислар махсус тадқиқот, ўқув қўлланма, дарсликларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Уларнинг мулоҳазалари умумлаштирилиб, мустақил Ўзбекистонда музейлар тараққиёти учун меъёрий-ҳуқуқий база яратган ҳужжатлар хронологик тартибда таҳлил этилди.

Халқимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган музейлар фаолиятини такомиллаштириш ишлари бошланди. Улар халқнинг маънавий-ахлоқий камолотида янада муҳим ўрин эгаллай бошлади. Қадриятларимизни, бой тарихимизни, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб, нодир экспонатлар билан музей экспозициялари бойитилди. Шунингдек, музейларни жаҳон стандартларига мослаштириш, жаҳонга танитиш, улардан ёшларимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, миллий ғоянинг ўрин олишига муҳим омил бўлиши, ёшларда Ватанга садоқат туйғуларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шарт-шароитлар яратиш

---

[1] Жабборов И., Раҳимова Д. Замонавий музейшуносликнинг долзарб муаммолари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2003. - № 1 (7). – Б. 10-12.; Иноятов Қ. Ватанга муҳаббат шу ерда туғилади // Мозийдан садо. – Тошкент, 1999. – № 3. – Б. 4-7.; Ҳабибуллаев Н. Ўзбек музейларининг истиқболи // Мозийдан садо. – Тошкент, 1999. – № 1-2. – Б. 12-13.; Ёрмуҳаммедов Ў. Нажотбахш қарор // Гулистон – Тошкент, 1995. – № 2. – Б. 28-29.

[2] Бекмуродов М., Рашидова М. Музейшунослик. – Тошкент: Ворис-Али, 2006. – 102 б.; Илалов И. Музееведение. – Ташкент: Мусиқа, 2006. – 357 с.; Kuryazova D.T. Muzey ishi tarixi va nazariyasi. Kasb-hunar kollejlari uchun o‘quv qo‘llanma. – Toshkent: O‘qituvchi, 2007. – 160 b.; Фузаилова Г., Хасанова М. Музееведение. – Ташкент: Фан ва технологиялар босмахонаси, 2008. - 192 с.; Альмеев Р. Бухара – город музей. – Ташкент: Фан, 1999. – 205 с.; Его же. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. – Ташкент: Г. Гулям, 2007. – 268 с.

мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги Фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжат Ўзбекистондаги музейлар фаолиятида бурилиш нуқтаси бўлиб, уларнинг тарихида янги давр бошланганини англатади.

Мустақиллик даврида музейшунослик ва музей ишига оид дастлабки махсус ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрда қабул қилинган «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарори бўлди[1]. Албатта, бу ҳужжат ўз даври учун муҳим аҳамият касб этди. Унда республика музейларининг вазифалари, истиқболлари белгилаб берилди. Жумладан, Маданият ишлари вазирлигига музейлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи идоралараро жамоатчилик кенгаши тузиш вазифаси топширилди.

Ҳужжатда Ўзбекистон музей бойликлари фонди тўғрисидаги Низомни, музейларда сақланаётган тарихий-маданий бойликларни рўйхатга олиш, жамлаш ва сақлаш тартиби тўғрисида йўриқнома ишлаб чиқиш ва тасдиқлатиш кўзда тутилди. Қарорда Ўзбекистон фуқароларини чет элларда сақланаётган тарихига оид осори-атиқалар билан таништириш ҳамда музейлардаги ноёб экспонатлар орқали тарихни ва бугунги ютуқларни кенг тарғиб этиш учун белгиланган халқаро тартиб асосида хорижий мамлакатлар музейлари билан ўзаро кўргазмалар айирбошлаш юзасидан аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши белгиланди. Ҳужжатда «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ҳисобидан мамлакатимиз музейларида сақланаётган ноёб экспонатларни жаҳон миқёсида тарғиб этишга йўналтирилган реклама маҳсулотларини мунтазам чиқариб туришни ташкил этиш топширилди. Алоҳида эътибор музейлардаги экспонатларнинг узоқ сақланишини таъминлаш, уларни таъмирлаш ва асл ҳолича сақлаб қолиш мақсадида вазирлик ҳузурида хўжалик ҳисобида иш кўрувчи, чет эл сармояларини жалб этиб, қўшма корхоналар барпо этиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи илмий ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш лозимлигига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикасидаги музейлар ишининг ягона тизимини вужудга келтириш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий ёрдам кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг марказий аппарати таркибида учта ходимдан иборат Музей ишлари бош бошқармасини тузиш кўзда тутилди. Қарорда малакали кадрлар тайёрлаш ҳам назардан четда қолмади. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Ўзистиқболстат» давлат қўмитасига 1995–1996 ўқув йилидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг талабномаси асосида олий маълумотли музейшунос мутахассислар тайёрлаш бўйича тегишли ўринлар ажратиш топширилди.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрда қабул қилинган «Республика музейлар фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 1994 йил 24 декабрь.

Қарорнинг 2-иловасида 1995–1997 йиллари «Ўзбекистон давлат санъат музейи» (Тошкент)[1], «Ўзбекистон санъати ва маданияти давлат музей»ларини (Самарқанд) таъмирлаш, «Ўзбекистон давлат табиат музейи» ва унинг фондлари учун янги иншоот бунёд этиш кўзда тутилди. Режалаштирилган ишлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши кўрсатилди. Иншоотларни замонавий жиҳозлашга зарур бўлган техника воситаларини сотиб олиш учун ҳам маблағ ажратиш белгиланди. Бугунги кунда юқоридаги ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, ўз ҳудудларидаги музейлар ишини такомиллаштириш, уларни таъмирлаш ва янгиларини қуриш бўйича тегишли чора-тадбирларни белгилашлари кераклиги таъкидланди. Мамлакат музейларида сақланаётган ва сақланиши лозим бўлган нодир ашёларни қайта рўйхатдан ўтказиш топширилди. Чет элларга кўргазма учун олиб чиқиб кетилмайдиган ноёб осори-антиқалар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига киритилиши лозимлиги уқтирилди. Шунингдек, мутасадди вазирликларга хорижий мамлакатларда кўргазмалар ўтказиш тартибини, Ўзбекистон музейлари фондидан ноёб экспонатларни олиб бориш меъёрларини ишлаб чиқиб, биргаликда тасдиқлаш буюрилди. Ноёб экспонатларнинг дахлсиз сақланишини ва республикамизга қайтариб олиб келишни таъминлашга алоҳида эътибор бериш ҳамда музейларнинг раҳбарлари ва бошқа тегишли мансабдор шахсларнинг жавобгарлик даражаси назарда тутилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Ушбу ҳужжат эндигина мустақилликка эришган ёш давлатнинг музейшунослик ва музей ишига катта эътибори тимсолидир. Ҳозирги кунда тарихий дурдоналарни асраб-авайлаш, ўтмиш осори-атиқаларини, нодир қўлёзмаларни илмий жиҳатдан ўрганиш ҳар тарафлама тадқиқ этилишига жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони музейлар мақомини юксалтиришга қаратилгани билан қимматлидир.

Ушбу Фармонда Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган музейлар тизимини янада такомиллаштириш, уларни халқнинг маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини юксалтириш, музей фондларида сақланиб келинаётган халқимизнинг бой тарихини, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб, нодир экспонатларни авайлаб-асраш лозимлиги таъкидланди. Уларни ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб этиш, халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш лозимлиги кўрсатилди. Музейларни замон талабларига мос юқори малакали

---

[1] Музейнинг XX аср 30-йилларида ташкил топиши ва фаолияти ҳақида архив маълумотлари ҳам мавжуд. Қаранг: ЎзР МДА, Р–94-фонд, 5-рўйхат, 1805-иш, 1-варақ.

мутахассислар билан таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, жаҳон музейшунослигининг энг илғор тажрибаларини қўллаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш лозимлиги таъкидланди[1].

Фармоннинг биринчи бандида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва тегишли идораларга мавжуд барча турдаги музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, зарур илмий-услубий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилиши кўзда тутилди.

«Ўзбекмузей» унинг бўлим ва корхоналари, музейларнинг асосий ва қўшимча фаолиятидан олинадиган даромадлари беш йил муддатга барча солиқлардан, божхона ва бошқа тўловлардан озод этилиши кўзда тутилган. Солиқдан озод этилиши натижасида йиғилган маблағларни соҳани янада ривожлантиришга, унинг моддий-техника негизини мустаҳкамлашга, ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш ишларига сарфланиши назарда тутилган. Турли ташкилот ва ҳомийларнинг даромаддан тўлайдиган солиқ бўйича базаси уларнинг музейлар фаолиятини яхшилаш учун ўтказадиган пул маблағлари миқдорига монанд қисқартирилиши белгилаб қўйилган.

Музей ишининг янги босқичидаги «Ўзбекмузей» фаолиятининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида қуйидагича белгиланди:

- музейларда ўзбек халқининг бой маданий мероси, унинг инсоният тарихидаги ўрни, тараққиёт босқичларини ҳаққоний акс эттириш ҳамда замонавий ривожланиш истиқболларини чуқур ўрганиб, миллий мустақиллик ғояларига мос экспозициялар яратиш, музейшуносликда умуммиллий сиёсатнинг амалга оширилишини таъминлаш;

- мамлакатимиз фуқароларини чет элларда сақланаётган осори-атиқалар билан кенг таништириш ҳамда музейлардаги ноёб экспонатлар орқали халқ онгида умумбашарий қадриятларга, улкан ва бой миллий – маданий меросимизга ҳурмат-эҳтиром, Ватанимизнинг буюк келажагига комил ишонч туйғуларини тарбиялаш;

- музейшунослик соҳасида халқаро алоқаларни, ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш. Ўзбекистонда ва хорижда кенг кўргазма фаолияти орқали мамлакатимизнинг бой тарихи, бугунги ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш. Музейларда сақланаётган ноёб экспонатларни жаҳон миқёсида тарғиб этиш;

- ҳудудий идоравий бўйсунишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, музей фаолияти билан шуғулланувчи барча ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш, илмий муассасаларни музейшуносликни ривожлантиришда фаол иштирок этишга жалб қилиш;

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони. 1998 йил 12 январь // Халқ сўзи, 1998 йил 13 январь.

- музейшуносликка замонавий техник воситаларни татбиқ этиш, улардан самарали фойдаланишга оид дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга кўмаклашиш[1].

Фармонда яна бир муҳим масалага алоҳида эътибор қаратилдики, бу осори-атиқаларни муҳофаза қилиш билан боғлиқдир. Ноёб маданий бойликларни асраш, мамлакатдан олиб чиқиш, мамлакатга олиб кириш ва бошқа масалалар билан боғлиқ бутун масъулият Ўзбекистон Республикасидаги Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати зиммасига юклатилди.

Кейинги бандида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Бадиий академия ва Давлат матбуот қўмитаси мамлакатимиз аҳолисининг музейшунослик маданиятини ошириш, уларни меросимиз ва қадриятларимиздан хабардор қилиб бориш ҳамда мутахассислар музей ходимларининг музейшунослик бўйича илмий ишларини чоп этиш, бу соҳадаги ютуқларни тарғиб қилиш, музей ходимларининг касбий малакасини ошириш мақсадида уч ойда бир марта чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли «Мозийдан садо» журналини таъсис этиш топширилди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда етакчи музей ва қўриқхоналарни ўз ичига олган махсус халқаро туристик йўналишлар (турлар) ташкил этиш, уларга хорижий сайёҳларни жалб этиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги ҳам ушбу Фармонда таъкидланган. Фармон сўнгида Вазирлар Маҳкамасига унинг бажарилишини таъминлаш юзасидан тегишли Қарор қабул қилиш топширилган.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонини ҳеч муболағасиз Ўзбекистонда музейшунослик ва музей ишида, унинг ривожланиш истиқболларини белгилашда дастуруламал ҳужжат эканлигини таъкидламоқ лозим. Ҳолбуки, музейшунослик ва музей иши тарихини ўрганар эканмиз, Россия империяси, советлар даврида ҳам бу каби кенг қамровли ҳужжат бўлмаганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Фармонда соҳанинг барча жиҳатлари ва уларни такомиллаштириш ишлари кўрсатиб берилган.

Ушбу Фармоннинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 мартдаги «Музейлар фаолиятини тубдан қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги қарори чиқди[2]. Мазкур қарорга биноан музей ишларини яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони. 1998 йил 12 январь // Халқ сўзи, 1998 йил 13 январь.

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 мартда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 1998 йил 15 март.

**2. «Музейлар тўғрисида»ги Қонуннинг аҳамияти.** 2008 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди[1]. Ушбу Қонуннинг мақсади музейларнинг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонун 8 боб, 36 моддадан иборат бўлиб, 1- бобда умумий қоидалар, яъни Қонуннинг мақсади, музейлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, асосий тушунчалар ўз ифодасини топган. 2-бобда Музейларни бошқариш, *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг музейларни бошқариш соҳасидаги ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг музейларни бошқариш соҳасидаги ваколатлари, Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг музейларни бошқариш соҳасидаги ваколатлари ўз аксини топган. 3-бобда Миллий музей фонди, Миллий музей фондининг таркиби, Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фонди таркибига киритиш , Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фонди таркибидан чиқариш, Миллий музей фондининг Давлат каталогини юритиш, Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш, Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларининг фуқоролик муомаласи хусусиятлари, Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари бўлган мулк шакллари ёритилган. 4-бобда Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми, Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркиби, Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини тасарруфдан чиқариш, Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми холати устидан давлат назорати хақидаги масалалар қамраб олинган. 5-бобда Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми, Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркиби, Музей ашёларини ва музей коллекцияларини Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритиш, Музей ашёлари ва музей коллекцияларини Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибидан чиқариш, Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини ҳисобга олиш ҳамда сақлаш, Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми ҳолати устидан давлат назорати, Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисм таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларига оид битимлар; 6-бобда Музейларни ташкил этиш, Музейларни ташкил этиш мақсадлари, Музейларни ташкил этиш шартлари, Музейларнинг турлари ва тоифалари, Музейларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби, Музейларни молиялаштириш, Музейларга бериладиган имтиёзлар, Музейларнинг халқаро ҳамкорлиг; 7-*

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонуни. 2008 йил 12 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 37–38-сон. – Б. 12-20.

*бобда Миллий музей фондининг очиқлигини таъминлаш, Музей ашёлари ва музей коллекцияларини кииб кўриш, Музей ашёлари ва музей коллекцияларини эълон қилишкабилар ўз аксини топган.* Миллий музей фонди, Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларининг фуқаролик муомаласи хусусиятлари, Миллий музей фондининг давлатга тегишли қисми, Миллий музей фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми, музейларни ташкил этиш, Миллий музей фондининг очиқлигини таъминлаш ҳамда якунловчи қоидалар ўз аксини топган. Мазкур Қонун юзасидан қатор лойиҳалар ишлаб чиқиб, муҳокама учун бир неча вазирликка тақдим этилди.

Ҳукумат томонидан музей ишларини яхшилашга йўналтирилган фармон, қонун, қарорлар бугунги кунда музейлар ҳаётига татбиқ этилмоқда.

Мустақиллик даврида музей иши ва унинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ ва таҳлил этиш натижасида қуйидагилар аниқланди:

- Ўзбекистонда музейлар ва музей ишига давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1998 йил 12 январдаги Фармонига кўра, музейлар томонидан ўз фаолияти такомиллашувини жаҳон андозаларига мослаб, илмий концепция ва дастурлар ишлаб чиқилгани кузатилди.

- Музей тармоқларининг истиқболи белгиланиб, Ўзбекистон Республикаси тарихи учун муҳим илмий ва тарихий аҳамиятга эга ёдгорликларни янгилаш; замонавий экспозиция ва кўргазмаларни очиш; археологик, этнографик экспонатларни таъмирлаш; нашр этиш фаолиятини кенгайтириш, жумладан, илмий тўпламлар ҳамда қўриқхона шаҳарлар ва улардаги ёдгорликларнинг йўл кўрсаткичини тайёрлаш каби ишлар амалга оширилгани аниқланди.

- Музейлар ва музей ишининг янги ҳуқуқий базаси яратилиши янги кадрлар ва мутахассислар билан мазкур соҳани таъминлаш учун замин яратди.

- «Ўзбекмузей» жамғармасининг таъсис этилиши, барча музейлар фаолиятини бир тизимга, миллий ғоя ва қадриятлар руҳи асосида экспозицияларни қайта кўриб чиқиш, музейларни замонавий техник воситалар билан таъминлаш, биноларни таъмирлаш, экспонатлар тўғрисида каталоглар яратишга хизмат қилгани кўрсатилди.

- Мустақиллик даврида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонуни мамлакатда музейлар ишининг асосий йўналишини аниқлаб, унинг истиқболини белгилаб берди.

**Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. Мустақиллик даврида музей ишининг такомиллашуви Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов қайси фармонига асосан амалга оширилди?

2.«Музейлар тўғрисида»ги Қонунда нималарга жиддий эътибор қаратилди?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Альмеев Р. Бухара – город музей. – Ташкент: Фан, 1999.; Его же. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. – Ташкент: Г. Гулям, 2007.

2. Бекмуродов М., Рашидова М. Музейшунослик. – Тошкент: Ворис-Али, 2006.

3.Ёрмуҳаммедов Ў. Нажотбахш қарор // Гулистон – Тошкент, 1995. – № 2.

4.Жабборов И., Раҳимова Д. Замонавий музейшуносликнинг долзарб муаммолари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2003. - № 1 (7).

5.Иноятов Қ. Ватанга муҳаббат шу ерда туғилади // Мозийдан садо. – Тошкент, 1999. – № 3.

6.Илалов И. Музееведение. – Ташкент: Мусиқа, 2006.

7.Kuryazova D.T. Muzey ishi tarixi va nazariyasi. Kasb-hunar kollejlari uchun o‘quv qo‘llanma. – Toshkent: O‘qituvchi, 2007.

9.Фузаилова Г., Хасанова М. Музееведение. – Ташкент: Фан ва технологиялар босмахонаси, 2008.

10.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрда қабул қилинган «Республика музейлар фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 1994 йил 24 декабрь

11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони. 1998 йил 12 январь // Халқ сўзи, 1998 йил 13 январь.

12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони. 1998 йил 12 январь // Халқ сўзи, 1998 йил 13 январь.

13.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 мартда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 1998 йил 15 март.

14.Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонуни. 2008 йил 12 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 37–38-сон.

15.Ҳабибуллаев Н. Ўзбек музейларининг истиқболи // Мозийдан садо. – Тошкент, 1999.

# III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МУЗЕЙЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ, ИСТИҚБОЛИ ҲАМДА МУЗЕЙШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

## 1-мавзу: Ўзбекистонда янги музейларнинг тараққиёти ва аҳамияти

**Режа: 1. XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида музей соҳасидаги ўзгаришлар.**
**2. Ўзбекистонда янги ташкил этилган музейларнинг фаолияти.**

**1. XX асрнинг охири XX асрнинг бошларида музей соҳасидаги ўзгаришлар.** XX асрнинг 80-йиллари бугунги кунга келиб тарихга айланди. Музей ишида муҳим босқич 1990 йилларда Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганидан бошланиб, ҳозирда ўзининг юксак тараққиёт даврига ўтди.

1990 йиллардаги янги тарихий шароит Ўзбекистондаги тарих ва ўлкашунослик музейлари учун улкан имкониятлар ва ёрқин истиқболлар яратди. Айни пайтда музейлар ўзининг жамиятдаги юқори ижтимоий мавқеини сақлаб қолишга, вужудга келган вазиятга маълум даражада мослашувини ҳам намоён этди. Бугунги кунда барча қийинчиликлар ортда қолди, дейиш мумкин. Энг муҳими, маданий меросни муҳофаза қилиш давлатнинг, қолаверса шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг диққат марказида эканлигини таъкидлаш жоиз.

Музейларга нисбатан жамиятдаги эҳтиёж унга кирувчилар сонининг ошиб бориши билан белгиланади. Бу кўрсаткич 1990 йилларда кескин камайиб, XX асрнинг охирларидан аста-секин ўса бошлади. Олимларнинг ёзишича, музейлар фаолиятини мураккаблаштирган нарса XX асрнинг 90-йилларида ҳам жамиятда кўпчилик аҳоли қабул қилган муҳим қадриятлар тизимининг шаклланмаганлиги эди. Коммунистик мафкура ва совет турмуш тарзининг тарғиботи мустақиллик йилларидан демократик қадриятларга асосланган очиқ жамият томон йўналиш билан алмашди. Музейлар босиб ўтган тарихий йўл унинг воситасида кўплаб маданий ва ижтимоий муаммоларни ечиш мумкинлигини тасдиқламоқда. Буни англаган музей илмий ходимлари ўз зиммаларига фақат музей иши, фаолияти учун масъулиятни олибгина қолмай, балки шаҳар, вилоят, қолаверса мамлакат миқёсидаги ижтимоий-маданий, маърифий муаммоларни ҳал этишда ҳам фаол иштирок этишга тайёрдирлар.

Музейлар фаолиятининг янги йўналишлари уларнинг жамиятга таъсирини сезиларли кенгайтириб, бу жараён назарий музейшуносликда коммуникацион ёндашувнинг шаклланиши ва тараққиёти, экомузеология, музей-педагогик тадқиқотлари, музей фаолияти, маданий-маърифий ва экспозиция-кўргазмаларда, янги технологиялардан музей ишининг барча йўналишларида фойдаланилишида акс этади. Музей иши ва музейшунослик билимлари, унинг кейинги тараққиёти музейлар ҳамда жамият

ҳамкорлигидаги ҳаракатлари янада унумлироқ бўлишини таъминлаши шубҳасиз. Музейларнинг маълум қисмини турли бошқармаларнинг музейлари ташкил этади. Уларнинг айримлари давлат, бошқалари эса хусусий ёки жамоа музейларига айланган. Бошқарма музейларининг деярли кўпчилиги мутахассислар учун ташкил этилган. Бу турдаги музейлар «ёпиқ» муассасалар бўлса-да, уларнинг кўпчилиги молиявий жиҳатдан яхши таъминланган. Баъзида бу хилдаги айрим музейлар ўсиб жамият учун очилади, уларда ҳам бошқалардаги каби музей коммуникатив муаммолари, кирувчилар билан ўзаро муносабат, кўргазмалар савияси муҳим аҳамият касб эта бошлайди. Бошқарма музейларига норматив ҳужжатларни мувофиқлаштириш, ходимлар тайёрлаш, коллекцияларни сақлаш муаммолари долзарб бўлиб қолмоқда.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида мамлакат музейлари «қиёфаси» нисбатан ўзгаради. Айрим ўзгаришлар музей ишига янги ташқи таъсир, хорижий музейлар билан алоқаларнинг фаоллашуви билан изоҳланса, бошқалари музей ишининг ички мантиқий тараққиёти билан белгиланади. Халқаро музейлар ташкилотининг (ИКОМ) маълумотларига қараганда, жаҳон музейларининг 90 фоизи сўнгги эллик йилда бунёд этилган.

**2. Ўзбекистонда янги ташкил этилган музейларнинг фаолияти.** Бугунги кунда музейлар сонининг ўсиши умумжаҳон жараён бўлиб, ҳар беш йилда улар 10 фоизга кўпайиб бормоқда. Фақат мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўндан зиёд музейларнинг, хусусан Темурийлар тарихи давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Термиз Археология музейи, Олимпия шон-шуҳрати ва бошқа музейларнинг ташкил этилиши ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги доирасида 88 та музей мавжуд бўлиб, шулардан 43 таси тарих ва ўлкашунослик ихтисослигидаги музейлардир. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тасарруфида тўртта музей бўлиб, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейлари шулар жумласидандир. Булардан ташқари маълум муаммо, мавзу, иншоот ёки жараённи ифода этувчи музейлар сони ҳам тобора кўпайиб бормоқда.

1990 йилларнинг бошида Ўзбекистонда жамоатчилик музейлари кескин камайди. Аммо бугунга келиб, бу музейларнинг баъзилари қайта тикланиб, концепцияси тубдан ўзгартирилди. Уларда фаолият олиб бораётган ходимлар ўзларининг касбий маҳоратларини ошириш учун давлат музейлари ходимлари қаторида малакаларини ошириш билан шуғулланишмоқда. Айрим жамоатчилик музейлари аввалгидек ўз фаолиятини кенгайтириб, давлат музейи статусини олмоқда. Яна бир ўзига хос хусусият айрим жамоатчилик музейларининг «давлат муассасасига айланиши» эмас, балки ўзининг мақомини сақлаб, кучли ва эътиборли музейга айланиш ҳаракатидир. Масалан, қадимий Самарқанд шаҳрида МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари

орасида ягона ҳисобланган музей жойлашган. Бу Халқаро тинчлик ва бирдамлик музейи бўлиб, жамоат ташкилоти ҳисобланади[1]. У мустақиллик даврида Самарқанд шаҳридаги «Эсперанто» миллатлараро дўстлик клуби аъзолари томонидан ташкил этилган. «Халқ дипломатияси»нинг турли хил нодир кўргазмалари орасида «Жаҳон дастхати» лойиҳаси алоҳида ўрин тутади. Бу лойиҳа замонамизнинг машҳур шахслари – давлат ва жамоат арбоблари, Нобель мукофоти соҳиблари, эстрада ва ТВ юлдузлари, фазогирлар ҳамда спортчилар дастхатлари туширилган расмлар, шахсий тилаклари битилган хатлар ва асарларидан иборат тўпламдир. Бугунги кунга келиб ушбу лойиҳа доирасида мингдан зиёд экспонатлар жамланган. Лойиҳанинг асосий мақсади машҳур замондошларимиз орасида алоқа кўприги яратишдир. Дунёнинг турли давлатларидан 125 нафар Нобель мукофоти соҳиблари «Жаҳон дастхати» лойиҳасида иштирок этишди. Ўз мактубларида улар қийин шароитларда мустақил демократик давлат шакллантираётган ҳамда умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида бирдамлик билан ҳаракат қилаётган Ўзбекистон халқини қўллаб-қувватламоқдалар. Лойиҳа иштирокчиларининг барчаси физика, химия, тиббиёт, адабиёт, тинчликпарварлик ҳамда иқтисодиёт соҳаларида эришган ютуқлари учун юқори мукофотлар билан тақдирланганлар. Адабиёт соҳасида Нобель мукофоти лауреати Вислава Шимбарека музейга дастхати туширилган еттита китобни совға қилган.

Даврнинг ўзига хослиги хусусий музейларнинг пайдо бўлишидир. Музей амалиётида ўнлаб йиллар тақиқланган бу хилдаги муассасалар 1980 йиллар охири – 1990 йиллар бошидан тикланиб тараққий этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатдаги қатор қадимги шаҳарлар ўзининг 2500, 2700 йиллик юбилей тантаналарини ўтказди. ЮНЕСКО қарори билан Хива, Бухоро[2] ва Термизнинг 2500 йиллиги, Шаҳрисабз, Қаршининг 2700 йиллигини нишонлаш, ушбу шаҳарлардаги тарихий обидаларни тиклаш, реставрация қилиш қаторида, у ерлардаги музей ишининг тубдан яхшиланишига, коллекцияларининг янги археологик тадқиқотлар орқали тўлдирилишига имкон берди[3]. Улардан бири Термиз археология музейи 2001 йилнинг 24 октябрида ташкил этилиб, ўз фаолиятини 2002 йил 2 апрелдан бошлаган.

Термиз археология музейи Ўрта Осиёдаги ягона археология музейи ҳисобланади. Ушбу замонавий иншоот шарқона меъморчилик услубида қурилган бўлиб, кириш зали, 9 та асосий зал ва устунлар билан безатилган галереядан иборат. Кириш залида турли тарихий даврларга тегишли тош ва гипсдан ишланган ҳайкаллар, тош ҳовуз ва катта ҳажмдаги сопол хумлар жой олган. Шу ернинг ўзида воҳа тарихининг турли даврларига тааллуқли 20 та

---

[1] Йонесов А. Международный музей мира и солидарности // Мозийдан садо. – Ташкент, 2005. – №4 (28). – С. 12.

[2] Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 302 с.

[3] Хушваков Н. Шаҳрисабз тарих музейи // Мозийдан садо. – Тошкент, 2006. – № 2 (30). – Б. 12-14.

археологик иншоот белгиланган рельефли харита мавжуд. 9 та асосий залда Сурхондарё вилояти ҳудудидан топилган энг қадимги одамларнинг тош қуролларидан тортиб, моҳир усталар қўли билан яратилган санъат асарларигача бўлган экспонатлар хронологик тартибда (мил.ав.100 минг. йилликдан XX асрнинг бошларигача) жойлаштирилган. Музей фондларида вилоятнинг моддий ва маънавий маданиятига оид 27000 дан ортиқ ашёлар сақланади.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда яна бир тарихий музей – Қатағон қурбонлари хотираси музейи очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, мустабид совет тузуми даврида қатағон этилган фидойи ватандошларимизнинг хотирасини абадийлаштиришга қаратилган[1]. Ушбу Фармоннинг 5-бандида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини ташкил этиш тўғрисида ёзилган. Мазкур музей 2002 йил 8 ноябрда ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасининг Фанлар академияси таркибига киритилди[2]. Музейнинг иккинчи босқичи Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида қуриб битказилди. Музей биноси қайта бунёд этилиб, экспозициялари янги ғоялар асосида кенгайтирилди.

Қатағон қурбонлари хотираси музейининг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат: қатағончилик сиёсатининг пайдо бўлиш сабаблари ва оқибатларини тадқиқ этиш ва уни мамлакатимиз тарихининг таркибий қисми сифатида акс эттириш; қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, уларни ёд этиш билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирларни амалага ошириш ва тарғиб этиш, музей захиралари ва экспозицияларини мамлакат ҳамда хориждаги турли ҳужжатлар ва бошқа экспонатлар билан мунтазам равишда бойитиб бориш кабилар шулар жумласидандир.

Музей Тошкент шаҳрининг кўркам манзарали жойида қад кўтарган бўлиб, иккита тўртбурчак шаклидаги бинодан иборат. Атрофларига ўйма нақшлар билан безатилган устунлар ўрнатилган ва эшикларига ҳам ўйма нақшлар ишланган. Устки қисми ҳам икки гумбаз билан ёпилган. Интерьери шарқона услубда бой безатилган.

Музейнинг биринчи гумбазли биносига кираверишдаги чап томонда, чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиш жараёнлари кўрсатилган. Чор Россияси мустамлакачилиги давридаги халқ қўзғалонлари иштирокчиларининг қандай жазоланганликларини акс эттирувчи экспозиция намойиш этилган. Давлат тепасига қизил империя мустамлакачилари

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майда қабул қилинган «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 2001 йил 2 май.
[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 8 ноябрда қабул қилинган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 2002 йил 9 ноябрь.

келгандан сўнг, маҳаллий аҳолининг аҳволи янада оғирлашганлигини, кейинги стендда кўриш мумкин. 1930 йилларда бегуноҳ шахсларнинг қатағон қилиниш жараёни ёрқин далил-исботлар билан экспозицияда кўрсатилган. Уларнинг катта қисмини олим, ёзувчи, давлат арбоби ва зиёлилари ташкил этганлиги кишини чуқур ўйга толдиради. Тоталитар тузумга қарши халқ бош кўтармаслиги учун аҳолининг зиёли кишилари, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида пешқадам фаолият кўрсатувчи қатлами қатағон қурбонларига айланган[1].Саксонинчи йилларда ҳам «Пахта иши» бўйича бегуноҳ шахслар қамоққа олинган. Бу воқеаларнинг барчаси экспозиция материалларида акс эттирилган.

Мазкур музейнинг илмий концепциясини ишлаб чиқишда, экспонатларни тўплашда ва экспозиция яратишда ўзбекистонлик барча олимлар яқиндан ёрдам берган[2].

Мустақиллик йилларида музей-қўриқхоналарга ҳам давлат томонидан эътибор кучайтирилди. Масалан, Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси 100 йилдан зиёд фаолияти давомида республиканинг йирик музей-қўриқхонасига айланди. Музейлар халқаро кенгашига 1977 йилда аъзо бўлган музей-қўриқхона фаол халқаро фаолият олиб бормоқда. Унинг ходимлари Музейлар халқаро кенгаши дастури бўйича Франция, Германия, Нидерландия, Перу, Россия, Украина, Латвия, Қозоғистон каби мамлакатларда бўлиб ўтган анжуманларда қатнашдилар. Ўз навбатида 1981 йили Самарқанд Музейлар халқаро кенгашининг регионал конференцияси қатнашчиларини қабул қилди.

Музей-қўриқхонанинг халқаро алоқалари Ўзбекистон мустақиллиги даврида янгича мазмун касб этди. Музей экспонатлари XX аср охирида Париж, Леон, Штутгарт, Ганновер, Пенсильвания ва бошқа хориж шаҳарларида ташкил қилинган кўргазмаларда намойиш қилинди. Хусусан, 1991 йили Франциянинг Араб дунёси институти билан ҳамкорликда «Самарқанд кулолчилиги» мавзусида кўргазма ташкил қилди. Бу кўргазма 1994 йилга қадар яна тўртта шаҳарда намойиш этилди.

Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси залларида эса Польша, Исроил, Сурия ва бошқа мамлакатлардан олиб келинган рассомлар асарлари, фотосуратлар кўргазмалари ташкил қилинди. Музей экспонатлари 2001 йили Лионда, 2003 йили Вашингтонда ўтказилган «Ўзбекистон гиламлари» кўргазмаси, Сиднейда 2004 йили ўтказилган «Ўрта Осиё санъати» кўргазмаси, 2005 йили Япониянинг қатор шаҳарларида ўтказилган «Буюк Ипак йўли мероси» кўргазмаларида намойиш этилди[3].

Бой экспонатлари билан жаҳон кўргазмаларида фаол иштирок этаётган

---

[1] Убайдуллаев Х., Сетмаматов М. Музей памяти жертв репрессий // Мозийдан садо. – Ташкент, 2003. – 2 (18). – С. 6-8.

[2] Kuryazova D.T. Muzey ishi tarixi va nazariyasi. Kasb-hunar kollejlari uchun o’quv qo’llanma. – Toshkent: O'qituvchi, 2007. – B. 49-50.

[3] Қайимов Р. Самарқанд давлат музей-қўриқхонасининг халқаро алоқалари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2005. – № 4. – Б. 11.

музейлар қаторига Қорақалпоғистон ўлкашунослик музейини ҳам киритиш мумкин. Архив ҳужжатларида ёзилишича, 1929 йили Тўрткўл шаҳри клубида Қорақалпоғистон Мухтор вилояти илмий тадқиқот институти қошида Ўлкашунослик музейи ташкил этилиб, ўша йилнинг 16 майида унинг илк кўргазмаси очилган. Музейни ташкил этишда Н.А.Баскаков, Н.В.Торчинская, ёш қорақалпоқ олими Қ.Айимбетовлар фаол иштирок этганлар. XX асрнинг 30-йиллари охиридан музей хазинаси С.П.Толстов бошчилигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси ашёлари, кейинчалик И.В.Савицкий тўплаган ноёб экспонатлар билан бойиб борди. Бугунги кунда у минтақадаги машҳур музейлардан бири ҳисобланади. Музей очилганда унда бир неча ўнлаб экспонат бўлса, эндиликда 60 мингга яқин тарихий буюм жамланган. Уларнинг кўпчилиги ноёб ва қимматли бўлиб, халқ мулки ҳисобланади. Музей ходимларининг сони 40 га яқин бўлиб, улар республикада ўтказилаётган экспедицияларда мунтазам қатнашиб, экспонатларни янада бойитишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими, олий ўқув юртлари, «Орол», «Маҳалла» жамғармалари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Музейда улуғ аждодларимизнинг юбилей кечалари, учрашувлар, илмий-амалий семинарлар, кўргазмалар, олий ўқув юртлари талабалари учун музей дарслари, маърузалар, амалий машғулотлар ўтказилади. Зеро, буюк саркарда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1000 йиллиги, Алпомиш достони яратилганлигининг 1000 йиллиги, халқ қаҳрамони Элназар Олакўз, Қорақалпоқ мумтоз шоирлари Бердақ ва Ажиниёз кабиларга бағишлаб ўтказилган тадбирлар фикримиз далилидир[1].

Сўнгги йилларда ташкил этилган музейлардан бири Тасаввуф тарихи музейи бўлиб, у тасаввуф илмининг Ўрта Осиёдаги йирик намояндаси ва хожагон тариқати асосчиларидан Абдухолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллиги ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 685 йиллик юбилейлари муносабати билан очилди. Ундаги экспозициялар VII асрдан XXI аср бошларига қадар бўлган даврни қамраб олган. Экспозиция марказида Қуръони Каримнинг қўлёзма нусхаларидан бири, унинг атрофида ҳадислар мажмуалари жойлаштирилган. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор. Чунки тасаввуф таълимоти негизида Қуръони Карим ва ҳадислар ётади. Тасаввуф таълимотининг туб моҳиятини очиб берган буюк илоҳиётчи, файласуф Абу Ҳомид Ғаззолийнинг (1058–1111) «Аюҳа-л-валад» ва «Иҳё улум ад-дин» асарлари фотонусхаси музей экспонатларида намойиш этилмоқда. Абу Ҳомид Ғаззолий ислом ақидапарастлари билан ҳурфикрли тасаввуф аҳли ўртасида вужудга келган жарликни бартараф этишга ҳаракат қилиб, ислом ақидаларини сўфиёна ғоялар билан уйғунлаштиришга муваффақ бўлган буюк

---

[1] Нурабуллаева С. Ўлкамиз тарихи сарчашмаси. Қорақалпоғистон Республикаси Ўлкашунослик музейининг 75 йиллиги // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. – № 2. – Б. 5.

мутафаккирдир[1].

Сўфиёна ғояларни ўзининг «Девони ҳикмат» асарида назмий баён этиб берган Аҳмад Яссавий фаолиятини акс эттирувчи экспонатлар ҳам музей залларидан муносиб ўрин олган. Хожагон тариқати асосчиси Абдухолиқ Ғиждувоний ва унинг устози Юсуф Ҳамадоний маънавий фаолиятига доир қўлёзмалар, турли маиший-хўжалик буюмлари алоҳида витринада жойлашган. Бугунги кунда мазкур музейнинг Ўзбекистондаги тасаввуф тарихини ўрганиш ва тарғиб этишда аҳамияти каттадир.

***Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси.*** *Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси 2004 йили Тошкент шахрида очилди. Галерея биноси қисқа муддат ичида қуриб битказилган бўлсада, халқаро стандартларга жавоб берувчи энг замонавий техника воситалари билан жихозланган. У ерда ўрнатилган энг замонавий жихозлар экспонатларни намойиш этиш ва асраш учун зарур бўлган энг қатъий харорат, намлик тартибларини таъминлаш ва қўриқлаш шартларига риоя этиш имконини беради. Маърузалар ва кинозаллар, кутубхона, мохир уста студияси, устахоналар, буларнинг хаммаси, шубхасиз, кўргазмалар янги мажмуасини халқаро даражадаги санъатшунослик марказига айлантиради.*

*Унинг экспозиция-кўргазма майдони 3,500 квадрат метрга тенг. Шунингдек галерея зарур техникавий ускуналар билан жихозланган мажлислар залига эга бўлиб, бу ерда кўргазмалар, тақдимот маросимлари, семинарлар, амалий учрашувлар, фильмлар намойишлари ва бошқа тадбирлар ўтказилади.*

*Тасвирий санъат галереяси залларида XX аср бошидан хозирги кунгача яратилган Ўзбекистон тасвирий санъати асарларининг бой тўплами, шунингдек Ўрта Осиёда зарб этилган ноёб тангалар коллекцияси намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 1994 йилда Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан яратилган Картиналар галереясидаги коллекция биринчи экспозициянинг асосини ташкил этди.*

***Юнус Ражабий уй-музейи.*** *Буюк ўзбек композитори, мусиқа санъатининг етук устаси Юнус Ражабийнинг 100 йиллик юбилейи муносабати билан, 1997 йили Ю.Ражабий уй-музейи очилди. Мазкур музей санъаткорнинг ўзи яшаб ижод этган уйида барпо этилди ва у Ю.Ражабий кўчаси, 20-уйнинг 2 қаватли биносида жойлашган. Бинонинг олд томонига Ю.Ражабийнинг хайкали ўрнатилган. Музейнинг биринчи қаватида мемориал ва чоғу асбоблар экспозицияси хонаси, мухмонхана жойлашган. Мемориал хонада Юнус Ражабий нинг мебеллари, радио, устки кийими, столининг устида эса, мусиқа асбоби,ноталари, ручка, чойнак-пиёлалари қўйилган. Унинг ҳаётлигидаги мухит сақланиб қолган. Томошабинга бу эмоционал таъсир кўрсатади ва у Ю.Ражабий яшаб, ижод этган давр руҳини ҳис этади. Кейинги хонада пианино, сетор, дутор, рубоб каби кўплаб*

[1] Тураев Х. Тасаввуф тарихи музейи // Мозийдан садо. – Тошкент, 2005. – № 4. – Б. 8-9.

*мусиқавий чолғу асбоблари экспозицияга қўйилган. Учинчи хонада Тошкентнинг Чақар маҳалласидаги Ражабий туғилиб ўсган уйининг макети, маҳалланинг фототасвири, ўша уйда ишлатилган уй рўзғори буюмлари, онасининг портрети, сўзана, санъаткор замондошларининг фотосуратлари жойлашган.*

*Иккинчи қаватга чиқаверишда, рассом С.Рахметов томонидан яратилган картина осилган. Биринчи хонада Ю.Ражабийнинг хаёти ва ижоди, оила аъзолари тасвирланган фотосуратлар, хужжатлар намойиш этилган. Иккинчи хонада композиторнинг кутубхонаси жамланган ишчи хонаси ўз холича сақланган. Мазкур хонада хам Ю.Ражабий яшаган давр рухи сезилади.*

*Ушбу музей, Тошкентдаги уй-музейлари орасида энг кўзга кўринган, музей ишини яхши ташкил этган, жуда кўпсонли томошабинларга хизмат қиладиган, яхши экскурсия ишларини олиб борадиган музейлар сирасига киради.*

**Олимпия шон-шуҳрати музейи.** Мустақиллик йилларида ташкил этилган музейлардан яна бири Олимпия шон-шуҳрати музейи бўлиб, 1996 йил 1 сентябрда тантанали равишда очилди[1]. Мазкур музейни жиҳозлаш ва экспозициясини яратишда етакчи музейшунос мутахассислар билан бир қаторда фан арбоблари, дизайнер-рассомлар, Ўзбекистон халқ амалий санъати усталари ҳам қатнашдилар. Музей экспозициясининг асосини ҳозирги замон Олимпия ўйинларининг экспонатлари ташкил этади.

1996 йили февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Ўзбекистон ва Марказий Осиёда Олимпия ҳамда спорт ҳаракатлари соҳасидаги хизматлари учун Халқаро Олимпия Қўмитасининг энг юксак ва обрўли мукофоти – Олимпия Олтин нишони топширилди. Ушбу нишон ва Осиё Олимпия Кенгаши нишони музейдаги энг нодир экспонатлар қаторига киритилган.

Музей экспозицияларида Олимпия ҳаракати қачон пайдо бўлгани, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг барпо этилганлиги ва ғояларининг тараққий этганлиги, спорт ўйинлари ўтказиш ва ғолиб, совриндор бўлиб чиққан Ўзбекистон спортчиларининг иштирок этаётганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, XX аср Олимпия ўйинларининг шонли тарихида ўз номларини қолдирган бир қатор спортчиларнинг ютуқларини намойиш этувчи экспозиция ҳам мавжуд. Ушбу музей экспозициясидаги мустақил Ўзбекистон терма жамоасининг 1996 йили Атланта (АҚШ) Олимпия ўйинларида иштирок этгани тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар муҳим аҳамият касб этади. Музей замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Республикамизда бўлиб ўтадиган турли хилдаги спорт мусобақалари, музейнинг ўзида ўтказиладиган матбуот анжуманлари,

[1] Қаранг: Зеркало нашей истории и достижений. В Ташкенте открыт Музей олимпийской славы // Правда Востока, 3 сентября 1996 года; Музей олимпийской славы // Правда Востока, 8 февраля 1996 года; Тулаганов Ш., Долганова Н. Музей олимпийской славы // Мозийдан садо. – Ташкент, 1999. – № 1-2. – С. 12.

мусобақа ва турнир ғолиблари билан учрашувлар ва ҳоказолар видеолавҳаларда олиб борилади ва намойиш этиб турилади.

Ўзбекистонда янги музейларнинг тараққиёти ва аҳамиятини ўрганиш жараёнида аниқланган асосий хулосалар қуйидагилардан иборат:

- музейларда рўй берган ижобий ўзгаришлар, музейлар сонининг кўпайиши мустақиллик шарофати, ҳаётнинг барча соҳаларида юз бераётган ижобий ўзгаришлар талаблари, давр тақозоси билан амалга ошмоқда;

- Ўзбекистонда 1990 йилга қадар давлат тасарруфидаги музейлар етмишдан зиёд бўлган бўлса, мустақиллик даврига келиб уларнинг сони саксон саккизтага етди. Шулардан 16 таси тарихий, 27 таси ўлкашунослик ихтисослигидаги музейлардир;

- янги ташкил этилган музейлар сирасига Темурийлар тарихи давлат музейи, Олимпия шон-шуҳрати музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Термиз Археология музейи, Самарқанддаги Халқаро тинчлик ва бирдамлик музейи ва бошқа музейлар киради;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлис томонидан музейларга бўлган эътибор ҳар томонлама кучайиб, давлат томонидан янги музейларни ташкил этишга ҳамда мавжуд музейларни таъмирлашга, экспозицияларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга, музей ишларини яхшилашга катта маблағ ажратилгани натижасида жаҳон музейлари талабларига мос равишда илмий концепциялар ишлаб чиқилгани ва янги музейлар яратилганига сабаб бўлиши таъкидланади;

- Ўзбекистонда янги ташкил этилган деярли барча музейлар ижтимоий ҳаётда, маърифий ва маънавий масканлар сифатида муҳим аҳамият касб этаётиб, жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозланиб, жуда бой экспонатларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

**Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. ХХ асрнинг охири XXI асрнинг бошларида музей соҳасида қандай ўзгаришлар юз берди?
2. Ўзбекистонда янги ташкил этилган музейларнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаб беринг.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Йонесов А. Международный музей мира и солидарности // Мозийдан садо. – Ташкент, 2005. – №4 (28).

2.Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

3.Хушваков Н. Шаҳрисабз тарих музейи // Мозийдан садо. – Тошкент, 2006. – № 2 (30).

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майда қабул қилинган «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 2001 йил 2 май.
5.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 8 ноябрда қабул қилинган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 2002 йил 9 ноябрь.
Убайдуллаев Х., Сетмаматов М. Музей памяти жертв репрессий // Мозийдан садо. – Ташкент, 2003. – 2 (18).
6.Kuryazova D.T. Muzey ishi tarixi va nazariyasi. Kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma. – Toshkent: O'qituvchi, 2007.
Қайимов Р. Самарқанд давлат музей-қўриқхонасининг халқаро алоқалари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2005. – № 4.
7.Нурабуллаева С. Ўлкамиз тарихи сарчашмаси. Қорақалпоғистон Республикаси Ўлкашунослик музейининг 75 йиллиги // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. – № 2.
8.Тураев Х. Тасаввуф тарихи музейи // Мозийдан садо. – Тошкент, 2005. – №

## 2-мавзу: Ўзбекистон тарихи давлат музейининг такомиллашуви ва янги илмий концепцияси хусусиятлари

**Режа:** **1. Ўзбекистон тарихи давлат музейининг янги илмий концепцияси.**
**2. Ўзбекистон тарихи давлат музейининг такомиллашуви ва фаолияти.**

### 1. Ўзбекистон тарихи давлат музейининг янги илмий концепцияси.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, музейлар фаолиятида ҳам улкан ўзгаришлар рўй бергани юқорида айтилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрелдаги 203-сонли қарорига мувофиқ, собиқ Халқлар дўстлиги, Антиквариат, Ленин музейлари Ўзбекистон халқлари тарихи музейига қўшиб юборилиб, улар асосида Ўзбекистон тарихи давлат музейи ташкил этилди ҳамда у собиқ Ленин музейи биносига жойлаштирилди.

Айтиш мумкинки, ўзбек халқи тарихи, ўтмиши, маданияти ва қадриятларига эътибор бериш мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки тарихий хотира ва ўтмиш билан боғлиқ қадриятлар халқнинг ўзлигини англашда муҳим воситадир.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи эндиликда ўзининг қарийб 130 йиллик фаолияти давомида илк маротаба ўзбек халқининг тарихини холисона кўрсатиш имкониятига эга бўлди. Мустабид совет тузуми даврида тақиқланган мавзулар: ўзбек халқининг давлатчилик тарихи, буюк мутафаккирлар, Амир Темур ва темурийлар даври, қатағон йиллари, «Пахта иши», Ўш, Бўка Фарғона фожеалари каби тарихимизнинг энг муҳим

саҳифаларини холисона ёритиш қайта ташкил этилган музейнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Музей ҳозирги кунда Ўрта Осиё ва Ўзбекистон халқларининг моддий ва маънавий осори-атиқаларини сақлаш ҳамда ўрганиш бўйича жаҳондаги энг бой ва йирик илмий тадқиқот маркази ҳисобланади. Унинг фондларида 250 мингга яқин тарихий, санъат ва маданият ёдгорликларига оид ноёб буюмлар сақланмоқда[1].

XX асрнинг бошларида музейда тўпланган Туркистон ўлкасининг моддий бойликлари: археология, этнография, нумизматика, табиат тарихи, зоология, геология, миллий либослар, шарқ қўлёзмалари, қурол-яроғлар коллекциялари айрим «олимлар», алоҳида шахслар томонидан ўзлаштирилиб, дунёнинг турли бурчакларига ташиб кетилгани ҳам кузатилади.

Мустабид совет тузуми даврида ўзбек халқининг тарихи, маданияти ва маънавиятини ўзида акс эттирган ноёб буюмлар Ватанимиздан ташқаридаги музейлар, хусусан Россиядаги музейлар коллекцияларини бойитди.

Ўзбекистон тарихи давлат музейининг 1943 йилдан бошлаб Республика Фанлар академияси таркибига қўшилиши муҳим аҳамият касб этиб, унинг фаолиятини бутунлай ўзгартириб юборди. Музей нафақат маданий, балки илмий марказлардан бирига айланиши учун асос бўлди.

Музей биноси 1970 йилда Тошкент марказида бунёд этилиб, пойтахтнинг энг муҳташам иншоотларидан ҳисобланади. Кўриниши жаҳатдан бино номутаносиб куб шаклида бўлиб, Шарқ меъморчилигида умрбоқийлик рамзини англатади. Бинода ўзбек меъморчилигининг анъанавий ва замонавий жиҳатлари ўз аксини топиб, оддий геометрик шакллар, ранг-баранг ва бой сатҳ, нақшлари билан мужассамлашиб кетган. Музейга кириш эшиги қўқонлик машҳур уста К.Ҳайдаровнинг ёғоч ўймакорлиги санъати намунасидир. Кириш зали баландлиги бўйича 3 қаватга лойиҳалаштирилган.

Музейнинг доимий экспозицияси 2003 йили янгидан яратилиб, у Ўзбекистоннинг энг қадимги давридан ҳозирги кунигача бўлган тарихини акс эттиради. Экспозициянинг умумий майдони 2000 $м^2$ ни ташкил этиб, унда 12 мингга яқин экспонат ўрин олган. Экспозиция ибтидоий жамоа даври кўргазмасидан бошланади. Тақдим этилган экспонатлар Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда одамларнинг Селенғур ғори давридан яшай бошлаганини тасдиқловчи тошдан меҳнат қуроллари кўргазмасидан бошланади. Тешиктош ғорида очилган дунёга машҳур неандерталь бола скелети ва унинг қабри, теварагига қадалган арҳар шохлари, Зараутсойда топилган қоятош тасвирлари, жез даврига оид моддий қадриятларни намойиш этувчи Сополлитепа, Жарқўтон, Чуст ва бошқа манзиллардан топилган ашё ва буюмлар катта илмий аҳамиятга эга. Музейда Ўрта Осиёдаги энг қадимги давлат уюшмалари, уларнинг Эрон аҳмонийлари,

[1] Исмоилова Ж. Х. Илмий ва маърифий маскан // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. – №1. – Б. 2-3.

Искандар бошчилигидаги юнон-македон босқинчиларига қарши курашлари, Юнон-Бақтрия, Қанғ ва Кушон подшоликлари даври ҳам ўз ифодасини топган. Юртимиздаги қадимги Хоразм, Кушон подшоликлари маданияти юксак ривожини акс эттирувчи тарихий буюм, дастлабки ёзувлар намуналари ҳам кўргазмадан муносиб ўрин олган.

Илк ўрта асрлар, арабларнинг Ўрта Осиёни истило қилиши, халифаликдан кейинги дастлабки маҳаллий сулолалар даври, мўғуллар истилоси, Амир Темур ва Темурийлар даври, Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари тарихига оид ашёлар музей кўргазмасининг давомини ташкил этади. Экспозицияда VI–VII асрларга оид Фаёзтепадан топилган Будда ҳайкали, Варахша, Афросиёбдан чиққан деворий тасвирлар намуналари, Усмон «Қуръони»нинг кўчирма нусхаси, Обурдон қишлоғидан келтирилган ўймакор устун ва бошқалар ўрин олган. Қадимги Юнон-Бақтрия, Кушон подшоликлари, Кўҳна Хоразм, илк ўрта асрларга оид Нахшоб, Бухоро, Чоч, Самарқанд тангалари ҳам кўргазмадан муносиб ўрин олиб, уларда маҳаллий ҳукмдорлар тасвири, тамғалари, исми, унвонлари зарб этилгани диққатга сазовордир. Тоҳирийлар, Сомонийлар, Қарахонийлар, Чингизийлар, Темурийлар, Шайбонийлар ва Аштархонийлар, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари тангалари экспозициянинг узвий давоми бўлиб, ушбу давр пул муомаласи ҳақида зарур маълумотлар беради. Экспозицияда меҳнат қуроллари, маиший турмуш билан боғлиқ буюмлар ҳам талайгина. Ватанимизнинг ўрта асрлардаги юксак фан ва маданиятига оид маълумотларни кўргазманинг Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абулғози Баҳодирхонга бағишланган бўлимидан топамиз.

Экспозициянинг навбатдаги тўртинчи қаватида жойлашган қисмида Ўзбекистоннинг рус мустамлакачилиги даври тарихини намойиш этадиган экспонатлардан бошланади. Кўргазмада Россия томонидан ўзбек хонликларининг босиб олиниши, подшо маъмурияти зулми, Туркистоннинг хом ашё базасига айланиши акс эттирилган. Мустамлакачилик зулмига қарши миллий озодлик ҳаракатлари, қўзғалонлар алоҳида бўлимда намойиш этилган. Экспозиция давомида советлар даври тарихи, 1917–1991 йилларда Ўзбекистон тараққиётидаги ютуқ ва камчиликлар, ижобий ва салбий хусусиятлар экспонатларда ўз аксини топган.

Янги экспозициянинг асосий бўлимини Мустақил Ўзбекистон Республикасининг тарихи эгаллайди. Унда Ўзбекистоннинг мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида қўйган илк қадамлари, унинг жаҳон давлатлари томонидан эътироф этилиши, хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатдорлик асосидаги алоқаларини акс эттирувчи фотосуратлар, ҳужжатлар ўрин олган[1].

Тўқимачилик, каштачилик, кандакорлик ва заргарлик буюмлари

[1] Бекмуродов М.Б. Рашидова М.Х. Музейшунослик. Тошкент: Ворис-Али, 2006. – Б.52.

коллекциялари ўзларининг ёрқин ранглари, тайёрланиш усуллари, нақшларининг ранг-баранглиги билан турли ҳунармандчилик мактаблари йўналишларини акс эттирдилар. Уларнинг намуналари махсус элшуносликка оид кўргазмадан ўрин олган. Унда қўли гул ўзбек усталарининг асрлар оша бизгача етиб келган беқиёс дид ва маҳорат билан ишлаган, сержило ва фусункор нозик амалий санъат намуналари қўйилган.

**2. Ўзбекистон тарихи давлат музейининг такомиллашуви ва фаолияти.** Ўзбек халқининг бой тарихий анъаналари, урф-одатлари ва ҳунармандчилигини ўрганишда музейдаги коллекцияларни тўплаш ва улар асосида илмий тадқиқотларнинг узвий равишда олиб борилиши тарих фанининг ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди деб айтиш мумкин. Албатта бу борада етакчи музейшуносларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Музей илмий ходимлари томонидан 1950 йилдан бошлаб «Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ишлари», 1960 йиллардан бошлаб эса «Ўзбекистон тарихига оид материаллар» номли илмий мақолалар тўплами чоп этила бошланди. Ушбу тўпламлардаги мақолаларда ўзбек халқининг тарихи, маданияти, музейшунослик ва унинг муаммолари ўз аксини топди[1].

Музейдаги археология фондида қазишмалар пайтида турли ёдгорликлардан топилган деворий тасвирлар, уй-рўзғор буюмлари, меҳнат қуроллари, қадимий ёзувлар тасвирланган ашёлар ва бошқа жиҳозлар сақланади. Бу ашёлар халқимизнинг қадимий тарихини ёритишда катта аҳамиятга эгадир. Археолог олимлар, жумладан Л.А.Альбаумнинг 1950–1980 йиллардаги экспедициялари натижасида Варахша, Афросиёб, Болаликтепа, Фаёзтепа ёдгорликлари очилди. Улардан топилган осори-атиқалар илк ўрта асрлардаги халқимиз маданияти, санъати ҳақида ҳикоя қилади. Айниқса, Фаёзтепадан (Сурхондарё) топилган буддавийлик ибодатхона комплекси ва Будда ҳайкали, буддизмнинг Ўрта Осиёда қарор топиши ва ривожланишини тадқиқ этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Ҳайкалда муқаддас Бадхи дарахти тагида ўтирган Будда, икки томонида турган роҳиблар тасвирланган. Л.И.Альбаум уни «Фаёзтепа учлиги» деб аташни таклиф этган эди. Ушбу «учлик», яъни уч кишининг ҳайкалидан иборат нодир ёдгорлик дунё миқёсида кенг танилди[2].

Археологик ёдгорликларда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси сифатида «Афросиёб» ва «Болаликтепа» каби монографиялар, турли муаммоларга оид қатор рисола, илмий мақолалар нашр қилинганини музей олимларининг ижодий ютуқлари деб аташ мумкин.

Музей захираларида нумизматика[3]га оид ноёб коллекциялар мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим ашёвий далил-манба сифатида катта аҳамиятга эгадир. Улар орасида энг қадимги даврлардан

---

[1] Исмоилова Ж. Х. Илмий ва маърифий маскан // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. – №1. – Б. 2-3.
[2] Левтеева Л. «Триада» из Фаязтепе // Вечерний Ташкент, 9 октября 2002 года.
[3] Нумизматика Узбекистана / Отв. Ред. Акад. Э.В. Ртвеладзе. Ташкент: Фан, 1990. – 212 с.

ҳозирга қадар зарб этилган олтин, кумуш, мис тангалар, пуллар, олтин ва кумуш медаллар, ҳукмдорлар муҳрлари тўпланган. Мавжуд тўпламларнинг илмий таҳлили сифатида С.Эшонхоновнинг «Нумизматика коллекциялари», А.Хаировнинг «Ўзбекистон халқлари тарихи музейидаги муҳр ва штамплар коллекцияси», В.М.Массоннинг «Музейдаги қадимги сўғд тангалари», Г.А.Пугаченкованинг «Музей коллекциясидаги учта Аҳмонийлар тамғаси», С.Эшонхоновнинг «Қўқон тангалари каталоги», Ғ.Олимовнинг «Сомонийлар ва Қорахонийлар даври тангалари ҳақида», И.Тўхтаевнинг «Шарқий Туркистон тангалари», А.Мусакаеванинг «Ғарбий Сўғддаги пул муомаласи (мил. ав. IV – м. IV аср)» каби илмий асарлари Ўрта Осиёда илк тангаларнинг зарб қилинишидан бошлаб, пул муомаласининг ривожланиши ҳамда унинг тарихий тараққиётидаги ўрнини белгилашда муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Музейнинг этнографик фондида эса ниҳоятда қимматли ва ноёб буюмлар тўпланган бўлиб, Марказий Осиё халқларининг уй-жиҳозлари, кийим-кечаклари, заргарлик буюмлари, халқ ҳунармандчилигининг барча соҳаларига оид иш қуроллари ва маҳсулотлар намуналари ҳар бир этнографик ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Улардан 10 мингдан ортиғи ўзбек халқининг ижтимоий ҳаётига оид бўлса, 6 минги қардош қорақалпоқ, туркман, қирғиз, қозоқ, тожик ва Ўзбекистон ҳудудида яшовчи бошқа халқларга тааллуқлидир. Бу экспонатларни тўплаш ва илмий таомилга киритишда Т.Мирғиёсов, Ш.Иноғомов, Ғ.Олимов, М.Султонов, Г.Темиргалиев, Т.Абдуллаев, К.Турсуналиев ва С.Ҳасановларнинг хизматлари катта бўлган.

Музей олимлари ўнлаб йиллар давомида дастлаб Ўрта Осиёнинг, сўнг Ўзбекистоннинг турли вилоятларида бўлиб, этнографик экпедициялар давомида Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Бухоро аҳолисининг турмуш тарзи, хўжалик фаолияти, моддий ва маънавий маданияти, урф-одатлари, маросимларининг ўзига хос томонларини ўрганиб келдилар. Этнографик экспедиция музей томонидан ташкил этилгани боис тўпланган буюмлар-ашёлар унинг фондларини тўлдирган. Бу экспедицияларда ўз даврининг етук элшуносларидан В.Г.Машкова, А.С.Морозова, М.С.Андреев, М.А.Бикжанова, Ш.Иноғомов, А.К.Боровиков, Ж.Файзиев, М.Султонов ва бошқалар фаол иштирок этганлар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистоннинг амалий санъати намуналари бўлмиш гиламдўзлик ва каштачилик маълум даражада ўрганилиб таҳлил этилган.

Бугунги кунда музейда Ўзбекистоннинг замонавий босқичдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги тараққиётининг умумий қонуниятлари ва ўзига хослиги, музей иши тарихига оид катта илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Музей нафақат Ўрта Осиёдаги, балки дунёдаги моддий ва маънавий маданият осори-атиқалари сақланадиган энг йирик муассасалардан бири сифатида уларни тадқиқ этиш, системалаштириш (тизимга солиш), илмий каталоглаштириш, намойиш этишга тайёрлаш

бўйича ҳам кенг фаолият кўрсатмоқда. Музей бой археологик, нумизматик, этнографик буюмлардан ташқари, унинг илмий кутубхонасида ўрта асрларга оид қўлёзмалар, XIX асрга мансуб ноёб нашрлар, янги ва энг янги тарихга оид ҳужжатлар архивига ҳам эгадир. Давлат эътибори, олим ва музейшунослар саъй-ҳаракати натижасида бу даргоҳ музей соҳасидаги энг замонавий талабларга жавоб берадиган илмий-маърифий масканга айланди.

Музей жамоаси 96 кишидан иборат бўлиб, улардан 23 киши илмий ходим ва шу жумладан 3 нафар фан доктори, 8 нафар фан номзоди юқорида санаб ўтилган манба, қўлёзмалар устида илмий тадқиқотлар билан шуғулланмоқда.

Мустақиллик йилларида музейнинг халқаро алоқалари ҳам кенгайди. Хусусан, 2003 йилнинг апрель ойида АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида «Гиламлар тарихи санъати» мавзусидаги кўргазмада музей ўз экспонатлари билан қатнашди. Ўша йилнинг май–август ойларида Нью-Йоркнинг Метрополитен музейида Ўзбекистон тарихи давлат музейининг ноёб экспонати икки бошли илон тоштумор «Илк шаҳарлар санъати» кўргазмасида намойиш этилди.

2003 йилнинг тўққиз ойи давомида музейда қатор кўргазмалар ташкил этилди. «Ўзбек ҳунармандчилиги» (XIX–XX асрларда) кўргазмаси март ойида иш бошласа, июнь ойида «Хива ҳунармандчилиги» (XIX–XX асрларда) номли кўргазма очилди. Август ойининг охиридан яна бир кўргазма «Қоратепа – Ўрта Осиёдаги буддизм маркази» иш бошлади[1]. Ҳисобот йилининг қолган ойлари ва 2004 йил давомида: «Хитой санъати ва маданияти», «Хоразм заргарлик санъати», «Дунганларнинг турмуш тарзи ва маданияти», «Амир Темур – Клавихо – Самарқанд» (Амир Темур ва Темурийлар тарихи давлат музейи билан ҳамкорликда) кўргазмалар ташкил қилинди[2].

Музей илмий ходимлари томонидан кейинги йилларда нашр қилинган «Темурийлар сулоласи тангалари» (1996 й.), «Каталог металлических и керамических изделий Узбекистана XIII–XIX в.в.» (2000 й.), Н.Содиқованинг «Ўзбек миллий кийимлари» (2002 й.), Ж.Исмоилованинг «Фарғонада миллий озодлик курашлари» (2003 й.), «Тошкентнинг янги шаҳар тарихи» (2004 й.), «Ўзбек миллий либослари» (2005, 2006 йй.), «Ўзбекистон дўппилари» (2006 й.) каби монографиялари Ўзбекистонда тарих фанининг ривожланишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи музейида 2006 йили жаҳон маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган Маъмун академиясининг 1000 йиллиги ва Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган юбилей кўргазмалари ташкил қилинди. Уларда ушбу воқеаларга оид экспонат, фотосуратлар намойиш қилинди.

1 Левтеева Л. Юбилейные выставки в музее истории Узбекистана // Мозийдан садо. – Ташкент, 2006. – № 2. – С. 35-37.

2 Темурийлар тарихи давлат музейи фаолиятининг 2003 йилги ҳисоботи / Темурийлар тарихи давлат музейи жорий архиви.

Республика миқёсида музейда режа бўйича ва унга қўшимча қатор илмий анжуманлар ўтказилди. ЎзР ФА тарих институти билан ҳамкорликда 2006 йил 19 апрелда академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихи» Республика анъанавий илмий семинарининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Илмий анжуманда таниқли тарихчи олимларнинг маърузалари тингланди. Долзарб муаммоларга бағишланган маърузалар анжуманда иштирок этган олима, тарихчи мутахассис, талаба, ўқувчиларнинг Ватан тарихини ўрганишда янгича ёндашувчилар ҳақида янги маълумотлар олишига, ўзларининг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

Музей фондидаги ноёб экспонатлар Германия, АҚШ, Малайзия, Япония ва бошқа хорижий мамлакатларда ўз кўргазмаси билан қатнашиб, жаҳон жамоатчилиги диққатини ўзига тортиб келмоқда. Музейнинг археологик ва этнографик экспонатлари Япониянинг бир қатор музейларида «Буюк ипак йўли» номли кўргазмада намойиш қилинди. Музейни кўришга келган хорижий сайёҳлар сони 2006 йили 1700 кишидан ортиқроқ бўлди.

Амалга оширилган тадқиқот жараёнида Ўзбекистон тарихи давлат музейи ўзининг 130 йиллик фаолияти давомида Ўрта Осиё халқлари моддий ва маънавий маданияти осори-атиқалари сақланадиган йирик масканга айланганлиги кузатилди. У доимо юксалишда бўлса-да, фаолиятини уч даврга бўлиш мумкин: шаклланиши (1876–1917), советлар давридаги фаолияти (1917–1991) ҳамда мустақиллик давридаги юксалиши (1991–2007).

Ўзбекистон тарихи давлат музейининг фаолияти давомида кўп ўзгаришлар рўй берди. 1876–1917 йиллар давомида музейда асосан тўпловчилик фаолияти йўлга қўйилди. Музей экспонатлари тартибга солиниб, рўйхати тузилди. Нумизматика, археология, этнографияга оид экспонатларнинг каталоги тузилди. Бу музейнинг фаолияти Туркистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам музейлар ташкил қилинишига туртки берди.

1917 йиллардан эса мазкур музей нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё ҳудудида энг йирик ҳисобланган илмий-текшириш ва маданий-маърифий муассасага айлана бошлади. Бу даврда экспозиция тузиш услублари такомиллашди, экспедициялар уюштирилиб, музей фондлари бойитилди, ҳужжатлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилди, илмий тадқиқот ишларига ҳам эътибор қаратилди. Музей ўша даврларда Республика етакчи музейи бўлиб, вилоят, шаҳар, туман музейлари учун йўриқномалар, илмий-услубий қўлланмалар чиқариб турган. Бироқ, таъкидлаш лозимки, мазкур музей ҳам кўп бошқа муассасалар қаторида совет тузуми даврида шаклланган ғоя ва қадриятларни тарғиб этувчи марказга айланган эди.

Ўзбекистон тарихи давлат музейининг такомиллашуви ва янги илмий концепцияси хусусиятларини тадқиқ ва таҳлил этиб, шундай хулосага келинди:

- Ўзбекистон мустақилликка эришгач, музей фаолиятига нисбатан янгича муносабат шаклланди. 1992 йили давлат музейи мақоми берилиб,

Ўзбекистон тарихи давлат музейи деб аталиши унинг тарихида янги давр бошланганидан дарак беради;

- Музей илмий ходимлари, етакчи олимлар, санъат ва маданият арбобларининг меҳнати самараси натижасида музейнинг янги илмий концепцияси ишлаб чиқилди;

- Экспозициялар тубдан ўзгартирилиб, тарихан аниқ, ишончли-ҳужжатли ва бадиий-ифодали қилиб тузилди;

- Музейда Ўзбекистоннинг энг қадимги давридан ҳозирги кунгача бўлган тарихини акс эттирувчи доимий экспозиция яратилиб, музей ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини намойиш этадиган илмий масканга айланди;

- Ўзбекистон тарихи давлат музейининг такомиллашуви ва янги илмий концепциясининг хусусиятлари, экспонатларга бойлиги, уларни энг замонавий талаблар даражасида намойиш этиши билан жаҳоннинг энг машҳур музейлари билан бир қаторга қўйиш мумкин.

1876 йилдан то бугунги кунгача фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбекистон тарихи давлат музейининг тараққиёт босқичларини тадқиқ қилиш билан бир қаторда, мустақиллик даврида янги ташкил этилган музейнинг фаолиятини ўрганиш жоиз деб топилди. Кейинги қисмда Темурийлар тарихи давлат музейи мустақиллик бунёдкорлиги тимсоли сифатида ўрганилади.

**Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. Ўзбекистон тарихи давлат музейининг яратилиш тарихи.
2. Ўзбекистон тарихи давлат музейи фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бекмуродов М.Б. Рашидова М.Х. Музейшунослик. Тошкент: Ворис-Али, 2006.

2. Исмоилова Ж. Х. Илмий ва маърифий маскан // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. – №1

3.Левтеева Л. Юбилейные выставки в музее истории Узбекистана // Мозийдан садо. – Ташкент, 2006. – № 2.

4.Левтеева Л. «Триада» из Фаязтепе // Вечерний Ташкент, 9 октября 2002 года.

5.Нумизматика Узбекистана / Отв. Ред. Акад. Э.В. Ртвеладзе. Ташкент: Фан, 1990.

## 3-мавзу: Темурийлар тарихи давлат музейи – мустақиллик бунёдкорлиги тимсоли

**Режа:1. Темурийлар тарихи давлат музейининг ташкил этилиши.**
**2. Темурийлар тарихи давлат музейи фаолияти.**

**1. Темурийлар тарихи давлат музейининг ташкил этилиши.** Мустақиллик шароитида Ўзбекистонда янгидан-янги музейлар ташкил этилиб, бугунги маданий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланди. Улар орасида Темурийлар тарихи давлат музейининг ташкил этилишини жаҳоншумул воқеа деб баҳолаш мумкин. Мазкур музей ҳақида кўплаб илмий мақолалар чоп этилди, аммо ушбу муҳим даргоҳ фаолияти музейшунослик нуктаи назаридан ҳозиргача умумлаштирилгани йўқ.

Биз яшаётган шу муқаддас заминда буюк салтанатга асос солган, оламни тебратган, номи етти иқлимда машҳур бўлган улуғ Соҳибқирон Амир Темур истиқлол шарофати билан ўз Ватанига қайтди, дейиш мумкин.

Давр Амир Темурнинг зиммасига нафақат Шарқ мамлакатлари ва халқларининг тарихига, балки кўп жиҳатлардан бутун башарият тақдирига янги ва муҳим саҳифалар битиш вазифасини юклаган эди.

Йирик, яхши қуролланган ва ҳаракатчан қўшиннинг ташкилотчиси ҳамда моҳир раҳбари, жаҳон миқёсидаги даҳо саркарда сифатида Амир Темурнинг ажойиб ва беқиёс фазилатлари жаҳон миқёсида аллақачонлар кенг кўламда эътироф этилган. Ҳарбий ҳаракатларнинг ўзига хос стратегия ва тактикаси давлат арбоби, моҳир сиёсатчи, доно ва зукко, мустаҳкам иродали Амир Темурга табиий салоҳияти билан уйғунлашган ҳолда Шарқда Ғарбий Олтойдан тортиб, Ғарбда Ўрта Ер денгизининг шарқий соҳилларига қадар бўлган ҳудудда улкан салтанатни барпо этиш ва бошқариш имконини берди. Сиёсий тарқоқлик, вайроналик келтирувчи ўзаро урушлар ва айрим ўлкалар ҳокимлари фақат ўзини ўйлаб ажралиб чиқиши, ҳаракатларининг Ватани учун ҳалокатли оқибатларини олдиндан кўра билган Амир Темур Ўрта Осиёда пойтахти Самарқанд бўлган йирик ва қудратли давлат тузишдек азалий орзусини амалда рўёбга чиқара олди. Шу биргина далилнинг ўзиёқ унинг ўз халқи олдидаги хизматларини кўрсатиб турибди ва миннатдор авлодлар ҳам унинг сўнмас хотирасини эъзозлаб келмоқда.

Тарих Амир Темурнинг илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат ҳомийси, шаҳарсозлик ишининг устаси, сиёсат ва ҳаётга нисбатан мушоҳада доираси кенг бўлган синчков ҳамда қизиқувчи суҳбатдош сифатидаги қиёфасини ҳам қолдирган.

Мамлакатимиз тарихида Ўрта аср уйғониш даври натижасида фан ва маданиятнинг юксак чўққига эришгани эътироф этилади. Зеро, Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлик қилган даврда жойларда жуда катта маънавий ўсиш, юксалиш, маданий тараққиёт рўй берди. Ушбу давр тарихидан ҳикоя қилувчи музейнинг ташкил этилиши эса, у ҳақдаги тарихий ҳужжатлар ҳамда асарларда акс этган ҳақиқатлардан атрофлича маълумот беради, келажак авлодга тўкис ва фаровон ҳаёт қуриш ишларида катта далда бўлади[1].

Темурийлар тарихи давлат музейи Амир Темур ва темурийлар даврида

---

[1] Бекмуродов М, Рашидова М. Музейшунослик. – Б. 53; Ҳабибуллаев Н. Темурийлар тарихи давлат музейи // Мозийдан садо, 1999. – № 4 (32). – Б. 5-8.

илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини ҳаққоний акс эттириш ва кенг тарғиб қилиш, чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган тарихий ютуқларимиз ва анъаналаримиз асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 мартдаги 99-сонли қарорига биноан жуда қисқа муддатда Тошкент шаҳрида барпо этилди[1].

Музей халқимиз ва хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокида 1996 йилнинг 18 октябрида тантанали равишда очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов унинг очилиш маросимида нутқ сўзлаб, жумладан шундай деди: «Бугунги зўр шодиёна билан очилаётган Темурийлар тарихи давлат музейи Соҳибқирон шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилишининг яна бир амалий исботидир. Айтиш мумкинки, Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир.

Музейни зиёрат қилган ҳар бир инсон менинг бу сўзларим шоирона ташбеҳ ёки муболаға эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади.

Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

Амир Темурнинг башарият олдидаги ўлмас хизматларини маърифатли жаҳон муносиб баҳолаб келмоқда. Соҳибқирон юбилейининг ЮНЕСКО томонидан халқаро миқёсда кенг нишонланганлиги ана шу эътирофнинг ёрқин далилидир»[2].

Музей қурилишига Тошкент шаҳар ҳокимияти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Тошкент шаҳар қурилиш бошқармаси, «Турон» фирмаси, Чкалов номли ишлаб чиқариш бирлашмаси, Миконд заводи, «Торсвак» қурилиш фирмаси (Югославия) ва бошқа ташкилотлар катта ҳисса қўшдилар.

Айлана шаклида қурилган бинонинг ташқи қиёфасига алоҳида эътибор қаратилди. Бинонинг ташқи кўринишига, салобатли мовий гумбазига назар ташлаган томошабин кўз ўнгида шаклан Самарқанддаги Гўри Амир мақбараси намоён бўлади. Музей ўрта асрлар меъморчилиги қонун-қоидалари анъаналаридан фойдаланиб қурилса-да, замонамиз руҳига мос ҳолда яратилган.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 мартда қабул қилинган «Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 1996 йил 15 март; Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об организации мероприятий по созданию Государственного музея истории Темуридов» от 24 января 1997 года // Правда Востока, 25 января 1997 года.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 1996 йил 18 октябрь куни Тошкент шаҳрида Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиш маросимида сўзлаган нутқидан // Мозийдан садо, 1999. – № 1 – 2. – Б. 7.

Бино уч қаватли бўлиб, умумий баландлиги 31 метр, ташқи диаметри 70 метр, ички диаметри 50 метр.

Унинг биринчи қаватида маъмурият, бўлимлар, кичик конференция зали, хазинахоналар, кутубхона, дўконлар, чипта сотиш, гардероб, техник воситалар учун бир қатор хоналар жойлашган. Иккинчи ва учинчи қаватдан асосий экспозиция ўрин олган. Шунингдек, иккинчи қаватда замонавий техник ускуналар билан жиҳозланган 200 ўринли мажлислар зали жойлашган бўлиб, унда анжуманлар, ўқувчи ёшлар билан илмий учрашувлар ўтказилади. Экран орқали турли мавзуларни ёритувчи ҳужжатли фильмлар намойиш этилади.

Иккинчи қаватдаги марказий девордан «Усто» бирлашмаси қошидаги «Санойи нафиса» гуруҳи миниатюрачи рассомларининг (С.Қорабоев, Ғ.Камолов, Х.Назиров, Т.Болтабоев) «Буюк Соҳибқирон – буюк бунёдкор» деб номланган тасвирий санъат асари жой олган. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, «Туғилиш», «Юксалиш», «Фахрланиш» деб номланади.

Музейдаги деворий суратни ишлашдан аввал рассомлар жуда катта изланишда бўлганлар. Ҳар бир деталга эътибор бериб, акс эттирилаётган у ёки бу нарсанинг рамзий маъноларини ҳам ўрганиб чиққанлар. Жумладан, асарда мовий фон кўп ишлатилган. Амир Темур даврида ранглар орасида шу тус муҳим ўрин эгаллаган. Мовий осмон ул зотни мудом ўйланишга, хаёл суришга, тунларни бедор ўтказишга даъват этиб турган. Шу боис мовий осмон Амир Темур байроғининг ҳам рамзи сифатида қабул қилинган. Бу ранг ҳамиша тириклик маъносини англатган. Яна у инсон ҳаётининг асоси оби ҳаёт эканлигини билдирган. Тимсоллар тилида бу яхшилик, донишмандлик, ҳалолликни ифода этади.

«Туғилиш» – ҳаёт қўшиғи демакдир. Ушбу асар Соҳибқирон Амир Темур таваллуд санаси ҳақида ҳикоя қилади.

Асарнинг иккинчи, яъни «Юксалиш» қисмида Амир Темурнинг босиб ўтган йўлини ҳикоя қилувчи композиция тасвирланади[1].

«Фахрланиш» – Соҳибқирон бобомиздан қолган мероснинг чексиз фахру ифтихор туйғулари билан авлодлардан авлодларга ўтиб келаётгани ҳақидаги ғояни ифодалайди.

Залнинг марказий қисмидан мармар лавҳ устида VII асрга мансуб «Усмон Қуръони»нинг 1905 йилда Петербургда нашр қилинган нусхаларидан бири жой олган.

Музей экспозициясининг асосий қисми учинчи қаватда жойлашган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Амир Темур шахсининг ўзбек халқи тарихида тутган ўрни ҳақидаги сўзлари билан очилади.

Экспозициядан Амир Темурнинг шажараси, ҳокимият тепасига келиши, ҳарбий юришлари, дипломатик муносабатлари, савдо-сотиқ,

---

[1] Темурийлар тарихи давлат музейи заллари бўйлаб. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – Б. 8–10.

ҳунармандчилик, ободончилик, илм-фанни ривожлантириш ва машҳур темурий ҳукмдорлар ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар (хариталар, қурол-аслаҳалар, кумуш ва мис тангалар, миниатюралар, ноёб қўлёзмалар, кулолчилик, мисгарлик, заргарлик буюмлари, матолар ва ҳ.к.) ўрин олган. Амир Темур ва темурийлар даврида меъморчилик санъатининг юксак ривожланганлигини акс эттирувчи меъморий обидалар: Оқсарой, Аҳмад Яссавий мақбараси, Бибихоним жоме масжиди, Улуғбек мадрасаси, Улуғбек расадхонаси, Гўри Амир, Тожмаҳал мақбараларининг макетлари ҳам намойишга қўйилган. Шунингдек, Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Амир Темурга бўлган ҳурматини ифодаловчи дил сўзлари ва «Темур тузуклари»дан келтирилган иборалар экспонатларни мазмунан бойитган.

Учта монитор (2х2,5 м) орқали темурийлар давридан маълумот берувчи фильмлар намойиш этилади.

Экспозиция Президент Ислом Каримовнинг «Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида қадр-қимматини, бўй-бастини, ўз маданиятини, тили ва маърифатини қайта тиклаб олишга, миллий ғурур ва миллий тафаккур, Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга замин туғдиради», – деган сўзлари билан якунланади.

**2. Темурийлар тарихи давлат музейи фаолияти.** Қисқа фаолияти даврида Ўзбекистон Республикаси ФА тасарруфидаги Темурийлар тарихи давлат музейи асосий музейшунослик илмий-услубий марказига айланди. Кенг кўламдаги тадбирлар ва кўргазмаларни ташкил этишда ҳам у асосий таянч вазифасини адо этаётгани табиий ҳолдир. Зеро, ўзбек халқи йилномасида олтин ҳарфлар билан битишга муносиб воқеалар айнан Соҳибқирон Амир Темур ҳамда Темурийлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Музейдаги Темурийлар тарихига оид ноёб экспонатлар Ўзбекистон вилоятларидаги йирик музейлардан келтирилган[1], шунингдек, 1996 йилда Парижда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган кўргазмадаги экспонатлар ҳам музейга ўтказилган.

Музейда археология, этнография, нумизматика ёдгорликлари, қўлёзмалар, тасвирий санъат намуналари бор.

Музей хазинасида Ўзбекистон тарихини акс эттирувчи 3 мингдан ортиқ ашёлар сақланади. Шундан «Асосий фонд»га 1971 та, «Ёрдамчи фонд»га 1090 та ашё киритилган. Ҳозирги кунда музей экспозициясидан 1700 дан ортиқ экспонат жой олган. Булар – Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид қўлёзмалар, ёзишмалар, кумуш ва мис тангалар, Гўри Амир мақбарасидан олинган ашёлар, сопол ва мис буюмлар, меъморий қопламалар, XIX–XX асрларга оид китоблар, тангалар, этнографик буюмлар ва ҳ.к.

Музей хазинасини Ўзбекистон аҳолиси ҳамда чет давлатларнинг

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 майдаги «Ўзбекистон Республикаси музей ва илмий муассасалари фондидан Амир Темур ва темурийлар даврига оид экспонатларни Темурийлар тарихи давлат музейига ўтказиш тўғрисида»ги 259-сонли қарори.

совғалари ҳам мавжуд.

Музейнинг кенг кўламли ишларини 2002 йилги ҳисоботни таҳлил қилиш орқали ҳам кузатишимиз мумкин. Давлат илмий-техник дастурлари бўйича: а) «Амир Темур ва темурийларнинг жаҳон тарихидаги ўрни»; б) «Амир Темур салтанатидаги бунёдкорликнинг ўз даври маданий ёдгорликларидаги инъикоси»; в) «Темурийлар даври ва этник жараёнлар» мавзуларида тадқиқот ишлари олиб борилди. «Амир Темур ва темурийларнинг жаҳон тарихидаги ўрни» китоб-альбомининг қайта ишланган иккинчи нашри 2001 йили ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этилди[1]. Музей илмий ходимлари томонидан 2000 йилда 19 та, 2001 йили 10 та, 2002 йили 18 та илмий мақолалар нашр қилинди.

Музейга 2002 йили 93597 томошабин ташриф буюрган, улардан 8 мингдан ортиғини хорижликлар ташкил этган ва 1000 дан ортиқ экскурсия уюштирилган.

2003–2007 йиллар давомида Ф-7.3.7. «Темурийлар даври ренессанси» фундаментал тадқиқот устида иш олиб борилган. Лойиҳа натижалари монография шаклида нашрга тайёрланди. Унинг натижалари «Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар» (2004 й.), «Темурийлар давлатчилиги ва ренессанси» (2006 й.) мавзуидаги Республика илмий анжуманларида, илмий мақолаларда, «Амир Темур – Клавихо – Самарқанд» буклетида ўз аксини топди ва «Темурийлар тарихи давлат музейи» мультимедиясида илмий муомалага киритилди. «Темурийлар даври маданий ёдгорликлари» ва «Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар» тўпламлари нашр этилди. Бу нашрлар таълим тизимининг барча босқичлари учун дарслик ва қўлланмалар яратишга асос бўлиб хизмат қилади.

2003–2005 йиллар давомида П-4.12. «Шоҳруҳия қалъа шаҳри – Амир Темур ва темурийлар даврининг ноёб ёдгорлиги» мавзуида амалий тадқиқот олиб борилган. Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ҳудудида жойлашган XIV аср ёдгорлиги Шоҳруҳия шаҳрида ўтказилган археологик тадқиқотлар натижасида 385 та ашё (тош, сопол, суяк, мис, шиша буюмлар, тангалар ва ҳ.к.) топилди ва музей фондига топширилди. Археологик топилмалар асосида лойиҳа доирасида «Шоҳруҳия қалъа шаҳри – темурийлар даврининг ноёб ёдгорлиги» кўргазмаси ташкил этилган.

ЎзР ФА фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фондининг «Чет эл тўпламларидаги темурийлар даври тарихий ва маданий ёдгорликлари» мавзуидаги илмий лойиҳа ҳам 2005 йили якунланди. 2004–2005 йилларда олиб борилган мазкур тадқиқот натижасида дунёнинг турли давлатларида сақланаётган темурийлар даврига оид мингдан ортиқ ёдгорликлар аниқланиб, рўйхатга олинди. Тадқиқот асосида «Хориждаги меросимиз» номли фотокўргазма ташкил қилинди[2].

---

[1] Темурийлар тарихи давлат музейининг 2002 йил ҳисоботи / ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейининг жорий архиви. – Б. 8.

[2] Темурийлар тарихи давлат музейининг 2005 ва 2006 йиллардаги ҳисоботлари / ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейининг жорий архиви.

2007 йилда ФА–И2–005. «Тошкент – ислом маданияти пойтахти» инновацион лойиҳа устида иш олиб борилди ва якунланди. «Тошкент – ислом маданияти пойтахти» мавзуида кўргазма ташкил этилди. Кўргазмада Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти сифатидаги моҳияти, ислом маданиятининг тарихий, маданий, маърифий йўналишлари ва бағрикенглик, бирдамлик, инсонпарварлик каби исломий қадриятлар асл ҳужжатлар, қўлёзмалар, моддий-маънавий ёдгорлик ва топилмалар асосида очиб берилди. Кўргазмадан кенг жой олган ёзма манбалар, археологик топилмалар, санъат асарлари ва ҳунармандчилик буюмлари ўзбек халқининг бой маданий меросидан гувоҳлик беради. Кўргазма каталоги «Тошкент 2007 йилда ислом маданияти пойтахти». Тошкент коллекцияларида ислом қўлёзмалари. Тошкент, 2007 й. (ўзбек, рус, инглиз тилларида) нашр этилди. Кўргазмага ташриф буюрган 26 минг томошабин, айниқса ёшлар бой маънавий ва моддий меросимиз билан янада чуқурроқ танишиш имкониятига эга бўлдилар[1]. Кўргазма ва унинг каталоги уларда тарихий ютуқларимиздан, миллий қадриятларимиздан фахрланиш туйғуларини тарбиялади.

Музейда тўпланган ашёлар, олиб борилаётган тадқиқотлар асосида ўзбек халқининг давлатчилиги тарихи, бой моддий ва маънавий мероси кенг жамоатчиликка намойиш қилинмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги ва музей ташкил топганлигининг ўн йиллигига бағишланган «10 йилга – ўн кўргазма» номли маънавий-маърифий байрам тадбири ўтказилди. Кўргазмалар «Ўзбекистонда ёзув маданияти тарихи», «Амир Темур – Клавихо – Самарқанд», «Совғалар», «Амир Темур ва темурийлар даври рассомлар нигоҳида», «Амир Темур ва темурийлар даври тарихи олимлар ва ёзувчилар назарида», «Темурийлар тарихи давлат музейи 10 ёшда», «Шоҳруҳия – қалъа шаҳри», «Хориждаги меросимиз», «Амир Темур ҳаётидан лавҳалар», «Дастхатлар» деб номланди.

Музей Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига бағишлаб 2006 йил 18 майда Қарши шаҳрида ўтказилган «Ўзбекистон музейлари» фестивалида «Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги дипломатик алоқалар» мавзуидаги кўчма кўргазма билан иштирок этди.

Темурийлар тарихи давлат музейини 2005 йилда 50462 нафар, 2006 йили 62400 дан ортиқ, 2007 йилда 66061 нафар томошабин зиёрат қилган[2].

Музейга хорижий давлатларнинг арбоблари, расмий делегациялар ҳам ташриф буюрмоқдалар. Улар Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи билан танишиб, жуда катта таассурот олмоқдалар. Шу давр мобайнида музейга жаҳоннинг турли давлатларидан 500 га яқин расмий меҳмон ташриф буюрди ва Темурийлар даври тарихи билан танишиб, «Музейнинг фахрий меҳмонлар китоби»га ўзларининг таассуротларини, самимий дил сўзларини ёзиб қолдирганлар. Улар асосида музейда «Дастхатлар» кўргазмаси яратилди.

---

[1] ФА–И2–005. «Тошкент – ислом маданияти пойтахти» инновацион лойиҳа юзасидан 2007 йил учун якуний ҳисобот / ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейининг жорий архиви.

[2] ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейининг 2005, 2006, 2007 йиллардаги томошабинлар сони ҳисоботи. / Музейнинг жорий архиви.

Музей ташкил этилганига 12 йил бўлган бўлса, шу давр мобайнида у халқимизнинг севимли зиёратгоҳига айланди. Ўтган давр мобайнида музейга ташриф буюрувчилар сони 1 млн. 400 мингдан ортди[1].

ЎзР Фанлар академияси илмий тадқиқот институтлари, музейлари билан ҳамкорликда Республика миқёсида йирик кўргазмалар ташкил этиш ҳам анъанага айланган. Ўзбекистон тарихига оид энг ноёб ашёлардан ташкил топган «Ўзбекистон. Мозий дурдоналари», Амир Темур давлати билан Кастилия қироллиги ўртасида ўрнатилган дипломатик алоқаларнинг 600 йиллигига бағишланган «Амир Темур – Клавихо – Самарқанд», ўзбек давлатчилиги тарихининг ёзув маданияти билан узвий боғлиқлигини ашёлар воситасида ифодаловчи «Ўзбекистонда ёзув маданияти тарихи», «Ноёб қўлёзмалар» кўргазмалари фикримизнинг далилидир.

Музейда тарихимизнинг долзарб муаммоларига бағишланган ЎзР ФА Тарих институти, Ўрта Осиёни ўрганиш Франция тадқиқот институти билан ҳамкорликда «Ўрта Осиё этнологиясининг долзарб муаммолари», ЎзР ФА Тарих институти, Осиё тараққиёти ва маданияти институти (Корея) билан ҳамкорликда «Марказий Осиё: цивилизацион тараққиёт йўллари» мавзуларида халқаро илмий анжуманлар ўтказилган.

Ёш авлодни тарихга, буюк шахсларга, аждодлар меросига юксак ҳурмат ва эътибор руҳида тарбиялашда музейда олиб борилаётган ишларнинг ҳам муҳим аҳамияти бор. Музей мактаб, лицей, коллежлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келмоқда. Жумладан, Республика Нафис санъат лицейи билан ҳамкорликда «Қалам аҳлининг дарғалари», Молия институти қошидаги молия академик лицейи билан ҳамкорликда «Соҳибқирон севган юрт», Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицей билан ҳамкорликда «Темурийлар даври ҳуқуқий мероси» каби мавзуларда тадбирлар ўтказилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшларда мустақил ва эркин тафаккурни шакллантириш ҳамда ғоявий тарбияни амалга ошириш, уларни Она Ватанимизга садоқат, бой тарихимиз ва анъаналаримизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида олиб борилаётган ўқув-тарбиявий жараённи янада такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросини амалда таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитилаётган «Ўзбекистон тарихи», «Маънавият асослари», «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» фанларини Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид мавзулари музей экспозициясида очиқ дарс шаклида ўтказилмоқда. Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда «Музей ва мактаб» ҳамда

---

[1] ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи фаолияти бўйича маълумотнома. 2008 йил / Музейнинг жорий архиви.

«Музей ва маҳалла» рукнлари остида жойларда кўчма, виртуал кўргазмалар ташкил этилди.

2005 йилда 10500 нафар, 2006 йилда 11680 дан ортиқ, 2007 йилда 27300 нафар ўқувчининг музейга ташрифи таҳлили ҳам шуни кўрсатадики, музейда мактаб, лицей ўқувчиларига Амир Темур ва темурийлар даври тарихини тарғиб қилиш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда ва йилдан-йилга кучайтирилмоқда.

Музей билан олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети, Тошкент Техника университети, Тошкент Аграр университети билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2005 йилда 5500 нафар, 2006 йилда 7470, 2007 йилда 7000 дан ортиқ талаба музейга ташриф буюрган[1].

Музейнинг асосий экспозициясида, кўргазмаларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихи бўйича мактаб ўқувчилари, талабаларга ўтказилаётган дарслар «Амир Темур ва Европа» «Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати», «Амир Темур даврида тиббиёт», «Темур тузуклари», «Улуғбек даврида Мовароуннаҳр», «Темурий маликалар» каби мавзули экскурсиялар, давра суҳбатлари ёш авлоднинг ўз Ватани тарихини чуқур ўрганишида, тарих фани бўйича билимдон мутахассис бўлиб етишишида катта роль ўйнамоқда.

Бўлажак Ватан ҳимоячиларининг Она Ватанга садоқатлилигини, руҳий ва маънавий ҳолатини юқори даражага кўтариш, миллий ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш мақсадида Тошкент олий умумқўшин билим юрти, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Республика «Офицерлар уйи» билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, уларга музей экспозициясида мавзули экскурсиялар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда, ҳужжатли фильмлар намойиш этилмоқда. Музейда мунтазам равишда байрам ва тантанали саналарга бағишланган (14 январь – Ватан ҳимоячилари куни, 9 апрель – Амир Темур туғилган кун, 21 март – Наврўз байрами, 1 сентябрь – Мустақиллик куни, 18 октябрь – Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил топган кун, 8 декабрь – Конституция куни) маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ўлкамизнинг бой тарихи, маданияти билан танишиш учун юртимизга келган сайёҳларнинг музейга ташрифини ташкил қилиш мақсадида «Узинтур», «Ўзбектуризм ўқув маркази», «Марко Поло», «Сайрам туризм», «Ориент-вояж», «Ориенталь-экспресс СА» каби туристик ташкилот ва фирмалар билан ҳамкорлик шартномалари тузилган. Охирги уч йилда (2006, 2007, 2008) музейга 27 мингдан ортиқ чет эллик сайёҳ ташриф буюрган[2].

---

[1] ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейининг 2005, 2006, 2007 йиллардаги илмий ва илмий-ташкилий фаолияти ҳисоботлари / Музейнинг жорий архиви.
[2] ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейининг 2006, 2007, 2008 йилги томошабинлар сони ҳисоботлари / Музейнинг жорий архиви.

Мустақиллик йилларида музейларнинг, хусусан Темурийлар тарихи давлат музейининг хорижий музейлар билан ҳамкорлиги кенгайиб бормоқда. 2006 йили музей вакили Испания пойтахти Мадридга Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги ва Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг 600 йиллигига бағишланган халқаро анжуманда қатнашди. Музей ходимларидан бири Брюсселдаги «Санъат ва тарих» қироллик музейида Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда маъруза билан иштирок этди.

Музей экспонатлари жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида, хусусан, Францияда ўтказилган «Темурийлар ренессанси», Германияда ўтказилган «Экспо–2000», Австралияда ўтказилган «Ёрқин гуллар: Марказий Осиё газламалари ва керамикаси» каби халқаро кўргазмаларда намойиш этилди.

Музей жамоаси келгусида музейни республикада Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганувчи ва тарғиб қилувчи асосий маънавий-маърифий, илмий марказга айлантириш, экспозициясини темурийлар даври тарихига оид ёдгорликлар билан бойитиш, чет эл музейлари билан алоқаларни янада янги поғоналарга кўтариш, ўзаро кўргазмалар ташкил этиш кабиларни ўз олдига мақсад қилган.

Хулоса сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

- Амир Темур ва темурийлар даври тарихи, шу даврда илм-фан, маданият, санъатнинг юксак даражада ривожланганлиги, Амир Темур ва темурийларнинг дунё маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида маълумот берувчи бу музей кенг жамоатчиликда, шаҳримизга ташриф буюрган хорижий меҳмонларда катта таассурот қолдирмоқда;

- музей халқимизнинг миллий ифтихори бўлган буюк соҳибқирон Амир Темурга Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан барпо этилган хотира рамзи ҳисобланади;

- мустақиллик йилларида фаолиятини бошлаган мазкур музей ёш бўлишига қарамасдан жуда катта ютуқларга эришмоқда. Музейда мунтазам равишда илмий тадқиқот, фондларини ашёлар билан бойитиш, сақлаш, таъмирлаш, кўргазмалар ташкил этиш, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда;

- Темурийлар тарихи давлат музейида охирги беш йил мобайнида ташкилотларга, аҳолига ва чет эллик меҳмонларга сифатли хизмат кўрсатиш такомиллаштирилган;

- республикадаги мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган;

- ёш авлодни миллий истиқлол, тарихимизга, буюк шахсларга, аждодларимиз меросига юксак ҳурмат-эътибор руҳида тарбиялаш ва мустақиллик ғояларини сингдириш мақсадида музей экспозицияси, кўргазмалари, оммавий ахборот воситалари орқали тарихий меросимиз кенг тарғиб қилинмоқда.

Бугунги кунда Темурийлар тарихи давлат музейи мустақиллигимиз

бунёдкорлигининг ёрқин ифодаси эканлигини исботлайди.

**Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. Темурийлар тарихи давлат музейининг ташкил этилиши.
2. Темурийлар тарихи давлат музейи фаолияти.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Бекмуродов М, Рашидова М. Музейшунослик. – Б. 53; Ҳабибуллаев Н. Темурийлар тарихи давлат музейи // Мозийдан садо, 1999. – № 4 (32).

2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 мартда қабул қилинган «Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 1996 йил 15 март; Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об организации мероприятий по созданию Государственного музея истории Темуридов» от 24 января 1997 года // Правда Востока, 25 января 1997 года.

3.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 1996 йил 18 октябрь куни Тошкент шаҳрида Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиш маросимида сўзлаган нутқидан // Мозийдан садо, 1999. – № 1 – 2.[1] 4.

4 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 майдаги «Ўзбекистон Республикаси музей ва илмий муассасалари фондидан Амир Темур ва темурийлар даврига оид экспонатларни Темурийлар тарихи давлат музейига ўтказиш тўғрисида»ги 259-сонли қарори.

5. Темурийлар тарихи давлат музейи заллари бўйлаб. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.

## 4-мавзу: Музейшуносликнинг долзарб масалалари

**Режа:1.Музей педагогикасининг хусусиятлари.**
**2.Болалар музейи тараққиёти ва аҳамияти.**

**1.Музей педагогикасининг хусусиятлари.** Музейларнинг жамият ва инсонлар ҳаётидаги ўрни беқиёсдир. Ўтмишни, тарих тажрибасини ўрганиш, аждодлар яратган бетакрор моддий ва маънавий меросни асраш ҳамда тарғиб этишда, истиқлол йўлидаги мақсадларни аниқлашда музейлар фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон бўйича 1200 дан ортиқ музейлар мавжуд. Ушбу музейларда халқимизнинг узоқ тарихидан ҳикоя қилувчи, миллий мафкура ва тафаккурни ривожлантирувчи, ёшларда миллий ғурур ва ифтихорни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга материаллар экспозицияга қўйилган.

Ёшлар маънавиятини шакллантириш мақсадида мамлакатдаги барча музейларда ойнинг маълум бир куни «Очиқ эшиклар куни» деб эълон қилинди. Шу куни музейларга ўқувчи, талаба ва бошқа томошабинлар

таклиф этилиб, музей ходимлари томонидан бепул хизмат кўрсатилади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан қадимий шаҳарлар: Хива, Бухоро, Шаҳрисабз, Термиз шаҳарларининг 2500–2700 йиллик юбилейларининг ўтказилиши, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди, Камолиддин Беҳзод, Огаҳий каби «Барҳаёт сиймолар» юбилейларининг ўтказилиши, «Алпомиш» достони яратилганининг 1000 йиллиги тантаналари, мамлакат тарихидаги муҳим саналарга бағишлаб музейлар тайёрлаб ўтказган кўргазма ва тадбирлар ёшларнинг маънавий-маърифий тарбиясида муҳим ўрин эгаллаши шубҳасиз.

Лекин ёшларни тарбиялашда илғор мамлакатлар музейлари тўплаган ижобий ютуқларни умумлаштириб, жаҳон музей педагогикаси фанининг бир асрдан кўпроқ вақт мобайнида тўплаган тажрибасининг ижобий ва салбий томонларини таҳлил этиб, мос ва хос дастурлар ишлаб чиқишни бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Ушбу маърузада ёшларни ватанга муҳаббат, миллий ғоя руҳида тарбиялашда музейлар фаолиятида қандай жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратилиши лозимлигини жаҳон музейлари тажрибасидаги ижобий ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда аниқланди. Зеро, энг илғор музейлар ёшлар билан ишлашнинг қатор босқичларидан ўтиб, ушбу масалада нафақат амалий фаолият тажрибасига эга бўлдилар, балки қатор назария ва концепцияларни ҳам яратдилар[1]. Бу тажриба натижалари ўрганилиб, таҳлил этилар экан, уларни тўғридан-тўғри, айнан қўллаш керак дейилмайди. Лекин ҳали назариялар яратиш даражасига етмаган музейшунослик соҳаси жаҳон музейлари андозаларидан фойдаланиши зарур. Бу борада қилинган ишлар қуйида босқичма-босқич изоҳлаб борилади.

Республика маориф тизимини такомиллаштириш, жамият ҳаётида музейларнинг ролини ошириш, малакали мутахассислар тайёрлаш, музей муҳитида ва маориф муассасаси педагогик муаммоларни ҳал этадиган кун тартибидаги долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ушбу вазият нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг аксарият мамлакатларида мавжуд. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги замон маданияти ва жамияти ҳаётида музейлар ролининг ошиб бориши билан бир қаторда, унда ишлаётган ходимларни ўқитиш, малакасини ошириш анча орқада қолмоқда.

Вужудга келган вазиятни музейларнинг бозор иқтисодиёти шароитида фақат ҳаёт учун кураш муаммосининг таъсири деб изоҳлаш ҳам ноўриндир. Унинг илдизлари чуқур бўлиб, музей малакали ходимларини тайёрлашга эскича ёндашувдадир. Томошабинлар билан ишлашда кўп нарса мутахассиснинг психологик-педагогик тайёргарлиги, билим савияси, бугунги кундаги ижтимоий-маданий вазиятни англашига боғлиқдир[2].

---

[1] Столяров Б.А. Музейная педагогика. История, теория, практика. – Москва: Высшая школа, 2004. – С. 200.; Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А.. – Москва: Издательство «ВК», 2003. – 615 с.

[2] Столяров Б.А. Музейная педагогика. История, теория, практика. – Москва: Высшая школа, 2004. – С. 5.

Инсоният қадим замонлардан ўзининг ижтимоий тажрибасини кейинги авлодларга қолдириш усулларини яратгани маълум. Музей эса маданий тажрибани тўплаш, тавсифлаш ва сақлашнинг энг мақбул шакли бўлиб чиққан[1].

Илмий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, музейга кенг жамоатчиликнинг қизиқиши ва унинг институционал шаклланиши XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланади. Худди шу пайтдан музей ишининг келгуси тараққиёти ишлаб чиқариш, саноатнинг юксалиши ва маориф соҳасини ислоҳ қилиш билан боғлиқдир. Бугунги кунда бу алоқа айниқса, видео, компьютер технологияларини қўллаш асосида замонавий санъат турларини намойиш этиш орқали ахборот жамиятларига ўтишда намоён бўлаётир[2].

Музей ва таълимнинг ўзаро алоқалари илм ва фаннинг турли соҳалари ҳамкорлигининг самарасидир. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, музейнинг умумтаълим жараёнига киритилиши, инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан жуда тез ўзгариб бораётган оламда фақат яшашга тайёрлабгина қолмасдан, унинг содир бўлаётган ижтимоий-маданий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланишига хизмат қилади.

Инсоннинг фаолияти, маиший турмушида эстетик дидни шакллантириш тарафдорлари Д.Рескин ва У.Моррислар 1852 йил Лондонда илк декоратив амалий санъат музейини ташкил қилдилар. Ўшанда музейнинг мақсадлари қуйидагича белгиланган эди:

- санъатни жамиятнинг барча тоифалари орасида тарғиб қилиш;
- бадиий таълим савиясини кўтариш;
- амалий-безак санъати сифатини ошириш.

Инсонларда бадиий дидни вужудга келтириш учун музейлар маъруза-концерт, бепул ташрифлар, жамоат транспортида бепул келиш каби тадбирлар ўтказа бошлайди. Энг муҳими, бу хилдаги фаолиятни концептуал изоҳлашга ҳаракат жараёни кузатилади.

Америка музейларининг маърифий вазифалари назарияси асосчиларидан бири Д.Гудд бўлиб, у маорифда музейнинг вазифасини буюмлар воситасида таълим беришда кўрган. Бадиий ва табиатшунослик музейлари орасидаги фарқларни эътироф этган тадқиқотчи томошабинлар учун ашё-буюмларнинг керакли ёзма ахборот-варақа, йўл кўрсаткич, рассомлар ҳақидаги асарлар билан таъминланиши муҳимлигини таъкидлаган эди. У шунингдек, омма учун маърузалар ташкил этиш кераклигини алоҳида уқтирган. Америка Қўшма Штатларида Д.Гудднинг ташаббуслари тез амалга оширилди. Нью-Йорк шаҳридаги Метрополитен музейининг илк йўл кўрсаткичи 1906 йили нашр этилиб, у томошабинларни кўргазма билан таништирган. Ўша йили ўқитувчилар учун махсус қўлланма ҳам чоп этилган. Дам олиш кунлари омма учун маърузалар ўтказилган. Музей маърифатига

[1] Новости всемирного наследия // Мировое наследие. Москва, 2003. – № 5. – С. 64-67.
[2] Россия музейлари мисолида қаранг: Музеи Российской академии наук / РАН. Музейный совет. Москва: Научный мир, 2004. – С. 150-164; Соболева Н.А. Музейный сервис: пути развития / Сборник. Москва, 2004. – С. 25-34.

оид «Метрополитен бюллетени» нинг махсус сони чоп этилиб, унда барча томошабинлар: талаба, ўқитувчи, дизайнер, кўзи ожиз ва карлар учун ишлаб чиқилган дастурлар муҳокама этилишидан ташқари, уларга ўқиладиган оммавий маърузалар мазмуни, савияси ва ўзига хослиги ҳақида ҳам сўз борган[1]. Мутахассислар 1919 йилдан бошланғич ва ўрта мактаблар, бошқа таълим муассасаларида иш олиб боришнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб амалиётга татбиқ эта бошлайдилар[2].

Америка Қўшма Штатларида томошабинлар билан ишлашда тўпланган тажрибаси, бадиий музейлар мақсадларининг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда Д.Хайд музей фаолияти ва аҳамиятини қуйидагича ифодалаган: «Музей болаларнинг маърифий билимлар олишига, катталарнинг эса соғлом ҳаёт тарзи, дам олиши ва билимларини оширишга шароит яратиши лозим. У талаба учун билимлар хазинаси, рассом учун эса илҳом берувчи манбага айланиши керак. Унинг таъсири одамларнинг ўз уйларида сезилиши ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётида акс этмоғи даркор. Ушбу тажриба асосида турли тоифадаги томошабинлар учун ўзига хос дастурлар ҳам ишлаб чиқилган эди:

1. Омманинг дам олиши ва кўнгилхушлиги; 2. Билим даражасини ошириш (шу жумладан санъатшунос, талаба ва рассомлар); 3. Болалар манфаатлари учун[3].

Америка Қўшма Штатлари маорифи фалсафасидаги эстетик йўналиш музейнинг вазифаси сифатида жамиятда юксак эстетик дидни тарбиялаш ва сақлашни талаб этади. Ўзининг долзарблигини бугун ҳам йўқотмаган бу қонун-қоидалар, музей педагоги вазифасини томошабинлар ва санъат асарлари орасидаги боғловчи восита сифатида тушунади.

Аммо кўпчилик музей намояндалари қўллаган эстетик йўналиш маориф амалиётига кўра музей иши мақсадлари назариясига яқинроқ эди. Натижада кўп ўтмай у билан университетлар илмий фанига айланган санъатшунослик тарихи рақобат қила бошлади. XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида тез ривожланган ушбу йўналиш ташаббускори Америка Қўшма Штатларининг Гарвард университети бўлди[4].

Санъатшунослик асосида тасвирий санъат турларини бошқа санъатлар билан бир қаторда умумижтимоий билимлар доирасида ўрганадиган фанлараро ёндашув ривожлана бошлади. Метрополитен музейи бу борада ҳам биринчилардан бўлиб тарих, география ва бошқа мактаб фанларидан кийим-кечак, мебель намуналари ва бошқа тарихий экспонатлардан фойдаланган ҳолда дарс ўтишни бошлаб берди.

---

[1] Столяров Б.А. Музейная педагогика. История, теория, практика: Учебное пособие. – Москва: Высшая школа, 2004. – Б. 21.

[2] Молоканова Т.В. Музей и школа: возможности взаимодействия // Проблемы педагогики средней и высшей школы / Сборник. Вып.1. Калинин: Калининский госуниверситет. 2004. – С. 48-51.

[3] Столяров Б.А. Музейная педагогика. История, теория, практика: Учебное пособие. – Москва: Высшая школа, 2004. – С. 22.

[4] Столяров Б.А. Музейная педагогика. История, теория, практика: Учебное пособие. – Москва: Высшая школа, 2004. – С. 22.

1930–1940 йиллари фаол ва ҳар томонлама муваффақиятли маърифий фаолият Америка Қўшма Штатлари музейларининг энг муҳим вазифасига айланиб, тадқиқотчиларнинг фикрича, (Т.Лоу) улар «Эркин норасмий санъат коллекциялари»га ва маориф муассасасига айлана боради. Бу борада Цинциннати шаҳар бадиий музейи тажрибаси эътиборга молик. Унда 1930 йили Маориф бўлими ташкил этилиб, у болалар учун якшанбада ўтказиладиган машғулотлар дастурини ишлаб чиқди. Дастурга афсона, мусиқа, тарих, география, ҳайкалтарошлик дарслари киритилган. Маърифий дастурларни ишлаб чиқишда ўз даври педагогикаси эришган ютуқлар ҳисобга олинган[1].

Германиядаги музейлар маърифий фаолияти айрим шахслар ташаббуси билан хусусиятлидир. А.Лихтварк фақат Германия эмас, Европа музей педагогикаси асосчиларидан бири саналади. Ўзининг амалий фаолияти билан у санъат соҳасида маърифий тадбирларнинг тарқалишига катта ҳисса қўшиб, музейни мактаб сингари сабоқ муассасаси деб ҳисоблаган.

А.Лихтварк музейнинг сокин ҳаётини ўзгартиришга киришди. Унинг муваффақиятли ишлари қуйидагилардан иборат:

- профессионал рассомлар раҳбарлигида тасвирий санъат ва графикадан ҳаваскорлик курсларини ташкил этиш;
- «Санъат дастурлари Гамбург жамияти»ни тузиб, йиллик тўплам нашр этиб, унда санъат муаммоларини ёритиш, фотография, уй-жойларни бадиий безаш ва ҳоказоларни жорий қилиш;
- болалар ижодига бағишланган кўргазмалар яратиш;
- ҳаваскор фотографлар жамиятини тузиб, ноёб фотосуратлар коллекциясини яратиш;
- ўқув қўлланмалари коллекцияси (тўпламини), ўйинчоқ китоб босиш дастгоҳи ва ҳоказоларни яратиш;
- замонавий тасвирий санъат, жумладан, Гамбург рассомлари ижодига кўмаклашиш;
- Гамбург рассомлари клубини ташкил этишдаги ҳамкорлик;
- музейнинг эски биноси ўрнига янги катта бинонинг қурилиши.

Музей ишидаги асосий соҳани экскурсия деб ҳисоблаган А.Лихтварк, уни диалог-мулоқот асосида ташкил қилишга интилган.

Германия музейларида XX асрнинг бошларида тўпланган тажриба Мюнхендаги табиатшунослик ва техника шоҳ асарлари асосчиларидан бири-Г.Кершенштайнерга «Таълим назарияси» (1926) асарини ёзишга имкон берди. Ушбу асарда муаллифнинг Германия музейларини педагогик тамойилда ташкил этиш жиҳатлари ва уни амалга ошириш йўлларини асослади. Олимнинг педагогик фаолияти назарияси асосида қуйидаги фикр ётади: «Англаш орқали болаларни ўқитиш ва тарбиялашни ўз вазифаси

---

[1] Ўша жойда. – С. 23.; Айбиндер М.И., Новикова И.А. Культурологический аспект деятельности музеев США / Учебное пособие. – Спб.: АОС, 2002. – 132 с.

сифатида қўйган музейда ўқув дастури конструкциядир. Фақат бу ерда лойиҳа, мактабдаги сингари буюмлар сояси билан эмас, балки буюм ва ашёларнинг ўзлари билан ишлайди».

Музейнинг маърифий фаолиятини Г.Кершенштайнер қуйидагича ифодалайди:

- музей – педагогик жараённинг услуби, маориф мазмуни мантиқи, ўқувчиларнинг руҳий ҳолати ва маърифий жараённинг мақсадлари билан боғлиқ;

- музей педагогик жараёни мактаб ўқув режаси тизимига монанд бўлиб, фарқи «буюмларнинг таснифига эмас, уларнинг ўзи билан ишланиши»га мос бўлиши;

- музей томошабинга мавжуд «педагогик-ёрдамчи воситалар» (матнлар изоҳи, кинофильм, макет ва ҳоказолар) кўмагида ўз кўзи билан технологик ёки ижодий жараёнларни кўриш имкониятини яратиши лозим[1].

Шу тариқа Германия музейи «ўқув қўлланмалари витринаси» ролидан воз кечиб, маориф жараёнида ўз ўрнини топди.

А.Лихтварк тажрибасини ривожлантирган Г.Фройденталь музейлар маърифий фаолиятида илк бор музейда мактаб машғулотлари ўтказиш педагогик усулларини ишлаб чиқди ва жорий этди. Энг муҳими, услубда педагогик фаолиятнинг тайёргарлик ўтказиш ва мустаҳкамлаш босқичлари кўзда тутилган эди.

Г.Фройденталь музей педагогини, мактаб ўқувчиларини музейда таълим жараёнини ташкил эта оладиган мутахассис деб ҳисоблаб, кичик ёшдаги ўқувчиларни ўлкашунослик, табиатшунослик ва бадиий музейларни, катта синфдагиларни эса, техника ва махсус музейлар билан таништиришни тавсия этган. Олим ўз асарида Гамбургдаги олтита музей кўргазмаларининг мактаб дастурларини изоҳлаб беради. Эътиборлиси шундаки, Г.Фройденталь «музей педагоги» атамасини биринчи бўлиб таклиф этишидан ташқари, унинг педагогик маълумоти бўлиши, музей муҳитида таълим жараёнини ташкил эта олишини ҳам назарда тутиш лозимлигини таъкидлаган.

Музей ва мактаб орасидаги муносабатлар масаласи билан А.Рейхвейн ҳам шуғулланган. У музейларнинг педагогик фаолияти муваффақиятини қуйидаги шартлар билан боғлайди:

- музей экспозициясининг мактаб таълими вазифалари билан ҳамоҳанг тузилиши;

- музейга ўқитувчининг синф билан келиши олдиндан келишилган бўлиши;

- музейда ўқитувчи билан синф яхши ижодий алоқа ўрнатиши;

- ўқитувчилар ўзларининг ижодий уюшмаларида музейга эътибор қаратмоғи;

- музей илмий ходимлари ўқитувчиларни тайёрлашда қатнашиши;

---

[1] Столяров Б.А. Музейная педагогика. История, теория, практика. – Москва: Высшая школа, 2004. – С. 27.

- музей маориф муассасаси сифатида турли касб ўқитувчилари учун очиқ бўлмоғи лозимлиги[1].

Шу билан биргаликда А.Рейхвейн музейни ўқув қўлланмалари билан тўлатиш эмас, умумий музей тўплами асосида мактаб талаб этган мавзуларда экспозициялар яратилиши кераклигини таъкидлайди.

Германиянинг музей педагогикасига қўшган ҳиссасини умуман ижобий баҳолаб, унинг айрим жиҳатларидан бугунги кунда ҳам фойдаланиш мумкин.

Россияда музейлар фаолияти, музейшунослик тарихи таҳлили анъаналари Германиядан анча кечроқ бошланади. А.Лихтварк ва Г.Коль асарларини россиялик мутахассислар яхши билишган[2]. Улар аввало бадиий музейлар доирасида музей педагогикаси назарий ва амалий жиҳатларининг шаклланишига ўз таъсирини ўтказиб, Н.И.Романов[3], А.В.Бакушинский[4] ва Ф.И.Шмидт[5] фаолиятида ўз аксини топади.

Россия музейларида педагогик ишларни назарий англаш тажрибаси 1916 йилдаги «Экскурсия хабарлари» (Экскурсионный вестник) нашрида музейларнинг ўқувчилар билан ишлашига бағишланган сонидан ўрин олган. Тўпламдаги Н.И.Романовнинг «Санъат борасидаги экскурсияларнинг вазифалари ва услублари» мақоласида санъатни ўрганиш, унинг инсон қалбига чуқур таъсирини англаган ҳолда киришиш лозимлиги таъкидланади[6].

А.Романов бадиий музейлар маърифий фаолиятини таҳлил этган илк мутахассис бўлган. Лекин унинг ижоди тараққиёти янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда давом этди.

Музей иши ислоҳоти маориф ислоҳоти билан бир пайтда олиб борилиб, унда эстетик тарбияга катта ўрин берилади. Ўқувчига ёғоч ёки темир дастгоҳида иш ўргатилаётган пайтда боланинг фақат ҳунарни эгаллашига эмас, унинг чиройли ҳаёт қурадиган яхши инсон бўлиб етишишига ҳам эътибор берилган.

Музей ислоҳоти мазмуни янги томошабинга мўлжалланган маърифий ишларни кескин фаоллаштиришга қаратилган эди. Ф.И.Шмидтнинг «Санъат ўқув предмети сифатида» номли асари болаларни эстетик тарбиялашнинг мақсад ва вазифаларига бағишланган. Санъатни фаол руҳий кечинма сифатида англаган муаллиф уни ижодий шахсни тарбиялашда қўл келадиган восита сифатида мактаб дастурига киритиш лозимлигини уқтиради. Олим бу борада тарбиявий жараённи таълим жараёнидан устун қўяди. Ф.И.Шмидтнинг фикрича, «нормал руҳий тараққиётга (ўсишга) шароит

---

[1] Столяров Б.А. Музейная педагогика. История, теория, практика: Учебное пособие. – Москва: Высшая школа, 2004. – С. 29.

[2] Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А. – Москва: Издательство «ВК», 2003. – С. 11.

[3] Романов Н.И. О задачах и методах экскурсий по искусству // Экскурсионный вестник. – Москва, 1916. – №1-2.

[4] Бакушинский А.В. Исследования и статьи. – Москва, 1981.

[5] Қаранг: Шмидт Ф.И. Искусство как предмет обучения. – Харьков: Просвещение, 1923.; Столяров Б.А. Музейная педагогика: история, теория, практика. – Москва: Высшая школа, 2004. – С. 214.

[6] Романов Н.И. О задачах и методах экскурсии по искусству // Экскурсионный вестник. – Москва, 1916. - №12. - С. 8.

яратар экан – мактаб болани дунёни фаол англаш жараёнига ҳамда ўз билимларидан амалий ҳаётда унумли фойдаланишга тайёрлайди[1].

Ушбу масалалар А.В.Бакушинскийнинг фаолиятида ҳам катта ўрин тутади. Ўз даврининг етук педагоги, санъат назариётчиси ва тарихчиси бўлган олим ўз илмий фаолиятида бадиий тарбия назариясини бадиий музейларда экскурсия иши методикаси билан уйғунлаштириб олиб борган[2].

Музейдаги ишга педагогик жараён сифатида қараган А.Бакушинский томошабинларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини, томошабинга «таъсир объекти» эмас, энг аввало ҳамкор сифатида қараш зарурлигини таъкидлаган. У ўзининг амалий фаолиятида экскурсиялар ўтказиш услубларига алоҳида эътибор қаратиб, «Музей – эстетик экскурсиялар» асарида бу ҳақдаги фикрларини баён этган. Экскурсия ишида ўқитувчи учта мажбурий шартни ўз олдига қўйиши лозим:

- санъат асари аҳамиятини ўзи бутун вужуди билан англаб етиши;
- санъат асарининг тарихий-санъатшунослик моҳиятини билиши;
- томошабинлар гуруҳи қалбига психологик йўл топа билиши[3].

Музейлар ўз фаолиятида таълим-тарбиянинг назарий жиҳатларини ҳам ҳисобга олишлари зарур. Замонавий музейларнинг маърифий фаолиятида учта: англаш, ижодий ва ижтимоий йўналишларни кўриш лозим.

Шахснинг ижтимоий шаклланишида санъат алоҳида ўрин тутиб, унинг юксак намуналари бадиий музейларда жамланган. Давр ва маданиятлар орасидаги боғловчи воситаси бўлган санъат атроф-муҳитни англаш тажрибасини ошириб, инсонни маърифий тарбиялашдан ташқари, энг аввало унга номаълум янги билимларни беради.

**2.Болалар музейи тараққиёти ва аҳамияти.** Болалар музейининг ватани Англиядир. Шаҳзода Уэльс томонидан 1972 йили Лондонда Болалик музейи ташкил этилди. Жанубий Кенсингтон музейи бўлими ҳисобланган ушбу муассасада турли антиқа буюмлар, айниқса, турли мамлакатлардан келтирилган кийим, ўйинчоқлар тўплангани билан томошабинлар орасида музей таниқли бўлса-да, болалар ва ўқитувчилар билан ишлашга 1920 йилларда ўтди. Музейнинг бугунги дастури XVII–XX асрлар давомида рўй берган турли тарихий воқеаларни болаларнинг чуқур ўрганишига кўмаклашмоқда[4].

Америка Қўшма Штатлари болалар музейлари дастурларининг асосий вазифаси болаларнинг онгини тараққий эттириш, ўргатиш ва уларни музей тўплами орқали ҳаётга тайёрлаш ҳисобланади. 1899–1925 йиллари Америкада қатор педагогик назарияларга асосланган музейлар ташкил этилди[5].

---

[1] Шмидт Ф.И. Искусство как предмет обучения. – Харьков: Просвещение, 1923. – С.18.
[2] Бакушинский А.В. Исследования и статьи. – Москва: Советский художник. 1981. – С.59.
[3] Бакушинский А.В. Исследования и статьи. – Москва: Советский художник. 1981. – С.11.
[4] Макарова Н.Г. Детские музеи Америки: история и современность. Москва, 1997.
[5] 1901 Смитсон институтининг болалар хонаси. 1913 й. Бостон, 1917 й. Детройт, 1925 й. Индианаполис болалар музейлари. Москвада 1920 йили Ўйинчоқлар музейини Н.Д.Бартрам – ўйинчоқчи рассом ташкил этган. Ундан ўн йил ўтиб педагог ва музей арбоби Я.П.Мексин Москвада Болалар китоби музейини ташкил

Бруклин музейи асосчиси, табиат тарихи ўқитувчиси А.Галупп бўлган. Унинг концепциясига биноан музей болалар учун фақат ранг-баранг экспонатларни кўриш мумкин бўлган жой, восита бўлибгина қолмасдан, улар ўзларини турли воқеа, саргузашт, ҳаракатларнинг эркин иштирокчилари деб ҳис этишлари лозим эди[1].

Болалар музейи тараққиётининг янги босқичи Музейлар халқаро кенгаши фаолияти билан боғлиқ[2]. Музейлар халқаро кенгаши қошида 1947 йили болалар музейлари бўйича бўлим ташкил этилиб, у маданий-маърифий фаолият билан шуғулланаётган турли мамлакатлар мутахассислари тажриба, ғояларини айирбошлаш ва ҳамкорлик билан шуғулланиш учун мўлжалланган эди.

Болалар музейларининг кейинги тараққиётида 1952 йили Нью-Йоркнинг Бруклин музейида ўтказилган 40 та Европа ва Америка давлатлари вакилларининг конференцияси муҳим ўрин тутади. Унда болалар музейлари ҳаётга лаёқатли ва тез юксалаётган ижтимоий институт, ўқитув жараёнининг ажралмас қисми эканлиги таъкидланди. Турли мамлакатларда мавжуд музей-мактаб алоқаларига эътибор қаратилди.

Музейларнинг маърифий фаолиятининг иккинчи даври (1940–1980 йй.) Маданият масалалари бўйича халқаро ташкилот ЮНЕСКОнинг Европа музейларига болалар ва ўсмирларнинг кенг қатламини жалб этиш ғояси билан боғлиқ эди. Музейлар халқаро кенгаши қошида тузилган махсус «Муаммо гуруҳи» болалар ва ўсмирлар билан махсус шуғулланиб, қатор тадбир, кўргазмаларни ташкил эта бошлади. ЮНЕСКОнинг 1948–1958 йиллардаги (Париж, Лондон, Бергамо, Берлин, Афина ва ҳоказо) конференциялари музейнинг маорифдаги ролига бағишланиши ҳам бежиз эмасди. Музейлар халқаро кенгашининг расмий органи «Museums» журнали муаммога оид кенг кўламдаги фикр-мулоҳаза, таклифларни чоп этиб, масаланинг амалий жиҳатларини ечишга кўмаклашди. Музейлар халқаро кенгаши конференцияларида музейда болалар билан ишлаш масалаларига маорифни демократлаштириш муаммоси нуқтаи назаридан ёндашилди. Бу борада музей ва мактабнинг ўзаро муносабатлари, ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилди. Сабаби шундаки, музейлар учун малакали мутахассислар тайёрлаш дастурлари замонавий талабга жавоб бермайди, деган хулосага келинган[3].

Муаммони ҳал этишдаги ҳаракатлардан бири Музейлар халқаро

---

этди. Россияда болалар музейларига янги қизиқиш 1980–90 йиллари маданий-маърифий муассасалар трансформацияси ва маорифислоҳоти шароитида бошланди. Москвада 1996 йилдан автоном нотижорат ташкилоти «Очиқ болалар музейи» (ОБМ) фаолият кўрсатмоқда.

[1] Макаров Н.Г. Детские музеи Америки. История и современность. – Москва, 1997.

[2] ИКОМ (ICOM) нодавлат ташкилот сифатида 1946 йили ташкил топган. 140 давлатда бугун унинг Миллий комитетлари мавжуд. Қаранг: Коссова И.М. Международный совет музеев (ICOM) и его роль в укреплении взаимодействия музея и общества // Музей и общество. Проблема взаимодействия. Сборник трудов творческой лаборатории «Музейная педагогика» кафедры музейного дела Академии переподготовки работников искусства, культуры и туризма МК РФ. – Москва, 2001. – С. 6-21.

[3] Столяров Б.А. Музейная педагогика. История, теория, практика: Учебное пособие. – Москва: Высшая школа, 2004. – С. 64-65.

кенгаши томонидан «Музей ва ўқитувчи» монографиясининг нашр этилиши бўлиб, у педагогика институтларига мўлжалланган эди. Унда музейнинг ўқув тарбия жараёнидаги роли, турли мамлакатларда музей ўқитувчиларини тайёрлаш услублари ҳақида маълумотлар берилади. Жумладан, Х.Роуз музейнинг тарих, география, адабиёт, табиий фанларни, санъат, дизайн, ашула дарсларини ўзлаштиришдаги имкониятларини очиб беради.

Афсуски, ўзининг кейинги фаолиятида Музейлар халқаро кенгаши болалар таълимида музей воситаларидан фойдаланиш муаммоларига эътиборини сусайтирди. XX асрнинг сўнгги ўттиз йилида музейларнинг жамиятдаги ўрни, музей ходимларини тайёрлаш, маданий меросни муҳофаза қилиш мавзулари ушбу ташкилотнинг диққат марказида бўлганини мутахассислар таъкидлайдилар[1].

Музейларнинг таълим фаолиятига оид замонавий концепциялар 1940 йиллар охиридан илмий таомилга кирган «коммуникация» назарияси нуқтаи назаридан тавсифланмоқда. Ўзининг яратилиши билан у иккита манбага бориб тақалади. Улардан бири 1949 йили К.Шеннон томонидан ишлаб чиқилган алоқанинг математик назарияси бўлиб, унда ахборот узатишнинг асосий элементлари белгиланган. Иккинчиси файласуф М.Маклюеннинг асарлари бўлиб, уларда музейлар ҳамда томошабинлар орасидаги мулоқотда музей коммуникацияси ҳақида тўғридан-тўғри сўз борган[2].

Музей учун коммуникация тушунчасини бевосита ўрганган олим Калгари шаҳар музейи директори Д.Камерон бўлди. Бу тушунчани ўтган асрнинг 60-йилларида амалиётга киритган олим музейга томошабин ва экспонатлар орасидан коммуникацион жараённи амалга оширувчи восита сифатида қарашни таклиф этди. Ушбу жараён заминида бир томондан томошабиннинг музейдаги ашё-буюмлар «тилини» тушуниш қобилияти ётса, иккинчи томондан музей мутахассисларининг ўзига хос фикрларини эркин ифода эта олиши ётади.

Д.Камерон музей фаолиятини ташкил этиш коммуникацион тизимлар марказида турган томошабинлар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш бўйича қатор таклифларни ишлаб чиқди. Уларнинг моҳияти қуйидагиларни талаб этади:

- музей кўргазмаларини яратишда фондларни сақловчилар билан бирга рассом-дизайнерлар иштироки;
- экскурсоводлар томонидан томошабинларни «санъат тилига» ўргатиш;
- профессионал музей фаолияти тизимига томошабинлар билан «бевосита алоқани» таъминлаш учун зарур бўлган психолог ва

[1] Столяров Б.А. Музейная педагогика. История, теория, практика: Учебное пособие. – Москва: Высшая школа, 2004. – С. 66.

[2] Гнедовекий М.Б. Современные тенденции развития музейной коммуникации (на материале музееведческой культуры капиталистических стран) // Проблемы культурной коммуникации в музейной деятельности. Сборник научных трудов НИИ культуры МК РФ. – Москва, 1989. – С.16-34.

социологларни киритиш лозимлиги[1].

Д.Камерон музей фаолиятининг кўпгина жиҳатлари (ашё-буюмларни сақлаш, илмий тадқиқотлар, ҳужжатлаштириш ва ҳоказолар)ни назардан четда қолдирса-да, у таклиф этган музей коммуникация назарияси музейга анъанавий таълим тизимининг кўмак воситаси сифатида қарашдан халос этди[2].

Музей коммуникация назарияси 1960–1970 йилларда шаклланди. Бу қизиқиш компьютер техникаси эришган ютуқлар билан бевосита боғлиқ бўлди.

Музейга ташриф буюрувчилар сонини кенгайтириб, таркибини анча «ёшартирган» жараён музей коммуникацияси назариясини амалда синовдан ўтказиш, унинг заиф жойларини аниқлаш имконини берди. Бу даврда фақат томошабинларнинг музей билан мулоқоти умумий муаммоларга эмас, ўсиб келаётган ёш авлоднинг эстетик тараққиёти ва бадиий тарбияси масалаларига ҳам қизиқиш кучайди. Музейларнинг кенг оммалашуви уларнинг анъанавий экспозицияларининг янгиланишини талаб этади. Томошабинлар талаблари натижасида кўргазмалар фаолияти кескин ўсиб, айниқса XX аср санъатига, унинг турли қирраларига, шунингдек даврнинг техник ютуқларига қизиқиш кучайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда табиийки, «Музейларнинг ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашдаги ишлари талабга жавоб берадими? Унда энг муҳим жиҳатлар, мавжуд дастурлар, назариялардан фойдаланиладими?» деган саволлар туғилади. Бунга жавоб топиш учун манбага мурожаат қилиб, Ўзбекистон тарихи давлат музейининг 2004 йилдаги ҳисоботига мурожаат қиламиз.

Унда қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2003 йил 19 февралда музейга ташрифидан сўнг билдирилган фикрлари асосида экспозиция ҳам ғоявий, ҳам илмий-ижодий жиҳатдан қайта кўриб чиқилди. Йирик тарихшунос ва археолог олимлар, музейшунос ҳамда бошқа алоқадор мутахассислар иштирокида барча экспонатлар яна бир бор кўздан кечирилиб, даврларга мос равишда янгилари билан бойитилди. Экспозициялар тарихий ҳужжат, фотосурат ва янги топилмалар билан тўлдирилди. Даврларнинг изчиллиги таъминланди.

Айниқса, мустақиллик даврига алоҳида эътибор берилиб, халқ ва мамлакатнинг барча соҳаларда эришган улкан муваффақиятлари кўргазмаси воситалар асосида акс эттирилди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ҳудудида миллий давлатчиликнинг шаклланиши жараёнлари ва унинг эволюцион босқичларидан иборат бўлган бош концепцияга бирлаштирилди. Бу эса миллий маданият ва давлатчиликнинг ўзаро уйғун ҳолда ривожланиб бориши эволюцияси ҳамда бутун дунёда тан олинган, жаҳон эътироф этадиган,

---

[1] Гнедовекий М.Б. Современные тенденции развития музейной коммуникации (на материале музееведческой культуры капиталистических стран) // Проблемы культурной коммуникации в музейной деятельности. Сборник научных трудов НИИ культуры МК РФ. – Москва, 1989. – С. 20-21.

[2] Ўша жойда.

нафақат миллий, балки умуминсоний аҳамиятга эга бўлган тарихий экспонат ва ёдгорликларни, цивилизация намуналарини кўрсатиш орқали бизнинг юртимиз ана шундай ноёб бойликлар макони бўлганини яна бир бор исботлаб бериш имконини яратди.

Ўтган бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида музей айниқса, ёшларнинг ҳақиқий маънавий-маърифий масканига айланиб қолди. Музей фаолият кўрсата бошлаган дастлабки кунларданоқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти томонидан тасдиқланган жадвал асосида талаба ва ўқувчиларнинг ташрифи уюштирилди. Бу анъана бугун ҳам изчил давом этмоқда. Талаба ва ўқувчилар олимлар ҳамда музейшунослардан нафақат назарий, балки амалий сабоқ олдилар. Улар тарихимизнинг ёрқин саҳифалари билан танишиб, «Ким эдигу, ким бўлдик?» деган саволга жавоб олиб, бой билим билан музейдан қайтмоқдалар. Бу эса уларнинг миллий ғоя руҳида камол топишларида, Ватанга садоқатли бўлишларида катта аҳамият касб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Миллий университети, Педагогика давлат университети, Маданият ва санъат институтлари, Тошкент шаҳри коллеж ва мактаблари ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Шунингдек, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд сингари вилоятлар раҳбарлари ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратмоқдалар. Жумладан, 2003 йилнинг тўққиз ойи мобайнида музейга 200 минг томошабин ташриф буюрди. Улардан 129 минг нафарини олий ўқув юртлари талабалари, коллеж ва лицейлар ҳамда мактаб ўқувчилари ташкил этди.[1]

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда ҳарбий билим юртлари тингловчилари муҳим экскурсиялар орқали миллий давлатчилик асосларини пухта ўрганиб, ўзларининг интеллектуал салоҳиятларини назарий ва амалий жиҳатдан мустаҳкамламоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигининг ҳарбий академия ва билим юртлари музей экспонатлари асосида ўқув қўлланмалар яратиб, улардан амалиётда фойдаланмоқдалар. Бу эса уларнинг кўҳна тарихга ҳурмат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия олишларида муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Мамлакатимизга расмий давлат ташрифи билан келган олий мартабали меҳмонлар билан биргаликда жуда кўплаб тарихий сайёҳларнинг музей экспозицияларини томоша қилиши мамлакатимиз нуфузини янада оширмоқда, чет элликларнинг Ўзбекистонга, ўзбек халқи тарихи, маданияти ва урф-одатлари анъаналарига қизиқишини тобора кучайтирмоқда. Буни уларнинг музей китобига ёзиб қолдирган дастхатларидан ҳам яққол кўриш мумкин. Биргина 2003 йилнинг ўзида музейга 2600 хорижлик меҳмонлар

---

[1] Ўзбекистон тарихи давлат музейининг 2004 йил ҳисоботи // Ўзбекистон тарихи давлат музейининг жорий архиви.

ташриф буюрган бўлса, 2004 йилда уларнинг сони 5000 дан ошиб кетди[1].

Ўтган давр ичида музей ходимлари томонидан «Ўзбекистон Республикаси Президенти совғалари», «Қоратепа – буддизм маркази», «XIX–XX асрларда ўзбек миллий кийимлари», «XIX–XX асрларда ўзбек хотин-қизлари зеб-зийнатлари», «Ўзбек гиламлари», «Буюк Амир Темур – Самарқанд – Руи Гонзалес де Клавихо», «Қадимий Тошкент» сингари кўргазмалар, Ўзбекистон тарихи ва халқи тараққиётининг янги саҳифалари намойиш этилиши билан томошабинлар диққатига сазовор бўлди.

Музейда вазирлик, ўқув юртлари, ташкилотлар ва илмий муассасалар билан биргаликда конференциялар, семинар ва давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Агар ўтган йилнинг ўзида Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда «Буюк тарихимиз кўзгуси» мавзуида 20 дан ортиқ илмий-амалий тадбир ўтказилган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йилда 1,5 бараварга ошди. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Миллий университети билан шартнома асосида тарих дарслари музейда олиб борилмоқда. Бу талаба ёшларнинг тарихий ҳақиқатни теран англашида муҳим манба сифатида хизмат қилмоқда. Илмий анжуман ва талабалар машғулотларида академиклардан Ў.Исломов, Э. Ртвеладзе, тарих фанлари докторларидан Р.Сулаймонов, Т.Ширинов, фан номзодларидан Л.Левтеева, А.Мусакаева, В.Меносянц ва барча музейларнинг ходимлари фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Музейшуносликнинг долзарб масалаларини тадқиқ этиш натижасида шундай хулосага келинди:

- Ўзбекистонда жаҳон андозаларига жавоб берадиган музейлар яратилганлиги ва уларнинг ахборот таъминоти сферасига ахборот етказиш восита ва услубларини киритиш зарурдир. Бу борада музей ишида замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш самарали натижалар беради;
- мустақиллик шароитида музейларда ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда қатор ибратли ишлар қилинмоқда, лекин мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмагани кўзга ташланади;
- келгусида музей педагогикаси борасида хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибаларни қўллаш ва ушбу қисмда келтирилган усуллардан кенг фойдаланиш лозимлиги тавсия этилиши мақсадга мувофиқ;
- тарих ва ўлкашунослик музейларининг амалий ишлари кўлами ва мазмунини кенгайтириш ва чуқурлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1.Музей педагогикасининг музей ишидаги ролини таърифлаб беринг.

2.Болалар музейлри қачон пайдо бўлган ва уларнинг аҳамияти нимада?

---

[1] Ўзбекистон тарихи давлат музейининг 2004 йил ҳисоботи // Ўзбекистон тарихи давлат музейининг жорий архиви.

**Фойдаланилган адабиётлар:**
1.Бакушинский А.В. Исследования и статьи. – Москва: Советский художник. 1981.
2.Бакушинский А.В. Исследования и статьи. – Москва, 1981.
3.Гнедовекий М.Б. Современные тенденции развития музейной коммуникации (на материале музееведческой культуры капиталистических стран) // Проблемы культурной коммуникации в музейной деятельности. Сборник научных трудов НИИ культуры МК РФ. – Москва, 1989.
4.Макарова Н.Г. Детские музеи Америки: история и современность. Москва, 1997.
5.Молоканова Т.В. Музей и школа: возможности взаимодействия // Проблемы педагогики средней и высшей школы / Сборник. Вып.1. Калинин: Калининский госуниверситет. 2004.
6. Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А. – Москва: Издательство «ВК», 2003
7.Новости всемирного наследия // Мировое наследие. Москва, 2003. – № 5.
8.Романов Н.И. О задачах и методах экскурсий по искусству // Экскурсионный вестник. – Москва, 1916. – №1-2.
9.Романов Н.И. О задачах и методах экскурсии по искусству // Экскурсионный вестник. – Москва, 1916. - №12.
10.Соболева Н.А. Музейный сервис: пути развития / Сборник. Москва, 2004.
11.Столяров Б.А. Музейная педагогика. История, теория, практика: Учебное пособие. – Москва: Высшая школа, 2004.
12.Шмидт Ф.И. Искусство как предмет обучения. – Харьков: Просвещение.

## 5-мавзу: Мустақиллик йилларида музейлар истиқболининг шарт-шароитлари

**Режа: 1. Музейларда замонавий технологияларнинг қўлланилиши.**
**2.Музей маркетинги ва менежменти.**

**1.Музейларда замонавий технологияларнинг қўлланилиши.** Ҳозирги замон музейлари маданий-тарихий ва табиий илмий қадриятларни мушоҳада қилишга мўлжалланган ижтимоий ахборот институтини ўзида намоён этади. Улар музей ашёларини ахборот воситасида муҳофаза қилиш, тўплаш ва тарқатиш, жамиятнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қиладиган, ихтисослаштирилган маданий-маърифий муассасалар ҳисобланади. Музейлар нафақат табиат ҳамда жамиятнинг ноёб ва хилма-хил ашёлари хазинаси, балки муҳим илмий, маърифий-тарбиявий марказлари ҳамдир.

Мустақиллик йиллари республикада тарихий ихтисосликдаги қатор музейлар очилди. Ўзбекистон ўз фуқаролари, хусусан ёшларнинг ўтмиш

тарихининг ижобий воқеалари бўйича билимларини кўпайтириш, уларда ватанпарварлик, Она Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтиришга катта аҳамият бермоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, бу табаррук туйғу йўлчи юлдуз, ишончли компас бўлиб хизмат қилади. Тарихни билиш одамни маънан бой, кучли ва инсонпарвар қилади. «Маънавийлик, – деб ҳақли равишда таъкидлайди давлат раҳбари, – ўз халқи тарихи, унинг маданияти ва мақсадларини чуқур тушуниши ва билишига таянганида қудратли кучга айланади»[1].

Маълумки, сўнгги йилларда республика пойтахти, вилоят ва туман марказларида тарихий йўналишдаги қатор янги музейлар ташкил этилди, эскилари таъмирланди, экспозициялари тубдан янгиланиб, бойитилди. Замонавий музейлар мазмуни, асрлар давомида ижтимоий ахборотни тўплаш ва муҳофаза қилиш, музей ашёлари воситасида билим, анъана, тасаввур ва ҳиссиётларни ўзлаштириш ва янги авлодга узатиш муаммолари эътиборни ўзига жалб этмоқда. Илмий-назарий жиҳатдан ҳозирги вақтда музейшуносликнинг ўзи, бу ноёб моддий ва маънавий манбаларни яратиш вазифаларини аниқ тасаввур этиш учун уни баҳолай олиш ва тушуниш, музей иши муаммоларининг илмий асосланган ечимларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Фаншуносликка оид назарий масала, атама, тушунча ва тамойиллар ечимсиз қолаверади. Уларнинг яратилиши эса кенг қамровли ва чуқур илмий тадқиқотларга, ривожланган мамлакатларнинг бой тажрибасига асосланмоғи лозим. Юқоридаги фикрлардан хулоса қилинса, республикада музейшунослик фанининг замонавий ҳолатини талаб даражасида деб бўлмайди. Музейшуносликнинг музей ашёларини тўплаш, уларни тизимлаштириш, жамғармаларни бойитиш, ашё-буюмларни таъмирлаш, консервация услубларини яратиш масалаларидан тортиб, музей экспозициялари экспонатлари, уларни безаш ва намойиш этиш усуллари сифатидаги тарихий ашёларни ўрганишгача бўлган муаммолар комплексини тадқиқ этиш билан шуғулланувчи предметнинг ўзини услубий ва назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш, айниқса оқсамоқда. Жамият ривожининг замонавий босқичдаги маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, муаммонинг гнесологик жиҳатлари ва амалий вазифа ҳамда мақсадларини асослаш, табиийки, биринчи даражада қонуниятларини аниқлаш, эстетик дид мезонларини ҳисобга олиб экспозицияларни яратиш ва намойиш этиш чоғида тарихий ашё, ҳужжатларнинг муайян гуруҳларини танлашда яққол тасаввур этилиши лозим[2].

Шуни таъкидлаш лозимки, музей ашёси аслият, яъни жамият ёки инсон фаолиятининг музей моҳиятига жавоб берувчи бевосита натижаси, якуни деб қаралиши шарт. Бу кўпроқ муҳим аҳамиятга молик ҳужжат ёки ашёлар

---

[1] Жабборов И.М. Раҳимова Д. Замонавий музейшуносликнинг долзарб муаммолари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2003. - №1. – Б. 2.

[2] Жабборов И.М. Раҳимова Д. Замонавий музейшуносликнинг долзарб муаммолари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2003. – №1. – Б. 2.

намойиш этиладиган тарихий музейларга тааллуқлидир. Хусусан, Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспонатларида ибтидоий жамоа давридан тортиб, ҳозирги кунгача бўлган ноёб ҳужжатли ашёлар аслиятда, жуда бўлмаганда уларнинг нусхалари қўйилган. 1876 йил бунёд этилган Тошкент халқ музейи негизида яратилган ушбу музейнинг улкан жамғармаси мавжуд бўлиб, унда кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Музейлардаги илмий тадқиқотлар натижалари коллекция, экспозицияларни консервациялаш, таъмирлаш, сақлаш, муҳофаза қилиш, ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш, шунингдек, музей фаолиятининг бошқа турлари даражасини аниқлайди. Республика тарихий музейларида сақланаётган энг бой жамғарма тўпламлари: археология, этнография, нумизматика, моддий ва маънавий маданият тарихи, ҳарбий тарих, геральдика, эпиграфика каби фанлардаги тадқиқотлар учун улкан база ҳисобланади. Зеро, тарихий музейлардаги илмий тадқиқот фаолияти бадиий ва ахлоқий қийматга эга янги тарихий маълумотлар олиш манбаи сифатида музей ашёларини ўрганиш йўли билан амалга оширилади.

Музейларнинг яна бир муҳим жиҳати, уларнинг йирик тарихий шахслар ёки воқеа-ҳодисаларни ўрганиш учун барча маълумотлар мавжуд бўлган ягона ёки асосий марказ эканлигидир. Уларни ўрганиш улкан илмий ва ғоявий-тарбиявий аҳамият касб этади. Музей материалларини монография, илмий асарлар тарзида ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этиш халқимизнинг тарихий онгини бойитишга, уларда фахр ва ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда ёрдам беради. Афсуски, бугунги кунда бу соҳадаги ишларни талаб даражасида деб бўлмайди. Фан ва техника тараққиёти илғор ютуқларининг бошқа соҳалар қатори музей ишига ҳам кириб келиши табиий ҳол бўлибгина қолмасдан, ҳаётий зарурият ҳамдир.

Хусусан, 1990 йилларда компьютерлардан музейшуносликда фойдаланиш, соҳа маълумот тизимини шакллантириш ахборотни тўлақонли етказиш имкониятларини кенгайтирди. Музей муассасалари ягона тармоғининг яратилиши музей фондларини ҳужжатлаштиришда кўпгина қулайликларни туғдирди. Жумладан, экспонатларнинг тасвири рақамли фотокамера орқали бевосита компьютерга киритилмоқда. Уларнинг таҳлили ва бошқа маълумотлар илова қилиниб, эҳтиёж туғилганида мутахассислар томонидан қўшимча ва тузатишлар киритилади. Бу тадбир музей ишида доимий ҳаракатда бўлган каталог ва картотеканинг сифатини кескин яхшилашни таъминлайди[1].

Интернет тармоғининг жорий тизими эса мазкур жараённи халқаро миқёсда фаоллаштириб юборди. Эндиликда ундаги «Музейлар», «Маданият» бўлимларига кириб, дунёнинг хоҳлаган музейини «томоша» қилиш, музейлар ҳақида умумий маълумотлардан ташқари фонд экспонати, янгилик, махсус тадбир ва илмий анжуманлар ҳақида, соҳанинг мутахассис ходимлари

---

[1] Фатхуллаев Р. Музей ишида замонавий ахборот технологияси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2002. - № 2. – Б. 8-9.

манзили, уларнинг электрон почталари ва бошқа умумий маълумотларни олиш мумкин. Интернет тармоғида икки ярим миллиондан ортиқ музей экспонатининг суратлари акс эттирилган картотека тизими мавжуд.

Ўзбекистон музейлари ҳам Интернетда ўзларининг сайтларини яратмоқда. Жумладан, Бухоро давлат меъморий-бадиий музей қўриқхонасида музей ходимларини шахсий компьютер техникаси билан таъминлаш масаласи ҳал этилмоқда. Музейлар Интернет тармоғига уланиш, сайт яратиш ва маълумотлар базасини барпо этиш устида маълум ижобий ишлар амалга оширилди. Илк қадам сифатида музей фондидаги қўлёзмалар тўпламини электрон лазер дискига кўчириш ишлари бошлаб юборилди. Лекин амалда республика музейларида бу ишлар анча суст бормоқда.

Маълумки, музейларнинг асосий вазифаси ашёларни тўплаш, сақлаш ва намойиш этишдан иборат. Бугунги кунда музейлар замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали ўз экспонатларининг сақланишини таъминлашлари мумкин. Зеро, аниқ ҳисобга олиш музей бойликларини ишончли сақлаш ва уларга эгалик қилиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Бугунги кунда тарихчи, санъатшунос, музейшунос, тадқиқотчилар музей бойликларини кенг қамровли илмий тадқиқ этишда айрим муаммоларга дуч келмоқдалар. Аввало йирик музейларда жорий этилган тартиб-қоидалар четдан келган мутахассислар ва музей маъмурияти орасида келишмовчиликларга олиб келмоқда. Муаммонинг негизи пуллик хизмат турини таклиф этишдан иборат бўлмоқда. Фикримизча, республиканинг илмий муассасалари ходимларига маданий бойликларни ўрганишлари учун шароит яратилиши лозим. Сабаби, уларга бу хилдаги тадқиқотлари учун давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратилмайди. Қолаверса, бундай тадқиқотлар Ўзбекистоннинг илмий, маънавий-маданий тараққиётини, музейлар манфаатини кўзлаб амалга оширилади.

Юқорида келтирилган сабабларга кўра, Ўзбекистондаги музейлар фондининг 70 фоизи ўзининг фундаментал тадқиқотини кутиб ётибди. Кутубхоналарда мавжуд нашр этилган асарлар эса уларнинг 10 фоизини ёритади, холос.

Бугунги кунда дунёдаги деярли барча нуфузли музейлар Интернет тармоғи орқали узлуксиз чиқишлар қилиб, ўз сайтларини мунтазам янги ахборотлар билан тўлдириб бормоқда. Фақат Россия амалиётини кузатадиган бўлсак, у ерда музейлар фаолияти билан шуғулланувчи қатор уюшма ва марказлар фаолият кўрсатмоқда. Интернетда «Россия музейлари сервери», Бутунроссия музейлари реестри ва бошқаларда музейлар ҳаётининг барча жиҳатлари ёритиб борилмоқда. Москвадаги давлат тарих музейи 1997 йилдан эътиборан экспонатларини Интернет тизими орқали намойиш этиб келяпти. Музейнинг уч мингдан зиёд экспонатлари Умумевропа «Музейонлайн» тармоғига киритилган[1].

---

[1] Фатхуллаев Р. Музей ишида замонавий ахборот технологияси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2002. – № 2. – Б.10.

Музейларда электрон ахборот тизимининг жорий этилиши, унда намойиш қилинадиган сайтларнинг шакли, тартиби, кўринишлари, тузилиши ва соҳанинг бошқа масалаларига бағишлаб қатор илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, музейларни қўллаб-қувватлаш республика «Ўзбекмузей» жамғармаси қошида музейлар учун электрон дастурлар яратувчи мутахассислардан иборат марказ ташкил этиш кун тартибидаги долзарб масаладир. Айнан шу марказ орқали Ўзбекистон музейларида маълумот тарқатиш ва сайтлар яратишнинг ягона тизимини жорий қилиш мумкин.

**2.Музей маркетинги ва менежменти.** Маълумки, музейлар аҳолининг маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун аҳолининг кенг қатламлари уларда сақланаётган ашёвий бойликларни билиши, музейларнинг тадбирларидан хабардор бўлишлари керак. Сақланаётган осори-атиқалар, ташкил қилинаётган тадбир, кўргазмалар ҳақидаги ахборотни аҳолига етказишда замонавий маркетингнинг ўрни беқиёсдир[1]. Унга биноан музейга бормоқчи бўлган киши олдиндан унга нима таклиф этилишини билмоғи лозим.

Музей маркетингининг мажбурий шарти, тадқиқот ўтказиш, у орқали реал кўрсаткичлар аниқланиб, музей олдига қўйган вазифаларга қиёсланади. Ушбу таққослаш режалаштирилаётган ишнинг мақсади, асосий йўналишларини аниқлашга ёрдам беради. Музей ўз бюджетидан маркетинг тадқиқотлари ўтказишга маблағ ажратиши ҳамда маркетинг хизмати учун жавобгар ходим тайинлаши лозим.

Маркетинг лойиҳасини тузишдан аввал музейга ташриф буюрган томошабинларнинг турли тоифалари орасида сўров ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Унинг натижалари музей фаолиятининг турли жабҳаларидаги асосий сифат ва сон кўрсаткичларини таҳлил қилиш имконини беради. Сўров ўтказиш борасида кўплаб омилларни: ижтимоий ҳолати, яшаш жойи, касби, турмуш тарзи, руҳияти, таъминланиш даражаси, ёши, хизмат ҳақи, музей таклиф этаётган рекламаларни эътиборга олиш зарур.

Маркетинг тадқиқоти орқали музейнинг бўлажак томошабини ҳақида маълумот тўпланганидан сўнг янги хорижий музеологияда swot-таҳлил деб аталадиган босқич белгиланади. Унинг мақсади музейнинг реал ҳолатини таҳлил этиш, кучли ва заиф жиҳатларини, имкониятларини, қийинчиликларини аниқлашдир[2].

Маркетинг режасига бир неча тилдаги реклама, машиналар, жамоат транспорти тўхташ жойлари кўрсатилган карта-схема, энг яқин кафелар, буюртмалар бериш учун телефон рақамлари, маълумотларни жўнатиш учун манзиллар рўйхати, халқаро савдо кўргазмалари ва туристик ярмаркаларда қатнашиш ва ҳоказолар киритилади.

---

[1] Альмеев Р. Музей и маркетинг // Мозийдан садо. – Ташкент, 2002. – № 3 (15). – С. 18.

[2] Маркетинг в музеях // Правда Востока, 5 ноября 1992 года.

Музей ўз даромадларини бир неча омиллар орқали ошириши мумкин. Кириш чипталарини, маданий-маърифий хизматлар нархини тоифалаш, узоқ муддатли болалар, ўқувчилар, оилавий абонементлар киритиш мумкин. Музей ашёлари кўринишидаги сувенирларни тайёрлаш, туристлар учун ахборот-савдо маркази яратиб, унда буюмларни сотиш, ишлаб чиқарувчилар билан шартномалар тузиб, музейнинг эмблемаси, экспонатлардан нусхалар тайёрлаб савдога қўйиши мумкин. Агар муҳофаза этиш кафолатланса, музей экспонатларидан айримларини турли фирмаларга реклама учун ижарага беришни ҳам қўллаш жоиз[1].

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, музейларда анъанавий ҳунармандчилик ярмаркаларини ташкил этиш, усталарнинг ўзлари ясаётган ашёларнинг тайёрланиш технологиясини намойиш этишлари ва сотишлари яхши натижа бермоқда. Музейларнинг ҳунармандларга хоналарни бепул ижарага бериши тавсия этилади. Ўзбекистонда бу борада дастлабки қадам Бухоро ва Хива музей-қўриқхонаси томонидан қўйилди. Аммо бу тадбир ҳали кенг ёйилмаганини таъкидлаш лозим.

Фондларни томоша қилишни хоҳловчиларга музей захираларини кўрсатиш учун экскурсиялар ташкил этиш ҳам яхши натижа беради. Реставрация ва консервациялашга оид ишларни томоша қилиш ҳам томошабинларда қизиқиш уйғотиши табиий. Музей қошида ташкил этилган магазин ва савдо шохобчалари орқали музей йўл кўрсаткичлари, тақвим-календарлар, кассеталар, китоблар, эмблемали сувенирлар сотилишини ташкил этиш лозим. Музейдаги савдо Америка ва Европа музейларида яхши йўлга қўйилганини таъкидлаш мумкин.

Ўз бюджетини тўлдиришнинг ноанъанавий усулларини яратган музейлар ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатишнинг янги услубларини қўллаш орқали тўплаган маблағларига биноларни таъмирлаш, замонавий ахборот технологияларини, илмий тадқиқотлар учун жиҳоз-ускуналарни сотиб олиши, янги экспозиция, кўргазмалар ташкил этиш, экспонатларни тўплаш, реставрация қилиш ва ҳоказоларни бажариш имкониятига эга бўлади. Бу борада музей менежментининг ёрдами беқиёсдир.

Менежмент тушунчаси ишлаб чиқаришни бошқаришдаги тамойил, услуб, шакллар, интеллектуал, молиявий ва бошқа ресурсларни ифодалайди[2]. Бошқача айтганда, менежмент муассаса ва унинг аъзоларини бошқаришнинг назарияси ҳамда амалиётидир.

Менежмент асосий омилларидан бири истиқболли режа бўлиб, уни яратиш давомида эришилмоқчи бўлинган мақсад ҳамда унга эришиш йўллари белгиланади. У музейда вужудга келган вазиятни батафсил ўрганиб, ажратилган маблағларни, шунингдек, ходимларни тўғри тақсимлаш имконини беради. Музей менежменти борасидаги энг етакчи

---

[1] Соболева Н.А. Музейный сервис: пути развития. / Сборник. – Москва, 2004. – С. 25.
[2] Юреньева Т.Ю. Музееведение. – Москва: Академпроект, 2003. – С. 496.

мутахассислардан бири Рожер Майлз режалаштириш давомида уч нарсага эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди:

- ким, қандай томошабин учун режа тузилаётганлиги ва иш олиб борилаётганлигини аниқ тасаввур этиш;

- музей интилаётган мақсад ва вазифалар иерархиясини тузиш;

- лойиҳани амалга оширишни чеклаётган омилларни таҳлил этиш[1].

Истиқболли режани тузишда музей ходимлари қатнашишлари шарт, сабаби улар лойиҳанинг энг муҳим қисмидир. Режани тайёрлашга бошқа манфаатдор шахс ва гуруҳлар ҳам таклиф этилади. Музейнинг сиёсати, иш стилига алоқадор бўлган инсонлар оғир пайтларда уни қўллашлари муқаррар. Аксарият ҳолларда маҳаллий ҳокимият ёки марказий ҳукумат томошабин, тадқиқотчи, спонсорлар, музей дўстлари бўлиб, улар асосий молиявий манба эканлигидан ташқари музей сиёсатини белгилаб берувчилар ҳамдир. Ушбу гуруҳларнинг ҳар бири музейга турлича талаблар қўйиб, унинг фаолиятини ҳам турли хилда баҳолайдилар. Музей юқорида қайд этилган ҳар бир гуруҳ қизиқишларини ҳисобга олиб, уларни умумлаштира олгандагина муваффақиятга эришади.

Истиқболли режа тузишдаги асосий манба олдиндан олиб борилган ишлар ҳамда эришилган муваффақиятлар бўлади. Аҳамияти жиҳатидан иккинчиси «ғоялар» бўлиб, ушбу ижодий жараёнда бир гуруҳ музей ходимлари қисқа вақт ичида музейнинг асосий вазифалари, ўз фаолиятидан кўпроқ даромад олиш йўлларини изоҳлаб беришади. Дастлабки ғоялар қанчалик реал ёки хаёлий бўлмасин, фақат қайд этилиб тўпланади. Сўнгра гуруҳ аъзоларидан бири жавобларни таҳлил этиб, маълум «қолипга» солиб баҳолайди. Гуруҳ вакиллари берган ғоялардан маълум бир қисми бошқалар томонидан кенгайтирилиши ҳам мумкин.

Истиқболли режани амалга ошириш давомида уни такомиллаштириш устида ҳам ишланиб, амалиётда пайдо бўлган тажрибадан келиб чиқиб, ўзгаришлар киритиб борилади. Масалан, бир қисм ишлар бажарилгандан сўнг моддий захиралар ва амалга оширилаётган ишлар режаси, қўйилган мақсад ҳамда вазифалар қайтадан кўриб чиқилиши ҳам мумкин[2]. Музей ишларини яхшилаш учун унинг қуйидаги жиҳатларини ўрганиш лозим:

Музейнинг кучли томонини – у катта шаҳарда жойлашган; халқ маданияти ва тарихига оид ажойиб тўпламга эга: музейдаги тўплам бутун мамлакатда шуҳрат қозонган; музей тарихий бинода жойлашган бўлиб, уларнинг ҳар бири томоша қилишга лойиқ; унинг директори юксак савияли мутахассис, ҳаракатчан киши, коллективни бирлаштира оладиган, музейнинг маҳаллий сиёсий арбоблар билан алоқаларини яхши йўлга қўя оладиган бўлиши керак.

Музейнинг заиф жиҳатларини – музей жойлашган туман чет эллик

[1] Майлз Р. Планирование – основной инструмент менеджмента // Музей. Маркетинг. Менеджмент. – Москва, 2001. – С. 60-73.

[2] Юреньева Т.Ю. Музееведение. – Москва: Академпроект, 2003. – С. 497.

туристлар кам келадиган ҳудуд; туристлар мамлакатдаги иқтисодий муаммолар туфайли камайган; бюджет ажратган маблағлар асосан ходимлар маошига етади; янги кўргазмалар кам уюштирилаётгани туфайли маҳаллий аҳолининг музейга қайта кириши кескин камайган; доимий экспозиция маънавий жиҳатдан эскирган; музейни муҳофаза қилишга маблағ етишмайди.

Имкониятларини – Европа мамлакатларига музейнинг иконалар тўпламини кўргазмаларга юбориш мумкин; маҳаллий шиша заводи спонсорлик кўмаги тарзида витриналар учун ойналар ясаб бериши мумкин; айрим кишилар ёки ташкилотларга бағишланган кичик кўргазмалар ташкил этиш мумкин; музей ўқувчилар учун махсус дастур бўйича кўргазма тайёрлайди; музейнинг ички ҳовлисида музей бошқа ташкилотлар кўмагида театрлаштирилган томошалар ва концертлар ўтказади.

Хавфли жиҳатларини – мамлакатдаги иқтисодий ҳолат музейнинг тараққиётига халақит қилади; доимий маблағ етишмовчилиги ходимларни парокандаликка олиб келади; фондларни муҳофаза қилиш нормативлар талабига мос эмас; мазмунли ҳордиқ чиқариш соҳасида рақобат кучайиб, бундай хизмат кўрсатадиган муассасалар кўпайиб, томошабинлар сонининг ошишига қилинган ҳаракат натижа бермайди.

Музей етакчи соҳа сифатида хорижда кўргазмалар ташкил этиш орқали ўзининг молиявий ҳолатини яхшилаши ва обрўсини ошириши мумкин ҳамда тўпланган маблағлар экспозицияга зарур ўзгаришларни киритишга имкон яратади[1].

Ранг-баранг дастурлар тайёрлаш; ўйланган лойиҳаларни амалга ошириш, қолаверса мавжуд муаммоларни – тўпламлар муҳофазаси, илмий тадқиқот ва маданий-маърифий фаолиятларни йўлга қўйиш учун фақат бюджетга қараб қолмасдан, молиявий манбаларни кенгайтириш лозим. Ўзбекистон музейлари эндигина бозор иқтисодиёти шароитларида яшай бошлагани туфайли ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш муаммоси улар учун янги, ҳолбуки хорижий музейлар бу борада катта тажриба тўплашган. Уларнинг аксарият қисми бизнинг шароитимизга ҳам мос келади ва музей ишида қўллаш мумкин.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида хорижий мамлакатларда музей бюджетининг шаклланишида кўп каналли тизим – давлат, жамоа, хусусий, корпоратив, нотижорат ташкилотлар маблағларига таянмоқда. Давлат ва нодавлат маблағлари орасидаги тафовут турли мамлакатларда фарқланиб, ҳомийлик, хайрия анъаналари давлатнинг маданиятда тутган сиёсатига, солиқ соҳасидаги қонунчилик ва бошқа омилларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Хорижий музейларда 1970 йилларда пайдо бўлган «маблағ топиш» услуби нотижорат лойиҳалар учун молиявий маблағларни жалб этиш бўйича ишлар мажмуасини англатади. Замонавий технологиялар музей фондрейзингини профессионал бизнесга айлантириб, унга бағишлаб кўплаб ўқув қўлланмалар чоп этилган. Мазкур услубнинг қарор топишида давлат муҳим ўрин тутиши

[1] Юреньева Т.Ю. Музееведение. – Москва: Академпроект, 2003. – С. 500-501.

лозим. Ўзбекистон қонунчилигида ҳозирдаёқ шундай солиқлар тизими яратилганки, тижорат секторининг маданият лойиҳалари бюджетини шакллантиришдаги иштироки қатнашувчиларнинг иқтисоди учун манфаатлидир. Аммо бу омил ҳозирча сезиларли даражада самара бераётгани йўқ. Шунга қарамасдан солиқ тизими ва қонунлар ҳали янада такомиллаштиришни кутмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам аста-секин музейларнинг бюджетдан ташқари таъминотига эътибор қаратиб, махсус ҳукумат, вилоят ва маҳаллий лойиҳа, конкурслар ўтказмоқда.

Ҳозирги пайтда жаҳонда кўплаб ташкилотлар махсус маданият соҳасида хайрия дастурларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Уларнинг аксарияти турли фондлар томонидан молиявий таъминланиб, бу ёрдам грантлар сифатида беғараз молиявий ва моддий ёрдам кўрсатади. Ўзбекистон музейлари ҳам турли фондлар билан ҳамкорлик бобида янги тажриба тўпламоқда. Хайриядан фарқлироқ, ҳомийлик маданият муассасаси ва бизнес орасидаги тижорат «битими»дир. Тижорат тизимининг маданий лойиҳаларга маблағ қўйишининг қатор жиҳатлари мавжуд. Ҳомийлик энг аввало реклама компаниясининг маълум қисми сифатида, бошқа тадбирлар қаторида компаниянинг ижтимоий-маданий ҳаётдаги ижобий имиджини яратишга хизмат қилади.

Музейнинг бўлажак ҳомийсини аниқлаши ва ундан фойдалана билиши ҳар қандай фондрейзинг компаниясининг муҳим жиҳатидир. Тажриба шуни кўрсатадики, ҳақиқий ҳомийни қўққисдан учрашувларда топиб бўлмайди. Шунинг учун хорижий музейлар махсус вақт ва маблағ ажратиб, ҳомийларни жалб этиш лойиҳаларини ишловчи махсус тараққиёт бўлимлари ташкил этиб, унга таклиф этилган мутахассислар қўшимча молиявий манбаларни жалб этиш билан шуғулланадилар.

Музей «маблағ топиш» услуби бўлажак ҳомийлар – алоҳида йирик шахс ва компаниялар ҳақида ахборот беришни яратишдан бошланади. Унга ҳомийлар фаолияти, қизиқишлари, ҳомийлик анъаналари, уларнинг имкониятлари, маъмуриятлари ҳақидаги, қадриятларидаги талаблари тўпланади. Ахборотлар ҳар чорак ёки ярим йилда қайта текширилади, сабаби шуки, даромадлари кескин камая бошлаган тижоратчи ёки компанияга йўл топишга ҳаракатнинг маъниси йўқ. Аксарият ҳолатларда агар танланган ҳомийнинг даромади ўсаётган бўлса, унинг маълум музей лойиҳасида иштироки, айниқса солиқлардан имтиёзлари бўлса, самарали бўлиши мумкин. Ҳомийлик кўмаги фақат молиявий кўринишда бўлиши шарт эмас. У болаларни музейга олиб келиш учун транспорт воситаларини ажратиш, турли инженерлик ва меъморчилик ишлари, ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш шаклида ҳам кўрсатилиши мумкин. Хорижий музейларни молиявий таъминлашда хусусий мулк эгалари ҳам катта ўрин тутади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг музей фаолиятини қўллаш бўйича «аъзолиги» кундан-кунга кенг ёйилмоқда. Бу тизимнинг анъанавий турлари «Музей дўстлари жамияти», «Дўстлар клуби», Ҳомийлар кенгаши бўлиб, улар фаолияти

музейнинг мижозлар билан ишончли муносабатларини ўрнатишга қаратилган. Музей фаолиятининг унумлилигини таъминлайдиган муҳим омил унинг ходимларидир. Музей бошқаруви услуби ва унинг ички ташкилий тизими ишни энг унумли бўлишини таъминлаши лозим. Бунинг учун музей коллективи ягона жамоани ташкил этиб, ундаги ҳар бир шахс ўз вазифа ва мажбуриятларини аниқ тасаввур этиб, бажаришидан ташқари ўз ғояларини таклиф этиб, амалга оширилишига эришмоғи лозим. Ҳолбуки, Ўзбекистон учун анъанавий ҳол, музей сиёсати «тепадан туширилиб», оддий ходим қабул қилинаётган қарорларга таъсир этиш имкониятига деярли эга эмас. Албатта бу ҳолат фақат бизга эмас, собиқ советлар тизимида бўлган кўпчилик янги мустақил давлатлар учун ҳам одатий ҳолдир.

Мустақиллик йилларида музейлар истиқболи шарт-шароитлари тадқиқ ва таҳлил этилиб, шундай хулосалар билдирилади:

- бугунги кунда Ўзбекистон музейлари олдида иккита муҳим вазифа турибди. Бир томондан, одамлар онгида музей ҳақида ўрнашиб қолган эскича, ноўрин тасаввурларни ўзгартириш бўлса, иккинчи томондан, музей ходимларининг томошабинларга нисбатан муносабатининг ижобий жиҳатларини кучайтириш лозим;

- инсонлар музейда ўзларини эркин ва ишончли тутишлари учун улар олдиндан ўзларининг ноўрин фикрларини ўзгартирадиган ахборот олишлари лозим;

- музей аудиторияга ўз биносида ёки реклама орқали таъсир этиши мумкин. Шунинг учун рекламага пулни тежамай, уни профессионал даражада, музей учун ягона, чиройли кўринишда яратиш зарурлиги кўрсатилди.

Менежмент ва маркетинг – бу фақат эришиш лозим бўлган фангина эмас, балки ўзига хос истеъдодни талаб қиладиган санъатнинг тури дейиш мумкин. Турли музейлар учун муваффақиятли фаолият олиб боришнинг ягона рецепти йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир музей бозор иқтисодиёти шароитида яшаш ва гуллаб-яшнашнинг ўзига мос келадиган механизмларини ишлаб чиқиши муҳимлиги таъкидланади.

Ўзбекистонда музей ишларини яхшилаш ва такомиллаштириш учун юқоридаги барча фикр ва таклифларни ҳаётга татбиқ этиш ижобий натижа беради деган хулосага келиш мумкин.

**Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. Музейларда замонавий технологияларни қўлланилишининг қандай қулайликлари мавжуд?

2.Музей маркетинги ва менежменти хақидаги умумий тушунчангиз ва ҳаётга тадбиқ этилиши хақидаги фикрингиз.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Альмеев Р. Музей и маркетинг // Мозийдан садо. – Ташкент, 2002. – № 3 (15).
2. Жабборов И.М. Раҳимова Д. Замонавий музейшуносликнинг долзарб муаммолари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2003. - №1.
3. Майлз Р. Планирование – основной инструмент менеджмента // Музей.
4. Маркетинг. Менеджмент. – Москва, 2001.
5. Маркетинг в музеях // Правда Востока, 5 ноября 1992 года.
6. Соболева Н.А. Музейный сервис: пути развития. / Сборник. – Москва, 2004.
7. Фатхуллаев Р. Музей ишида замонавий ахборот технологияси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2002. - № 2.
8. Юреньева Т.Ю. Музееведение. – Москва: Академпроект, 2003. – С. 496.

## ХУЛОСА

Музейшуносликка оид архив ҳужжатлари, адабиётлар таҳлили натижасида қуйидаги **хулосалар** юзага келди:

1. XIX асрнинг иккинчи ярмида жамиятда янги эҳтиёжлар шаклланиб, Туркистонда музейларнинг зарурлиги англанди ва кўп сонли коллекция ҳамда тўпламлар вужудга келиб, дастлабки музейлар ташкил қилинди. Музейлар махсус муассасалар сифатида тараққий этиб, маданий жараёнларда сезиларли ўринни эгаллаб, жамоатчилик ҳурмат-эътиборини қозонди. Музейдан турли маданий, илмий, маърифий, тарбиявий мақсадларда фойдаланиш бошланиб, улар тез орада шаклланаётган ижтимоий муҳитда муҳим коммуникатив бўғин сифатида ўз ўрнини эгаллади. Етакчи мутахассисларнинг фикрича, музей экспозициялари чуқур илмий мазмундан холи бўлса-да, улар ўлкашуносликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Махсус адабиётлар ва архив материаллари илмий жиҳатдан иккита тарихий даврдаги музейларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этишга имкон берди. Жумладан, Россия империяси давридаги музейлар бир томондан, ўлка тарихи, маданияти, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганишга ёрдам берган бўлса, иккинчи томондан, баъзи тарихий-маданий қадриятлар турли сабабларга кўра мамлакатдан олиб чиқиб кетилган, миллий ва маданий бойликлар талон-торож қилинган.

2. Совет даври музейларининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий томонлари ҳам кузатилди. Махсус адабиётларга таянган ҳолда музейларнинг ривожидаги етакчи ўринни мутахассислар эмас, компартия ва унинг раҳбарлари эгаллади. Музейларнинг асосий йўналиши меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдан иборат бўлди. Натижада, давр сиёсатига зид материаллар экспозициялардан олиб ташланди ва оқибатда анъанавий-маданий буюмлар ва уларнинг ишлаб чиқилиши

сустлашди. Музей экспозицияларида ёдгорликлардан фойдаланиш масаласи салбий тарзда ҳал қилинди ва бу собиқ совет давридаги музейлар ривожида салбий роль ўйнади. Мавжуд тарих ва ўлкашунослик музейларининг барчасида янги тузум ютуқлари намойиш этилиб, унинг ғояларини кенг оммага сингдирувчи экспозициялар пайдо бўлди. Асосий эътибор томошабинлар билан сиёсий-маърифий иш олиб боришга қаратилди. Экспозицион фаолиятни баҳолашнинг асосий мезони унинг сиёсий мазмуни бўлди. Юқорида келтирилган фикрлардан шундай натижа олиш мумкин:

- советлар даврида музейлар марказлашган тизим асосида бошқарилиб, моддий таъминоти захиравий таъминот усулига ўтказилди;

- империя ҳукумати томонидан бошланган халқнинг моддий ва маданий бойликларини талон-торож қилиш сиёсати давом эттирилди;

- меъморий ёдгорликлар (масжид ва мадрасалар) омбор, ётоқхоналар ва бошқа нарсаларга айлантирилди, музейларнинг моддий-техникавий базаси заиф, захира ва қолдиқлар принципи асосида таъминланган;

- XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб музейлар асосан сиёсий-мафкуравий ва ғоявий-тарбиявий вазифаларни бажарадиган бўлди;

- XX асрнинг 30-йилларидан музейлар партия «буйруқларига биноан», кўп ҳолларда минтақа ва миллий анъаналарга зид ҳолда партия ҳамда давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини «ҳаётга татбиқ этишини» кўрсатувчи жойларга айланди;

- бу даврнинг яна бир хусусияти шундан иборат бўлдики, ўлкашунослик характеридаги музейлар сон жиҳатдан кўп бўлган;

- Иккинчи Жаҳон уруши йилларида барча музейлар ва музей иши ҳам ғалабага эришиш мақсадларига йўналтирилди. Бироқ баъзи музейларнинг нодир фонди, заргарлик маҳсулотлари, нумизматик коллекциялари Мудофаа фондига олинган эди;

- советлар даврида музейларнинг ривожланишида музей ходимларининг эмас, балки давлат органларининг ҳиссаси катта бўлган.

Ва ниҳоят, бундай қарама-қаршилик ва носоғлом рақобатда миллий қадриятлар, анъанавий маданият мағлуб бўлмай, барча қийинчиликларга бардош берди. Мустақиллик даврида у умуминсоний қадриятлар қаторидан жой олди.

3. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, музей ишига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Мустақиллик даврида музей ишининг меъёрий-ҳуқуқий асослари бўлиб, музей ишига оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Қонуни хизмат қилган. Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистондаги мавжуд музейлар фаолиятини яхшилаш борасида тадбирлар ишлаб чиқишга, жаҳон музейшунослиги талаблари даражасида, миллий ғоя ва қадриятлар асосида экспозицияларни қайта куриш ҳамда ўзбек халқининг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасини

кўрсатувчи янги музейлар яратишга асос бўлди ҳамда ўз даври учун муҳим аҳамият касб этди.

4. Ўзбекистон тарихи давлат музейини тадқиқ этиш жараёнида ушбу муассаса узоқ тараққиёт босқичи давомида тўпловчилик, сақлаш, экспозиция яратиш, таъмирлаш, экспонатларни илмий томондан ўрганиш борасида бой тажриба орттирди ва етакчи музейга айланди. Мустақиллик даврида музейнинг миллий ғоя асосида бутунлай янги илмий концепцияси ишлаб чиқилиб, жаҳон андозаларига мос экспозиция тузилди. Бу даврда музей ишидаги етакчи ғояни экспозициялар орқали кўрсатиш, ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини энг замонавий музей технологиялари асосида томошабинларга етказиш масаласи ҳал қилинди.

5. Темурийлар тарихи давлат музейи мустақиллик даври бунёдкорлигининг самараси бўлиб, ушбу музей фақат ўзбек халқи тарихи эмас, балки жаҳон аҳамиятига эга бўлган Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва темурийлар даврида яшаган илм-фан, маънавият намояндалари ютуқларини намойиш этмоқда. Қисқа вақт ичида мазкур музей жуда катта маънавий, маърифий, илмий ишларни амалга оширганлиги, халқаро нуфузга эга бўлганлиги билан диққатга сазовордир.

6. Республикада янги музейларнинг ташкил этилиши, тараққиёти муҳим аҳамиятга эга. Термиз Археология музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи каби экспозициялари ва бинолари замон талабларига, жаҳон андозаларига мос келадиган музейлар яратилди. Иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, миллий қадриятлар, тарихий-маданий бойликларни авайлаб-асраш, тўплаш ҳамда жаҳонга танитиш мақсадида давлат томонидан музейларга катта эътибор берилиб, мустақиллик йилларида ўндан зиёд янги музей барпо этилди.

7. Ўзбекистонда замонавий музейшуносликнинг долзарб масалалари бўлмиш ёш авлод тарбиясида музейларнинг ўрни, вазифалари, музей педагогикасининг аҳамияти ҳамда компьютер ва ахборот технологияларини музей ишида қўллаш муҳимдир. Бугунги кунда дунёнинг деярли барча нуфузли музейлари Интернет тармоғи орқали узлуксиз чиқишлар қилиб, ўз сайтларини мунтазам янги ахборотлар билан тўлдириб бормоқда. Бундай ишлар Бухоро, Хива музей-қўриқхоналарида, Термиз Археология музейида йўлга қўйилди. Ўзбекистоннинг бошқа музейларида ҳам шу тажриба амалга оширилиши зарурлиги кўрсатилди.

8. Менежмент ишини, яъни музей ҳамда унинг ходимларини бошқариш назарияси ва амалиётини йўлга қўйиш, бу ишнинг муҳим жиҳатлари, уни яратиш давомида истиқболли мақсад ва унга эришиш йўллари белгиланмоғи лозим. Музей ишида маркетинг масалалари, лойиҳалар тузиш, режалар яратиш, уларни амалга ошириш вазифалари ва йўллари; менежмент тушунчасининг назарияси ва амалиёти; хорижий музейларда менежмент фаолияти тажрибаларининг ижобий жиҳатларини ўрганиш ва уларни

Ўзбекистон музейларида жорий этиш ижобий натижа беради. Бу музейлар тараққиётида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон музейлари, уларнинг мустақиллик йилларидаги фаолияти хусусиятларини тавсифлаш, музейларнинг бугунги ва эртанги истиқболининг аҳамиятли жиҳатларини, вазифаларини аниқлаш билан бирга, уларга эришиш йўлларини ҳам топиш лозим.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиққан ҳолда, истиқболда қуйидаги **таклиф** ва **тавсияларни** амалга ошириш лозим деб ҳисобланди:

- вилоятлардаги тарих ва ўлкашунослик ихтисослигидаги музейларни малакали кадрлар билан таъминлаш;
- Ўзбекистондаги барча йирик музейларнинг йўл кўрсаткичлари ва каталогини яратиш;
- Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида болалар музейини ташкил этиш;
- музейлардаги экспозиция тузиш услубларини тубдан ўзгартириш, яъни жаҳон андозаларига мослаштириш;
- «Ўзбекмузей» жамғармаси қошида музейлар учун электрон дастурлар яратувчи мутахассислардан иборат марказ ташкил этиб, шу орқали Ўзбекистон музейларида маълумот тарқатиш ва сайтлар яратишнинг ягона тизимини жорий қилиш;
- сақланаётган осори-атиқалар, ташкил қилинаётган тадбирлар, кўргазмалар ҳақидаги ахборотларни аҳолига етказишда замонавий маркетингдан фойдаланиш;
- музейлар фаолиятининг серунум бўлишини таъминлайдиган муҳим масалалар бўлмиш музейнинг бошқарув услуби, ички ташкилий тизими ишининг унумдорлигини таъминлаш;
- музей иши ва музейшуносликка оид билимлар, уларнинг кейинги тараққиёти, музейлар ҳамда жамиятнинг ҳамкорликдаги ҳаракатини янада унумлироқ бўлишини таъминлаш.
- олий ўқув юртлари учун Ўзбекистондаги барча музейлар тарихини ўз ичига олган яхлит ўқув қўлланма ва дарслик яратиш.

XXI асрга илдам қадам босиб бораётган Ўзбекистон ўзининг қадимий ёдгорликларини қайта тиклаш, сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиб келажак авлодга етказиш учун Марказий Осиёда етакчилик қилмоқда. Маданий ёдгорликларни сақлашда Ўзбекистон барчага ибрат бўладиган ишларни олиб борганини жаҳон жамияти ҳам тан олаётгани қувонарли. Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз, Хива, Қўқонда олиб борилаётган ишлар натижасида Ватанимизга ташриф буюраётган хорижий сайёҳларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. Очиқ осмон остидаги музейга айланаётган Ўзбекистон келажакда туризм ва туризм сервиси йўналишида ҳам янада катта муваффақиятга эришиши бор ҳақиқат.

**“Ўзбекистонда музей иши тарихи” фани бўйича тест саволлари:**

| № | Саволлар | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Туркистондаги илк музей қачон ташкил этилган? | *1876<br>12-июль | 1878<br>5-март | 1890<br>28-январь | 1898<br>17-май |
| 2 | Ўрта Осиёда қачондан бошлаб илмий жамиятлар пайдо бўла бошлаган? | 1890 | *1870 | 1885 | 1897 |
| 3 | Ўзбекистонда биринчи ихтисослашган музей қачон ташкил этилган? | 1900 | *1918 | 1905 | 1920 |
| 4 | Ўзбекистондаги илк музейларни ташкил этишда кимлар иштирок этишган? | *А.Федженко<br>В.Ошанин<br>В.Бартольд | В.Ошанин<br>А.Асқаров<br>Ш.Иброхимов | А.Федченко<br>М.Қосимов<br>В.Ошанин | В.Бартолд<br>Ш.Иброхимов<br>М.Қосимов |
| 5 | Ўрта Осиёдаги илк музей қайси шаҳарда очилган? | Бухоро | *Тошкент | Ўш | Душанбе |
| 6 | С.П.Заверинниг Туркистон моллари намуналарининг савдо музейи қачон ташкил этилган? | 1920 | 1907 | 1900 | *1914 |
| 7 | Туркистондаги илк музей директори ким эди? | А.Асқаров | М.Қосимов | *Н.А.Маев | В.Ошанин |
| 8 | Янги Марғилонда илк музей ташкил этилган сана? | 1886-й<br>10-май | *1899-й<br>6-июнь | 1908-й<br>15-март | 1910-й<br>18-май |
| 9 | Самарқанддаги илк музей қандай номланган эди? | *Самарқанд статистика қўмитаси музейи | Ажойибхона | Самарқанд ўлкашунослик музейи | Самарқанд табиат музейи |
| 10 | Янги Марғилондаги илк музей асоси ….? | *Кўргазма экспонатлари | Хусусий коллекциялар | Экспедитциялардан келтирилган буюмлар | Археологларнинг коллекцияси |
| 11 | Самарқанддаги илк музейга қандай бино ажратилган? | *Георгиев черковидан 2 хона | Махсус бино қурилди | Мактабдан хона ажратилди | Мадрасадан бино ажратилди |
| 12 | Наманган вилояти ўлкашунослик музейи қачон ташкил этилган? | 1921 | *1920 | 1922 | 1923 |
| 13 | Ўзбекистон тарихи давлат музейи қачон ташкил этилган? | 1890 | 1920 | *1876 | 1878 |
| 14 | Бухоро ўлкашунослик музейи ташкил этилган сана? | 1930 | *1922 | 1923 | 1924 |
| 15 | Ўзбекистон давлат санъат музейи қайси коллекция асосида ташкил этилган? | *Князь Н.Романов коллекцияси | А.Акрамовнинг нумизматик коллекцияси | Олимларнинг илмий ишлари жараёнида йиғилган буюмлар | Археологлар топилмалари асосида |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 16 | Қўқон ўлкашунослик музейи қачон ташкил этилган? | *1924 | 1925 | 1926 | 1927 |
| 17 | Қўқон ўлкашунослик музейи илк ташкил этилганда қайси бино ажратилган эди. | *Қўқон хони Худоёрхон саройи | Махсус бино қурилди. | Мадраса биноси | Масжид биноси |
| 18 | Қорақалпоғистонда биринчи музей қачон ташкил этилган? | *1927-й Тўрткўл шахрида | 1929-й Нукусда | 1930-й Қўнғирот | 1931-й Мари |
| 19 | Андижон вилояти ўлкашунослик музейи қачон ташкил этилган? | *1934 | 1935 | 1936 | 1937 |
| 20 | Половцевнинг қароргохида қайси музей жойлаштирилган? | Ўзбекистон. давлат санъат музейи | *Амалий санъат музейи | Табиат музейи | Геология музейи |
| 21 | Қайси қатордаги музей учун Тошкентда махсус бино қурилган? | Ўзбекистон тарихи давлат музейи | Амалий санъат музейи | *Ўзбекистон давлат санъат музейи | Табиат музейи |
| 22 | Чор Россияси мустамлакачилиги давридаги коллекционерни кўрсатинг? | *Акром Асқаров | Мир-Убайдулла | Усто Абдулло | Файзулло Хўжаев |
| 23 | Тошкентдаги адабиёт музейининг тўлик номи…… | А.Қодирий номидаги Адабиёт музейи | Ғ.Ғулом номидаги адабиёт музейи | *А.Навоий номидаги давлат адабиёт музейи | Захириддин Мухаммад Бобур номидаги адабиёт музейи |
| 24 | «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш» тўгрисидаги фармон? | *12-январь 1998-йил ПФ-1913 сонли | 5-декабрь 1994-йил | 12-январь 1998-йил 618-сонли | 5-декабрь 1999-йил ПФ-1913 сонли |
| 25 | Ғ.Ғулом уй музейи қаерда жойлашган? | Урганчда | *Тошкентда | Бухорода | Навоийда |
| 26 | Ю.Ражабий уй музейи қаерда жойлашган? | Хивада | Бухорода | *Тошкентда | Жиззахда |
| 27 | Ш.Рашидов уй музейи қаерда жойлашган? | Хивада | Бухорода | *Тошкентда | Жиззахда |
| 28 | Ф.Хўжаев уй музейи қаерда жойлашган? | *Бухорода | Термизда | Фарғонада | Сирдарёда |
| 29 | Пахлавон Махмуд мақбараси қаерда жойлашган? | Тошкентда | *Хивада | Бўкада | Наманганда |
| 30 | М.Улуғбек расадхонаси қаерда жойлашган? | *Самарқандда | Бухорода | Навоийда | Нукусда |
| 31 | Гўри Амир мақбараси қаерда жойлашган? | Хивада | *Самарқандда | Нукусда | Фарғонада |
| 32 | И.В.Савицкий қандай асарларни йиғган? | *Амалий ва тасвирий санъат | Фақат Хайкалтарошлик | Фақат Графика | 1 ва3 жавоб тўғри |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 33 | 1996-йил 18-октябрда қайси музей очилган? | Ўзбекистон давлат санъат музейи | *Темурийлар тарихи давлат музейи | Табиат музейи | Ғ.Ғулом уй музейи |
| 34 | Термиз Археология музейи учун қандай бино ажратилган? | Музей учун мослаштирилган бино | Хокимият биноси | *Махсус музей учун қурилган бино | Собиқ ўлкашунослик музейи |
| 35 | Темурийлар тарихи давлат музейининг бош меъмори ким? | А.Х.Қосимов | *М.О.Расулов | К.Мухаммаджонов | М.Болтабоев |
| 36 | «Қатағон қурбонлари хотираси»музейи қачон очилган? | 2004-йил 2-май | 2003-йил 18-май | 2000-йил 18-май | *2002-йил 8-ноябрь |
| 37 | Олимпия шон-шухрати музейи қачон очилган? | 2000-йил 1-май | *1996-йил 1-сентябрь | 1995-йил 20-июнь | 1998-йил 18-май |
| 38 | Тасвирий санъат галереяси қачон ва қаерда очилган? | *2004-йил Тошкентда | 2003-йил 18-май | 2000-йил 18-май | *2002-йил 8-ноябр |
| 39 | Ў.Тансиқбоев уй музейи қаерда жойлашган? | Хивада | Бухорода | Самарқандда | *Тошкентда |
| 40 | Ў.Тансикбоев уй музейида асосан нималар экспозицияга қўйилган. | Тасвирий санъат асарлари | *Рангтасвир асарлари | Фақат унинг буюмлари | Фақат хайкалтарошлик асарлари |
| 41 | «Музей предмети» бу… | Музей буюмлари | Табиат объектлари | Ёзма ва тасвирий материаллар | *Хамма жавоб тўғри |
| 42 | Тарих ихтисослигидаги музейларга…. | Археология ва этнография музейлари киради | Нумизматика ва археология музейлари киради | *Тарих фанлари системасига кирган барча музейлар киради | Тўғри жавоб йўқ |
| 43 | Бадиий музейларга мисол келтиринг. | *Тасвирий ва амалий санъат, театр,мусиқа кино санъати | Фақат тасвирий санъат музейи | Фақат театр,кино санъати музейи | Тўғри жавоб йўқ |
| 44 | Тошкентда қандай адабиёт музейи мавжуд? | *А.Навоий номидаги давлат адабиёт музейи | Ўзбекистон давлат санъат музейи | Ғ. Ғулом уй музейи | Тўғри жавоб йўқ |
| 45 | Жамоат музейлари қаерда ташкил этилади? | *Мактаб, муассаса, ташкилот, корхона қошида | Мактаб, муассаса, музейлар қошида | Ташкилот, корхона, музейлар қошида | Тўғри жавоб йўқ |
| 46 | Музейларнинг асосий функцияларини кўрсатинг | Тўгри жавоб йўқ | Илмий жихатдан экспонатлдаран ўрганиш | Реклама қилиш ва сақлаш, тўплаш | *Сақлаш, намойиш этиш, тўплаш ва эскиришни секинлаштириш |
| 47 | ИКОМ нима? | *Халқаро музейлар кенгаши | Музейлар жамияти | Музейлар бошқармаси | Халқаро музейлар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | бошқармаси |
| 48 | Очиқ осмон остидаги музейлар қаерда мавжуд? | *Хива, Бухоро, Самарканд | Хива, ТошкентЁ Навоий | Бухоро, Термиз, Тошкент | Самарканд, Тошкент |
| 49 | “Музейла тўғрисида”ги Қонун қачон қабул қилинган? | 2001 йил 10 январда | 2005 йил 26 июнда | *2008 йил 12 сентябрда | 2007 йил 7 декабрда |
| 50 | «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор качон қабул қилинган? | 1994 йил 23 декабрда | 2008 йил 2 сентябрда | 1998 йил 12 январда | 2000 йил 2 мартда |

# ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

## 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари


1.1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Ўзбекистон. 1998. – 32 б.

1.2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 206 б.

1.3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 120 б.


## 2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари


2.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрда қабул қилинган «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 1994 йил 24 декабрь.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 мартда қабул қилинган «Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 1996 йил 15 март.

2.3. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об организации мероприятий по созданию Государственного музея истории Темуридов» от 24 января 1997 года // Правда Востока, 25 января 1997 года.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 1998 йил 13 январь.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 мартда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 1998 йил 15 март.

2.6. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об упорядочении вопросов вывоза и ввоза культурных ценностей в Республике Узбекистан» от 23 марта 1999 года // Правда Востока, 24 марта 1999 года.
2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майда қабул қилинган «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 2001 йил 2 май.
2.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 8 ноябрда қабул қилинган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 2002 йил 9 ноябрь.
2.9. «Музейлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2008 йил 12 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил. – № 37-38. – Б. 12-20.

## 3. Архив манбалари

3.1. ЎзР МДА, И–1-фонд, Туркистон генерал-губернаторлиги канцелярияси.
3.2. ЎзР МДА, И–72-фонд, Туркистон халқ музейи.
3.3. ЎзР МДА, Р–94-фонд, Халқ таълими, фан. Ўз ССР Маориф халқ комиссарлиги.
3.4. ЎзР МДА, Р–367-фонд, Ўз ССР Халқ Комиссарлар Совети.
3.5. ЎзР МДА, Р–394-фонд, Қадимий, санъат ва табиат ёдгорликлари Ўрта Осиё комитети.
3.6. ЎзР МДА, Р–396-фонд, Ўрта Осиё Бош музейи.

## 4. Адабиётлар

4.1. Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар // Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар: Республика илмий анжумани. 2004 йил 18 октябрь. 2-китоб. – Тошкент, 2005. – 208 б.
4.2. Акимушкин О.Ф. О придворной китабхане сефевида Тахмаспа I в Табризе / Средневековый Восток: история, культура, источниковедение. – Москва: 1980. – 119 с.
4.3. Айбиндер М.И., Новикова И.А. Культурологический аспект деятельности музеев США / Учебное пособие. – Спб.: АОС, 2002. – 132 с.
4.4. Альмеев Р. Бухара – город музей. – Ташкент: Фан, 1999. – 205 с.
4.5. Альмеев Р. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. – Ташкент: Издательско-полиграфический дом имени Гафура Гуляма. 2007. – 268 с.
4.6. Ахмедов Э.А. Республика Узбекистан. Краткий справочник. – Ташкент: Узбекистан, 1993. – 188 с.
4.7. Бекмуродов М., Рашидова М. Музейшунослик. – Тошкент, Ворис Али, 2006. – 102 б.

4.8. Бартольд В.В. Задачи русского востоковедения в Туркестане. Сочинения. Т. 9. 1977. – Москва: Наука, – 966 с.
4.9. Бакушинский А.В. Исследования и статьи. – Москва: Советский художник, 1981. – 351 с.
4.10. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. / Сочинения, Т.2. ч. 1. – Москва: Изд. Восточная литература, 1963. – 1020 с.
4.11. Валидов А. Восточные рукописи в Ферганской области // В кн.: Русское археологическое общество. Восточное отделение. Записки. Т.22. –Ташкент, 1915. – С. 303-320.
4.12. Валидов А. О собраниях рукописей в Бухарском ханстве. Отчёт о командировке // В кн.: Русское археологическое общество. Восточное отделение. Записки. Т.23. Ташкент, Спб. 1915. – С. 245-262.
4.13. Веселовский Н.И. История императорского русского археологического общества за первое пятидесятилетие его существования. 1846-1896., Спб. 1900. – 514 с.
4.14. Востоковедные фонды крупнейших библиотек Советского Союза. Статьи и сообщения / Составитель А.С.Тверитинов. – Москва: Наука, 1963. – 126 с.
4.15. Гласс Ю.И., Ланда Л.М. Музеи Узбекистана. Путеводитель - справочник. – Ташкент: Госиздат, 1961. – 182 с.
4.16. Гнедовекий М.Б. Современные тенденции развития музейной коммуникации (на материале музееведческой культуры капиталистических стран) // Проблемы культурной коммуникации в музейной деятельности. Сб науч. трудов/ НИИ культуры МК РФ. ИНСССР. – Москва: 1989. – 134 с.
4.17. Заирова М.Г. Школьный музей. – Алма-Ата: Мектеп, 1982. – 79 с.
4.18. Зиёдов Ш., Муминов А. Библиотека Дукчи Ишана. В «Манокиб-и Дукчи Ишан» (Аноним жития Дукчи Ишана – предводителя Андижанского восстания 1898 г.) Перевод с турки, введение и комментарии Б. М. Бабаджанова. Ташкент–Берн–Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – 405 с.
4.19. Златоустава В.И. Государственная политика в области музейного дела. (1945–1965гг.) // Музей и власть. Ч. I. Москва, 1991. – 348 с.
4.20. Известия Среднеазиатского Комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы. Вып. 1. – Ташкент: Средазкомстарис. 1926. 312 с.
4.21. Илалов И. Музееведение. – Ташкент: Мусиқа, 2006. – 357 с.
4.22. Исторический вестник. 1915. – № 10, - С. 145.
4.23. Исторические и краеведческие музеи. Каталог. – Москва: Минкульт., 1988. – 540 с.
4.24. Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 302 с.
4.25. Кабиров Ж. Древнейшая наскальная живопись Зараутсая. - Новосибирск: Наука, 1976. – С. 28.

4.26. Каталог выставки «История культуры письменности Узбекистана». Ташкент, 2005.– Б. 36.

4.27. Каган М.С. Эстетика как философская наука.: Университетский курс лекции. – СПб., 1997. – С. 225.

4.28. Касавин И.Т. Традиции и интерпретация. – СПб., 2000. – 140 с.

4.29. Культурное строительство в Туркестанской АССР (1917–1924) .Том 1. – Ташкент: 1979. – 435 с.

4.30. Kuryazova D.T. Muzey ishi tarixi va nazariyasi. Kasb-hunar kollejlari uchun o‘quv qo‘llanma. – Toshkent: O‘qituvchi, 2007. – 160 b

4.31. Кун А.Л. Предание о библиотеке Тамерлана // Материалы для статистики Туркестанского края, вып. III. – Спб., 1874. – 526 с.

4.32. Коссова И.М. Международный совет музеев (ICOM) и его роль в укреплении взаимодействия музея и общества // Музей и общество. Проблема взаимодействия. Сборник трудов творческой лаборатории «Музейная педагогика» кафедры музейного дела Академии переподготовки работников искусства, культуры и туризма МК РФ. – Москва, 2001. – С. 6-21.

4.33. Концепция виртуального музея СО РАН // Альманах – 2002 / Музеи Российской академии наук / РАН. Соболева Н.А. Музейный сервис: пути развития / Сборник. Москва, 2004. – 67 с.

4.34. Леви-Строс К. Структурная антропология. – Москва, 1983. – 320 с.

4.35. Лунин Б.В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. – Ташкент: Изд. Академии наук УзССР, 1958. – 320 с.

4.36. Лунин Б.В. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность. – Ташкент: Изд. Академии наук УзССР, 1962. – 112 с.

4.37. Лунин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Ташкент: Фан, 1966. – 136 с.

4.38. Лунин Б.В. Средняя Азия в научном наследии отечественных востоковедов: Историографический очерк. – Ташкент: Фан, 1979. – 150 с.

4.39. Лунин Б.В. Самаркандский любитель старины Мирза Бухарий // Общественные науки в Узбекистане. 1963. – № 6. – 45 с.

4.40. Лунин Б.В. Среднеазиатский этнограф Шахимардан Ибрагимов // Общественные науки в Узбекистане, 1966. – № 7. – 38 с.

4.41. Маев Н.А. Туркестанская выставка 1886 г. – Ташкент: Изд. Туркестанского отдела императорского Российского общества садоводства, 1886. – 82 с.

4.42. Майлз Р. Планирование – основной инструмент менеджмента // Музей. Маркетинг. Менеджмент. – Москва: 2001. – 127 с.

4.43. Макаров Н.Г. Детские музеи Америки. История и современность. – Москва: 1997. 229 с.

4.44. Маньковская Л.Ю. Бухара: Музей под открытым небом. – Ташкент: Издательско-полиграфический дом имени Гафура Гуляма, 1991. – 255 с.

4.45. Материалы к путеводителю по Музею истории народов Узбекистана им. М.Т.Айбека АН. – Ташкент: Фан, 1990. – 164 с.

4.46. Масанов Э.А. Ш.М.Ибрагимов – друг Ч.Валиханова // Вестник АН КазССР. 1964. – № 2. – 62 с.
4.47. Миронов А.М. Художественный музей в Ташкенте / Известия Средазкомстарис. Вып. 1. 1926. – С.295-331.
4.48. Молоканова Т.В. Музей и школа: возможности взаимодействия // Проблемы педагогики средней и высшей школы / Сборник. Вып.1. – Калинин: Калининский госуниверситет. 2004. – 60 с.
4.49. Музейный совет. – Москва: Научный мир, 2004. – 234 с.
4.50. Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А. – Москва: Издательство «ВК», 2003. – 615 с.
4.51. Музейное дело и охрана памятников. Реферативно-библиографическая информация. Выпуск 3. – Москва: РГБ, 2006. – 65 с.
4.52. Музееведение. Музеи исторического профиля. – Москва: Высшая школа, 1988. – 431 с.
4.53. Мушкетов И.В. Туркестан. Том 1. – Санкт-Петербуг: 1908. – 331 с.
4.54. Мўминов И.М. Ўзбекистонда XIX аср охири – XX асрнинг бошларида ижтимоий-сиёсий фанлар тараққиётининг тарихидан. – Тошкент: Фан, 1967. – 210 б.
4.55. Новости всемирного наследия // Мировое наследие. Москва, 2003. – № 5. – 70 с.
4.56. Нумизматика Узбекистана / Отв. Ред. Акад. Э.В. Ртвеладзе. Ташкент: Фан, 1990. – 212 с.
4.57. Общественные музеи Узбекистана / Под ред. Х.Д.Садыкова. – Ташкент: Фан, 1988. – 210 с.
4.58. Розенблюм Е.А. Художник в дизайне. – Москва: Наука, 1974. 162 с.
4.59. Самария // Предисловие М.М.Веселовского. – Спб., 1904. – 123 с.
4.60. Садыкова Н. Музей истории народов Узбекистана им. М.Т.Айбека / Наука в Узбекистане. Т. II. Общественные науки. – Ташкент: Фан, 1974 – 120 с.
4.61. Садыкова Н. Музейное дело в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1975. – 290 с.
4.62. Садыкова Н. Единство научно-исследовательской и идейно-воспитательной работы музеев Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1987. – 132 с.
4.63. Садыкова Н. Историография и источники по музейному строительству. – Ташкент: Фан, 1987. – 98 с.
4.64. Садыков Х., Гласс Ю., Цой Е. Музеи Узбекистана. Путеводитель-справочник. – Ташкент: Фан, 1978. – 115 с.
4.65. Семёнов А.А. Некоторые особенности материальной культуры прошлых эпох Средней Азии // Известия Средазкомстарис. 1928. Вып. 1. – С. 11-13.
4.66. Семёнов А.А. Государственная публичная библиотека и фонды восточных рукописей Узбекистана // Альманах «Литературный Ташкент». 1945. – С.112-115.

4.67. Семенов А.А. Среднеазиатские рукописные фонды и важность их изучения / Материалы первой Всесоюзной Научной конференции востоковедов в г. Ташкенте. – Ташкент, 1958. – С.915.
4.68. . Сирдарё вилояти обзори. – Тошкент. 1887. – Б. 329-330.
4.69 Соболева Н.А. Музейный сервис: пути развития. / Сборник. – Москва, 2004. – 125 с.
4 70. Содиқова Н. Мулки торож ўзбегим. – Тошкент: Фан–хазина, 1995. – 42 б.
4.71. Содиқова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1981. – 270 б.
4.72. Столяров Б.А. Музейная педагогика. История, теория, практика. – Москва: Высшая школа, 2004. – 255 с.
4.73. Сирдарё вилояти обзори. – Тошкент, 1887. – Б. 329-330.
4.74. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари / Масъул муҳаррир Д.А.Алимова. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 452 б.
4.75. Тельчаров А. Основы музейного дела. – Москва: Омега, 2005. – 182 с.
4.76. Темурийлар даври моддий ёдгорликлари // Темурийлар тарихига оид манбалар: муаммолар, мулоҳазалар: Республика илмий анжумани. 2002 йил 18 октябрь. 1-китоб. – Тошкент, 2003. – 108 б.
4.77. Темурийлар давлатчилиги ренессанси. Республика илмий анжумани. 2006 йил 23 март. 3-китоб. – Тошкент, 2008. – 176 б.
4.78. Ташкент – столица исламской культуры 2007 года. Исламские рукописи Ташкентских коллекцией. Т.: АНРУз. Государственный музей истории Темуридов АНРУз. Республиканский фонд. «Узбекмузей». 2007. – 91с.
4.79. Туманов В.Е. Общественные музеи // Российская музейная энциклопедия. Т. 2. – Москва: 2001. – 443 с.
4.80. Уварова П.С. Губернские и областные музеи. – Москва, 1888. – 158 с.
4.81. Упфал Г.Я., Забродин Е.Б. К вопросу о дате возникновения Самаркандского музея / Очерки истории музейного дела в СССР, вып. У.11. – Москва. 1971.
4.82. Хўжаев Ф. Танланган асарлар. 1 том. – Тошкент: Фан, 1970. – 279 б.
4.83. Фузаилова Г., Хасанова М. Музееведение. – Ташкент: Фан ва технологиялар босмахонаси, 2008. – 192 с.
4.84. Чабров Г.Н. Накопление сокровищ и культурных ценностей в государствах Средней Азии с древнейших времен до падения феодальных деспотий // Рукопись. Научный архив Государственного музея истории Узбекистана. 1957. – 1963. – 126 с.
4.85. Чабров Г.Н. Выставочная работа в Туркестанском крае (1865–1916 гг.) // Труды Музея истории Узбекистана, вып. III. – С. 118-135.
4.86. Шмидт Ф.И. Искусство как предмет обучения. – Харьков: Просвещение, 1923. – С.18.
4.87. Юреньева Т.Ю. Музеи в мировой культуре. – Москва: Русское слово, 2003. - 435 с.

4.88. Юреньева Т.Ю. Музееведение. – Москва: Академпроект, 2003. – 382 с.
4.89. Ғуломов Я. Ўзбекистонда моддий-маданий ёдгорликларни сақлаш, ўрганиш йўллари. – Тошкент: 1934. – 120 б.
4.90. Юсупов М.С. 50-лет Самаркандского музея (1896–1946 гг.). – Самарканд: 1948. – 58 б.

## 5. Журнал мақолалари

5.1. Альмеев Р. Музей и маркетинг // Мозийдан садо. – Ташкент, 2005. – № 4 (32). – С. 12-13.
5.2. Батиров И. Историческое наследие – бесценное богатство народа // Мозийдан садо. – Ташкент, 2001. – № 4 (12). – С. 22.
5.3. Воҳидов Ш., Ёқубов Ж. Кичик масканларнинг улкан вазифалари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2000. – № 2. – Б. 18-20.
5.4. Дресвянская Г.Я. Музей и общество // Мозийдан садо. – Ташкент, 2000. – № 1-2 (5-6). – С. 30-33.
5.5. Ёрмуҳаммедов Ў. Нажотбахш қарор // Гулистон. – Тошкент, 1995. – № 2. – Б. 28-29.
5.6. Жабборов И., Раҳимова Д. Замонавий музейшуносликнинг долзарб муаммолари // Мозийдан садо. – Ташкент, 2003. – № 1 (7). – Б. 10-12.
5.7. Жумаев К. Музей народно-прикладного искусстваСитораи Мохи хоса. // Мозийдан садо. – Ташкент, 2003. – № 1 (17). – С. 12
5.8. Иноятов Қ. Ватанга муҳаббат шу ерда туғилади // Мозийдан садо. – Тошкент, 1999. – № 3. – Б. 4-7.
5.9. Исмоилова Ж. Музей – тарих кўзгуси // Мозийдан садо – Тошкент, 2003. – № 2 (18). – С. 17-78.
5.10. Исмоилова Ж. Х. Илмий ва маърифий маскан // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004, – №1. – Б. 2-3.
5.11. Йонесов А. Международный музей мира и солидарности // Мозийдан садо. – Ташкент, 2005. – №4 (28). – С. 12.
5.12. Левтеева Л. Юбилейные выставки в музее истории Узбекистана // Мозийдан садо. – Ташкент, 2006. – № 2 (30). – С. 34-37.
5.13. Махмудов Н. Самаркандский музей в новой культурной среде // Мозийдан садо. – Ташкент, 2007. – № 3 (37). – С. 24.
5.14. Нурабуллаева С. Ўлкамиз тарихи сарчашмаси. Қорақалпоғистон Республикаси Ўлкашунослик музейининг 75 йиллиги // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. – № 2 – Б. 5.
5.15. Ртвеладзе Э. Из истории Великого Шёлкового пути // Мозийдан садо. – Ташкент, 1999. – № 3. – С. 8-13.
5.16. Романов Н.И. О задачах и методах экскурсии по искусству // Экскурсионный вестник. – Москва: 1916. – №12. – С. 8.
5.17. Содиқова Н. Ўрта Осиёда музейларнинг шаклланиши // Мозийдан садо. Тошкент, 1999. – № 1–2. – Б. 16–23.

5.18. Тураев Х. Тасаввуф тарихи музейи // Мозийдан садо. Тошкент, 2005. – № 4. – Б. 8-9.
5.19. Тулаганов Ш., Долганова Н. Музей олимпийской славы // Мозийдан садо. – Ташкент, 1999. – № 1-2. – С. 24-25.
5.20. Убайдуллаев Х., Сетмаматов М. Музей памяти жертв репрессий // Мозийдан садо. – Ташкент, 2003. – 2 (18). – С. 6-8.
5.21. Фатхуллаев Р. Музей ишида замонавий ахборот технологияси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2002. – № 2 (14). – Б. 8-11.
5.22. Ҳабибуллаев Н. Темурийлар тарихи давлат музейи // Мозийдан садо. – Тошкент, 1999. – № 4 (32). – Б. 5-8.
5.23. Ҳабибуллаев Н. Ўзбек музейларининг истиқболи // Мозийдан садо. – Тошкент, 1999. – № 1-2. – Б. 12-13.
5.24. Ҳушваков Н. Шаҳрисабз тарих музейи // Мозийдан садо. – Тошкент, 2006. – № 2 (30). – Б. 12-14.
5.25. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 1996 йил 18 октябрь куни Тошкент шаҳрида Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи // Мозийдан садо. – Тошкент, 1999. № 1-2. – Б. 7.
5.26. Қайимов Р. Самарқанд давлат музей-қўриқхонасининг халқаро алоқалари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2005. – № 4. – Б. 11-12.

## 6. Газета мақолалари

6.1. Зеркало нашей истории и достижений. В Ташкенте открыт Музей олимпийской славы // Правда Востока, 3 сентября 1996 года.
6.2. Клеменц Д.А. Местные музеи и их значение в провинциальной жизни // Приложение к газете «Восточное обозрение» 1892, Вып. 2.
6.3. Левтеева Л. «Триада» из Фаязтепе // Вечерний Ташкент. 9 октября 2002 года.
6.4. Музей олимпийской славы // Правда Востока, 8 февраля 1996 года.
6.5. Среднеазиатская жизнь 1907. № 185., № 187.
6.6. Туркистон вилояти газети. 1885. № 6, 4-б.
6.7. Туркестанские ведомости 1870. – №3., 1873. – № 44., 1875. №8., 1876, №48., 1877. №18., 1888. – № 5., 1889. – № 28., 1889. № 54., 1891. № 45., 1892. – № 31., 1900. №4., 1894. № 1., 1895. № 83., 1896. № 57., 1904. № 156., 1907. № 166., 1911. – № 24., 1912. № 46., 1912. – № 94., 1912. № 94.
6.8. Ҳабибуллаев Н. Музейлар мозийдан сўйлайди // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2001 йил 18 май.

## МУНДАРИЖА

**I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МУЗЕЙЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДА ТУТГАН ЎРНИ.......бет**

Туркистонда музейларнинг шаклланиш тарихи ва уларнинг музей иши ривожидаги роли.........................................................................................бет

Ўзбекистонда совет даври музейларининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни....бет

**II БОБ. II БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ ҲАМДА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ..........................................................................бет**

Мустақиллик даврида музей иши ва унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари......бет

**III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МУЗЕЙЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ, ИСТИҚБОЛИ ҲАМДА МУЗЕЙШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.........................................................................................бет**

Ўзбекистонда янги музейларнинг тараққиёти ва аҳамияти............................бет

Ўзбекистон тарихи давлат музейининг такомиллашуви ва янги илмий концепцияси хусусиятлари.........................................................................бет

Темурийлар тарихи давлат музейи – мустақиллик бунёдкорлиги тимсоли..бет

Музейшуносликнинг долзарб масалалари.....................................................бет

Мустақиллик йилларида музейлар истиқболининг шарт- шароитлари.........бет